

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

ТЎПЛАМИ

3-сон
(867)
2019 йил
21 январь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

36. «Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жинойт процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 январдаги ЎРҚ–515-сон Қонуни
37. «Иқтисодий жинойтларга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 15 январдаги ЎРҚ–516-сон Қонуни
38. «Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 17 январдаги ЎРҚ–517-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

39. «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш

- чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ–5630-сон Фармони
40. «Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ–5633-сон Фармони
41. «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон Фармони
42. «Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПҚ–4112-сон қарори [Кўчирма]
43. «Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 январдаги ПҚ–4118-сон қарори
44. «Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 январдаги ПҚ–4119-сон қарори
45. «Франция ривожланиш агентлиги иштирокида «Иқтисодий бошқаришни яхшилаш дастури» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПҚ–4123-сон қарори
46. «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПҚ–4124-сон қарори
47. «Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПҚ–4125-сон қарори

Бешинчи бўлим

48. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 12 декабрдаги 151-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (7-сонли БҲС) «Товар-моддий захиралар»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3120*)
49. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 15 декабрдаги 39/8-сон «Кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандини ўз ку-

чини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2546-2*)

50. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 29 декабрдаги 335-В-2, 01-02/12-74-сон «Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2694-2*)
51. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 29 декабрдаги 01-02/12-75-сон «Халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари устидан божхона назорати қоидаларининг 5.6-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 896-5*)
52. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 13 декабрдаги 153, 350-В, 56-сон «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг аъзолик бадалини Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига ўтказиб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 15 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3121*)
53. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 10 декабрдаги 11/ққ, 28-ққ-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 18 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3122*)
54. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 10 декабрдаги 12/ққ, 27-ққ, 147-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарорини

ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 18 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2974-1*)

55. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 13 декабрдаги 3-мх-сон «Давлат мактабгача таълим муассасаларида қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 18 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3123*)
56. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ташки ишлар вазирлигининг 2018 йил 18 декабрдаги 78, 39/1-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотишни расмийлаштириш масалаларига оид ҳужжатларни тайёрлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 18 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2909-1*)
57. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 18 декабрдаги 157-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) «Бюджет ҳисоботи»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 18 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3124*)
58. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 18 декабрдаги 156-сон «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 18 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2971-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 12 январдан 18 январгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

36 Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 22 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва асосий вазифалари

Ушбу Қонуннинг мақсади жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари жабрланувчиларнинг, гувоҳларнинг ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг (бундан буён матнда ҳимоя қилинувчи шахслар деб юритилади) ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулкига тажовуз таҳдиди мавжуд бўлганда қўлланиладиган, жиноятларнинг олдини олишга ёки уларни фош этишга кўмаклашадиган, хавфсизлик ва ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини ўз ичига оладиган чора-тадбирлар тизимини белгилашдан, шунингдек уларни қўллашнинг асослари ҳамда тартибини аниқлашдан иборатдир.

2-модда. Ҳимоя қилинувчи шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ҳимоя қилинувчи шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ҳимоя қилинувчи шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 15 январда эълон қилинган.

3-модда. Ҳимоя қилинувчи шахсларни ҳимоя қилишнинг асосий принциплари

Ҳимоя қилинувчи шахсларни ҳимоя қилишнинг асосий принциплари қонунийлик, ҳимоя қилинувчи шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги, ҳимоя қилинувчи шахсларнинг ҳамда ҳимоя қилишни таъминловчи давлат органларининг ўзаро жавобгарлигидан иборат.

4-модда. Ҳимоя қилинувчи шахслар

Ҳимоя қилинувчи шахслар қуйидагилардан иборат:

- 1) жабрланувчи ва унинг қонуний вакили;
- 2) гувоҳ;
- 3) жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси;
- 4) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари;
- 5) маҳкум, оқланган шахс, ўзига нисбатан жиноят иши тугатилган шахс;
- 6) фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари;
- 7) эксперт, мутахассис, таржимон ва холис.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошлари ҳам ҳимоя қилинувчи шахслар бўлиши мумкин.

Ҳимоя қилиш чоралари жиноят иши қўзғатилгунига қадар аризачига, жиноят шохидига ёки жиноятнинг олдини олишга ёхуд уни фош этишга қўмаклашувчи шахсларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

5-модда. Ҳимоя қилишни таъминловчи давлат органлари

Ҳимоя қилишни таъминловчи давлат органлари қуйидагилардан иборат: ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилувчи органлар; хавфсизлик чораларини таъминловчи органлар;

ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини таъминловчи органлар.

Ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисидаги қарор жиноят ишини юритаётган, терговга қадар текширувни амалга ошираётган, суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суд томонидан қабул қилинади.

Ички ишлар органларининг ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати органларининг юритувида бўлган жиноят ишлари бўйича ҳимоя қилинувчи шахсларга нисбатан хавфсизлик чоралари мазкур органлар томонидан таъминланади.

Суднинг ёки прокуратура органининг юритувида бўлган жиноят ишлари бўйича ҳимоя қилинувчи шахсларга нисбатан хавфсизлик чоралари ҳимоя қилинувчи шахслар жойлашган ердаги ички ишлар органлари томонидан суднинг ёки прокурорнинг қарорига биноан таъминланади.

Ҳарбий хизматчилар орасидан бўлган ҳимоя қилинувчи шахсларга нисбатан хавфсизлик чоралари тегишли ҳарбий қисмлар қўмондонлиги ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий тузилмаларининг юқори турувчи қўмондонлиги томонидан таъминланади.

Тергов ҳибсхоналарида сақланаётган ҳимоя қилинувчи шахсларга нис-

батан хавфсизлик чоралари тегишинча ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати органлари томонидан таъминланади.

Жазони ўташ жойларида сақланаётган ҳимоя қилинувчи шахсларга нисбатан хавфсизлик чоралари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармаси муассасалари томонидан таъминланади.

Ҳимоя қилинувчи шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари ва бошқа органлар зиммасига юклатилади.

2-боб. Ҳимоя қилиш турлари

6-модда. Хавфсизлик чоралари

Хавфсизлик чоралари қуйидагилардан иборат:

1) ҳимоя қилинувчи шахс тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

2) шахсни, уй-жойни ва бошқа мол-мулкни қўриқлаш;

3) ҳимоя қилинувчи шахсга махсус индивидуал ҳимоя воситаларини ва техник воситаларни бериш;

4) вақтинчалик хавфсиз жойга жойлаштириш;

5) бошқа яшаш жойига кўчириш, иш (хизмат) ёки ўқиш жойини ўзгартириш;

6) ҳужжатларни алмаштириш;

7) ҳимоя қилинувчи шахс тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилишини чеклаш;

8) қамокда ёки жазони ўташ жойларида сақланаётган ҳимоя қилинувчи шахсга нисбатан қўшимча хавфсизлик чораларини таъминлаш.

Ушбу модда биринчи қисмининг 6 ва 7-бандларида назарда тутилган хавфсизлик чоралари фақат оғир ва ўта оғир жиноят ишлари бўйича зарур бўлган ҳолларда амалга оширилади.

7-модда. Ҳимоя қилинувчи шахс тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш

Ҳимоя қилинувчи шахс тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш хавфсизлик чораларини таъминловчи органнинг қарорига биноан, операторларда турган давлат ахборот-маълумот фондларидаги ва бошқа ахборот-маълумот фондларидаги ҳимоя қилинувчи шахс ҳақидаги маълумотлар берилишига тақиқ ўрнатиш, унинг телефони абонент рақамларини ҳамда унинг фойдаланувидаги ёки унга тегишли транспорт воситаларининг давлат рақам белгиларини ўзгартириш йўли билан амалга оширилади.

Бошқа жиноят, маъмурий, иқтисодий ёки фуқаролик ишини юритиш билан боғлиқ алоҳида ҳолларда, ҳимоя қилинувчи шахс тўғрисидаги маълумотлар ёзма сўров асосида ва ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида қарор

қабул қилган органнинг ёзма розилиги билан суриштирув, дастлабки тергов органлари, судга тақдим этилиши мумкин.

8-модда. Шахсни, уй-жойни ва бошқа мол-мулкни қўриқлаш

Ҳимоя қилинувчи шахснинг ҳаётига ёки соғлиғига ёхуд мол-мулкига тажовуз таҳдиди мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар аниқланган тақдирда, хавфсизлик чораларини таъминловчи органлар томонидан ушбу шахснинг розилиги билан унинг ўзини, уй-жойини ва бошқа мол-мулкни қўриқлаш амалга оширилади.

Ҳимоя қилинувчи шахс томонидан эгаллаб турилган уй-жой ва бошқа мол-мулк кузатувнинг техник воситалари, ёнғинга қарши ва қўриқлаш сигнализацияси, шунингдек бошқа ускуналар билан жиҳозланиши мумкин.

9-модда. Ҳимоя қилинувчи шахсга махсус индивидуал ҳимоя воситаларини ва техник воситаларни бериш

Хавфсизлик чораларини таъминловчи органлар ҳимоя қилинувчи шахснинг ҳаёти ва соғлиғига нисбатан таҳдид даражасини ҳисобга олган ҳолда унга махсус индивидуал ҳимоя воситаларини ҳамда техник воситаларни бериши мумкин.

10-модда. Вақтинчалик хавфсиз жойга жойлаштириш

Зарур бўлган тақдирда, вояга етган ҳимоя қилинувчи шахслар ўз розилиги билан, вояга етмаган шахслар эса ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг розилиги билан ўз хавфсизлиги таъминланадиган жойларга жойлаштирилиши мумкин. Мазкур жойда бўлиш муддати ҳимоя қилинувчи шахс ва хавфсизлик чораларини таъминловчи орган ўртасида келишилади.

11-модда. Бошқа яшаш жойига кўчириш, иш (хизмат) ёки ўқиш жойини ўзгартириш

Ҳимоя қилинувчи шахсларнинг розилиги билан ёки уларнинг аризасига кўра улар бошқа вақтинчалик ёхуд доимий яшаш жойига кўчирилиши, ўзга вақтинчалик ёки доимий ишга (хизматга) ёхуд бошқа ўқиш жойига ўтказилиши мумкин.

Ҳимоя қилинувчи шахс бошқа доимий яшаш жойига кўчирилганда унга давлат ҳисобидан уй-жой берилади, кўчиб ўтиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни қопланади, моддий ёрдам кўрсатилади, унинг ишга жойлаштирилиши кафолатланади ва аввалгисига ўхшаш иш (хизмат) ёки ўқиш жойини танлашда ёрдам кўрсатилади. Ҳимоя қилинувчи шахс вақтинчалик яшаш учун бошқа жойга кўчирилганда у илгари эгаллаб турган уй-жой ва аввалги ёки аввалгисига ўхшаш иш (хизмат) ёхуд ўқиш жойига жойлаштириш кафолатлари ушбу шахс кўрсатилган сабабга кўра йўқ бўлган бутун давр мобайнида сақланиб қолади.

Бошқа яшаш жойига кўчириш, иш (хизмат) ёки ўқиш жойини ўзгартириш ҳимоя қилинувчи шахснинг хавфсизлигини унга нисбатан бошқа хавфсизлик чораларини қўллаш орқали таъминлашнинг имкони бўлмаган ҳоллардагина амалга оширилади.

12-модда. Хужжатларни алмаштириш

Химоя қилинувчи шахсларнинг аризасига кўра ёки уларнинг розилиги билан уларга фамилияси, исми, отасининг исми ва бошқа маълумотлари ўзгартирилган шахсини тасдиқловчи хужжатлар ҳамда ўзга хужжатлар берилиши мумкин.

Янги фамилия, исм, отасининг исми химоя қилинувчи шахс билан албатта келишилган ҳолда ёки ушбу шахс томонидан, вояга етмаганлар учун эса улар ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакиллариининг розилиги билан танланади.

13-модда. Химоя қилинувчи шахс тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилишини чеклаш

Химоя қилинувчи шахс тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилишини чеклаш жиноят иши материалларидан шахснинг анкета маълумотларини олиб қўйишдан ва уларни асосий иш юритуvidан ажратиб сақлашдан, шунингдек бунинг учун тахаллусдан фойдаланишдан иборатдир.

14-модда. Қамокда ёки жазони ўташ жойларида сақланаётган химоя қилинувчи шахсга нисбатан қўшимча хавфсизлик чораларини таъминлаш

Қамокда ёки озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум этиш ёхуд интизомий ҳарбий қисмда сақлаш тарзидаги жазони ўташ жойларида сақланаётган химоя қилинувчи шахснинг хавфсизлиги унга нисбатан ушбу Қонун 6-моддаси биринчи қисмининг 1 ва 7-бандларида назарда тутилган хавфсизлик чораларини қўллаш орқали таъминланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг хавфсизлиги чораларини таъминлаш мақсадида қуйидагилар ҳам қўлланилиши мумкин:

1) химоя қилинувчи шахсни ва зўравонлик таҳдидини келтириб чиқарувчи шахсни улар ушлаб турилганда, қамокқа олинганда ва уларга нисбатан жиноий жазолар тайинланганда бошқа-бошқа қамокда сақлаш ва жазони ўташ жойларига юбориш;

2) химоя қилинувчи шахсни ёки зўравонлик таҳдидини келтириб чиқарувчи шахсни бир қамокда сақлаш жойидан ва жазони ўташ жойидан бошқасига ўтказиш;

3) химоя қилинувчи шахсни ва зўравонлик таҳдидини келтириб чиқарувчи шахсни алоҳида-алоҳида сақлаш;

4) химоя қилинувчи шахсга нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириш.

15-модда. Ижтимоий химоя қилиш чоралари

Химоя қилинувчи шахс жиноят процессида иштирок этиши муносабати билан ҳалок бўлган (вафот этган) тақдирда, ҳалок бўлган (вафот этган) шахснинг оила аъзоларига ва унинг қарамоғида бўлган шахсларга химоя қилишни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилувчи органнинг қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бир йўла

бериладиган нафақа тўланади ҳамда боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланади.

Ҳимоя қилинувчи шахс жиноят процессида иштирок этиши муносабати билан унга ногиронликни келтириб чиқарувчи тан жароҳати етказилган ёки унинг соғлиғига бошқача зиён етказилган тақдирда, ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилувчи органнинг қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бир йўла бериладиган нафақа тўланади ва ногиронлик пенсияси тайинланади.

Ҳимоя қилинувчи шахс жиноят процессида иштирок этиши муносабати билан унга ногиронликни келтириб чиқармайдиган тан жароҳати етказилган ёки унинг соғлиғига бошқача зиён етказилган тақдирда, ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилувчи органнинг қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бир йўла бериладиган нафақа тўланади.

Ҳимоя қилинувчи шахс жиноят процессида иштирок этганлиги муносабати билан ҳалок бўлган (вафот этган) тақдирда, агар унинг оила аъзолари ва унинг қарамоғида бўлган шахслар турли бир йўла бериладиган нафақалар олиш ҳуқуқига эга бўлса, бир йўла бериладиган нафақалардан биттаси уларга ўз танловига кўра тайинланади.

Тан жароҳати етказилган ёки соғлиғига бошқача зиён етказилган тақдирда, бир вақтнинг ўзида турли бир йўла бериладиган нафақаларни олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳимоя қилинувчи шахсларга ўз танловига кўра бир йўла бериладиган нафақалардан биттаси тайинланади.

Ҳимоя қилинувчи шахсга жиноят процессида иштирок этиши муносабати билан етказилган мулкӣ зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланиб, кейинчалик ушбу маблағлар ҳимоя қилинувчи шахсга мулкӣ зарар етказилишида айбдор бўлган шахсдан ундирилиши лозим.

3-боб. Ҳимоя қилишни амалга ошириш асослари ва тартиби

16-модда. Хавфсизлик чораларини қўллаш асослари

Ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилувчи орган томонидан аниқланган, ҳимоя қилинувчи шахсни жиноят процессида иштирок этганлиги муносабати билан ўлдириш, унга зўрлик ишлатиш, унинг мол-мулкни йўқ қилиш ёки мол-мулкига шикаст етказишнинг аниқ таҳдиди мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар хавфсизлик чораларини қўллаш учун асос бўлади.

Хавфсизлик чоралари ҳимоя қилинувчи шахснинг ёзма аризаси асосида ёки унинг ёзма розилиги билан, вояга етмаган шахсларга нисбатан эса улар ота-онасининг ёки бошқа қонунӣ вакилларининг, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органлари ваколатли вакилларининг (ота-онаси ёки бошқа қонунӣ вакиллари ҳомийлигидан маҳрум бўлган тақдирда) ёзма аризаси асосида ёхуд уларнинг ёзма розилиги билан қўлланилади.

Агар хавфсизлик чораларининг қўлланилиши ҳимоя қилинувчи шахснинг вояга етган оила аъзолари ва у билан бирга яшовчи бошқа шахслар манфаатларига дахл қиладиган бўлса, хавфсизлик чораларини қўллаш учун уларнинг ёзма розилиги олиниши зарур.

17-модда. Ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини қўллаш асослари

Ҳимоя қилинувчи шахснинг жиноят процессида иштирок этиши муносабати билан ҳалок бўлганлиги (вафот этганлиги), унга тан жароҳати ёки унинг соғлиғига бошқача зиён етказилганлиги, мулкӣ зарар етказилганлиги ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини қўллаш учун асос бўлади.

18-модда. Хавфсизлик чораларини қўллаш тартиби

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи, суриштирув, дастлабки тергов органлари, прокурор, суд ушбу Қонуннинг 4-моддасида кўрсатилган шахсни ўлдириш, унга зўрлик ишлатиш, унинг мол-мулкани йўқ қилиш ёки мол-мулкига шикаст етказиш ёхуд унга нисбатан бошқача ғайриқонунӣ қилмиш содир этилиши таҳдиди мавжудлиги тўғрисидаги аризани (хабарни) олгач, ушбу аризани (хабарни) текшириб кўриши ва бу шахсга нисбатан хавфсизлик чораларини қўллаш тўғрисида ёхуд уларни қўллашни рад этиш ҳақида уч сутка ичида, кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда эса дарҳол қарор (ажрим) қабул қилиши шарт. Қарор (ажрим) чиқарилган куннинг ўзида хавфсизлик чораларини таъминловчи органга ижро этиш учун, шунингдек ўзига нисбатан мазкур қарор (ажрим) чиқарилган шахсга юборилади.

Хавфсизлик чораларини қўллаш ҳақидаги ёки уларни қўллашни рад этиш тўғрисидаги қарор (ажрим) устидан юқори турувчи органга, прокурорга ёки судга шикоят қилиниши мумкин. Шикоят берилган пайтдан эътиборан йигирма тўрт соат ичида кўриб чиқирилиши лозим.

Хавфсизлик чораларини таъминловчи орган ушбу Қонунда назарда тутилган зарур хавфсизлик чораларини танлаб олади ва уларнинг қўлланилиш усуллари аниқлайди. Ҳимоя қилинувчи шахсга унинг хавфсизлиги мақсадида рияз этилиши шарт бўлган кўрсатмалар берилади. Ҳимоя қилинувчи шахснинг илтимосномасига кўра кўрсатмаларга фақат хавфсизлик чораларини таъминловчи органнинг розилиги билан ўзгартишлар киритилиши мумкин.

Қўлланилаётган хавфсизлик чоралари ҳимоя қилинувчи ва бошқа шахсларнинг уй-жойга, меҳнатга, пенсияга оид ҳуқуқларини ва бошқа ҳуқуқларини чекламаслиги керак.

Хавфсизлик чораларини таъминловчи орган танланган хавфсизлик чоралари, уларни ўзгартириш, уларга қўшимча киритиш тўғрисида ва кўрсатилган чораларни қўллаш натижалари ҳақида жиноят тўғрисидаги ариза (хабар) ёхуд жиноят иши ўз юритувида бўлган терговга қадар текширувни амалга оширувчи, суриштирув, дастлабки тергов органини, прокурорни ёки судни хабардор қиладди, ҳимоя қилинувчи шахснинг хавфсизлигига таҳдид бартараф этилган тақдирда эса, хавфсизлик чораларини бекор қилиш тўғрисида илтимоснома киритади.

Зарур бўлган тақдирда, хавфсизлик чораларини таъминловчи орган ҳимоя қилинувчи шахс билан хавфсизлик чораларини қўллаш шартлари, тарафларнинг ўзаро мажбуриятлари ва ўзаро жавобгарлиги ҳақида ёзма шаклда келишув тузади.

Вояга етмаганлар ёхуд ўзининг жисмоний ёки руҳий ҳолатига кўра ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини мустақил равишда амалга ошириш имкониятидан маҳрум бўлган шахсларга нисбатан хавфсизлик чораларини қўллаш уларнинг қонуний вакилларини жалб этган ҳолда амалга оширилади. Қонуний вакиллар ўзлари вакиллик қилаётган жисмоний шахслар билан ушбу Қонунда назарда тутилган доирада бир хил ҳуқуқларга эга бўлади.

19-модда. Ижтимоий ҳимоя қилиш чораларининг қўлланилиш тартиби

Ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилувчи орган ҳимоя қилинувчи шахснинг ҳалок бўлганлиги (вафот этганлиги) ҳақидаги аризани (хабарни) олганидан ҳамда ҳалокат (ўлим) шахснинг жиноят процессида иштирок этиши муносабати билан содир бўлганлигини аниқлаганидан сўнг, ҳалок бўлган (вафот этган) шахснинг оила аъзоларига ва унинг қарамоғида бўлган шахсларга нисбатан ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини қўллаш ҳақида ёки уларни қўллашни рад этиш тўғрисида уч сутка ичида қарор (ажрим) қабул қилиши шарт.

Ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилувчи орган ҳимоя қилинувчи шахсга жиноят процессида иштирок этиши муносабати билан тан жароҳати ёки унинг соғлиғига бошқача зиён етказилганлиги, мулкий зарар етказилганлиги ҳақидаги аризани (хабарни) олгач, ушбу аризани (хабарни) текшириб кўриши ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини қўллаш ҳақида ёки уларни қўллашни рад этиш тўғрисида уч сутка ичида қарор (ажрим) қабул қилиши шарт.

Ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини қўллаш тўғрисидаги қарор (ажрим) ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини таъминловчи органга ижро этиш учун, шунингдек ўзига нисбатан мазкур қарор (ажрим) чиқарилган шахсга юборилади.

Ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини қўллаш ёки уларни қўллашни рад этиш тўғрисидаги қарор (ажрим) устидан юқори турувчи органга, прокурорга ёки судга шикоят қилиниши мумкин. Шикоят берилган кундан эътиборан бир ой ичида кўриб чиқилиши лозим.

Ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини таъминловчи орган ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорни (ажримни) олганидан сўнг ўн сутка ичида ижро этиши шарт.

20-модда. Хавфсизлик чораларини бекор қилиш тартиби

Хавфсизлик чораларини қўллашнинг ушбу Қонуннинг 16-моддасида кўрсатилган асослари бартараф этилган тақдирда, шунингдек хавфсизлик чораларини таъминловчи орган ҳимоя қилинувчи шахс билан ушбу Қонун 18-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ тузган келишув шартларининг

ҳимоя қилинувчи шахс томонидан бузилганлиги оқибатида хавфсизлик чораларини кейинчалик қўллаш имконсиз бўлган тақдирда, хавфсизлик чоралари бекор қилинади.

Хавфсизлик чоралари ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилган органга ҳимоя қилинувчи шахс томонидан юборилган ёзма аризага кўра бекор қилиниши мумкин.

Хавфсизлик чораларини бекор қилишга фақат ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилган органнинг қарорига (ажримига) ёхуд жиноят ишини юритаётган органнинг қарорига (ажримига) кўра йўл қўйилади.

Хавфсизлик чораларини бекор қилиш тўғрисидаги қарор (ажрим) устидан юқори турувчи органга, прокурорга ёки судга шикоят қилиниши мумкин. Шикоят берилган пайтдан эътиборан йигирма тўрт соат ичида кўриб чиқиши лозим.

Хавфсизлик чораларини бекор қилиш тўғрисидаги қарорда (ажримда) ҳимоя қилинувчи шахснинг мулкӣ ҳуқуқларини ва улар билан боғлиқ шахсий номулкӣ ҳуқуқларини тиклаш масалалари тартибга солиниши керак.

Хавфсизлик чораларини қўллаш тўғрисидаги қарор (ажрим) ушбу Қонун 5-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган орган мазкур чораларни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилгунига қадар амал қилади.

Суд жиноят иши бўйича ҳукм чиқараётганда хавфсизлик чораларини бекор қилиш ҳақида ёхуд мазкур чораларни бундан буён қўллаш тўғрисида ажрим чиқаради.

21-модда. Ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисидаги қарорлар ижросининг мажбурийлиги

Органларнинг ўз ваколатларига мувофиқ қабул қилинадиган ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисидаги қарорлари мазкур қарорлар юборилган органлар ва ташкилотлар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

4-боб. Ҳимоя қилинувчи шахсларнинг ҳамда ҳимоя қилишни таъминловчи давлат органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

22-модда. Ҳимоя қилинувчи шахсларнинг ҳуқуқлари

Ҳимоя қилинувчи шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

шахсий ва мулкӣ хавфсизлигини, шунингдек ушбу Қонун 4-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг шахсий ва мулкӣ хавфсизлигини таъминлашни талаб қилиш;

ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда ижтимоӣ ҳимоя қилиш чоралари қўлланилишини талаб қилиш;

ўзига нисбатан, шунингдек ушбу Қонун 4-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган шахсларга нисбатан хавфсизлик чораларининг қўлланилиши ва хусусияти ҳақида билиш;

қўшимча хавфсизлик чораларини қўллаш ҳақидаги ёхуд уларни бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этиш;

ҳимоя қилишни таъминловчи давлат органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи органга, прокурорга ёки судга шикоят қилиш;

хавфсизлик чораларини таъминловчи органга психологик ёрдам олиш учун мурожаат этиш.

23-модда. Ҳимоя қилинувчи шахсларнинг мажбуриятлари

Ҳимоя қилинувчи шахслар:

хавфсизлик чораларини таъминловчи орган томонидан берилган кўрсатмаларни, шунингдек унинг қонуний талабларини бажариши;

ўзига нисбатан қилинган ҳар бир таҳдид ёхуд ғайриқонуний ҳаракатлар тўғрисида хавфсизлик чораларини таъминловчи органни дарҳол хабардор қилиши;

хавфсизликни таъминлаш учун ўзига берилган мол-мулкни асраб-авайлаши;

ўзига нисбатан қўлланилган хавфсизлик чоралари ҳақидаги маълумотларни ошкор этмаслиги шарт.

Хавфсизликни таъминлаш мақсадида фойдаланишга берилган мол-мулк сотиб юборилган, ўзга шахсга бериб юборилган ёки унга шикаст етказилган тақдирда, ҳимоя қилинувчи шахс қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

24-модда. Ҳимоя қилишни таъминловчи давлат органларининг ҳуқуқлари

Ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилувчи органлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, юридик ва жисмоний шахслардан ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида ўзига нисбатан қарор қабул қилинадиган шахсларнинг хавфсизлигига таҳдид мавжудлиги ҳақидаги аризалар (хабарлар) юзасидан зарур маълумотларни сўраш ҳамда олиш;

процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд хавфсизлик чораларини таъминловчи органларга зарур топшириқлар бериш;

зарур бўлган тақдирда, хавфсизлик чораларини таъминловчи органлардан ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини таъминловчи органлардан ҳимоя қилишнинг қўшимча чораларини қўллашни талаб қилиш;

хавфсизлик чораларини ва ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини таъминловчи органлар билан келишувга кўра мазкур чораларни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш.

Хавфсизлик чораларини таъминловчи органлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

зарур хавфсизлик чораларини танлаб олиш, уларни қўллаш усуллари-ни аниқлаш, қўлланиладиган хавфсизлик чораларини зарур бўлган ҳолларда ўзгартириш ва уларга қўшимчалар киритиш;

ҳимоя қилинувчи шахслардан уларга нисбатан хавфсизлик чораларини

қўллаш шартларига риоя этилишини, мазкур чораларни қўллаш билан боғлиқ қонуний фармойишларнинг бажарилишини талаб қилиш;

жиноят ишини юритаётган терговга қадар текширувни амалга оширувчи, суриштирув, дастлабки тергов органларига, прокурорга ёки судга процессуал ҳаракатларни амалга ошириш чоғида хавфсизлик чораларини қўллаш ҳақидаги ёхуд уларни бекор қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат этиш;

тезкор-кидирув тадбирларини ўтказиш.

Ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини таъминловчи органлар қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилган органлардан ҳамда ҳимоя қилинувчи шахслардан ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини амалга ошириш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни сўраб олиш;

ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини қўллашни истисно этувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилган органларга мазкур чораларни бекор қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат этиш.

25-модда. Ҳимоя қилишни таъминловчи давлат органларининг мажбуриятлари

Ҳимоя қилишни таъминловчи давлат органлари:

ўзига маълум бўлиб қолган, хавфсизлик чораларини ёки ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини қўллашни талаб этадиган ҳар бир ҳолатга нисбатан дарҳол муносабат билдириши;

барча зарур хавфсизлик чораларини ва ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини таъминлаши;

ҳимоя қилинувчи шахсларни уларга нисбатан хавфсизлик чоралари ва ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари қўлланилиши, бу чораларнинг ўзгартирилиши, уларга қўшимчалар киритилиши ёки уларнинг қўлланилиши бекор қилиниши тўғрисида, шунингдек ҳимоя қилишни таъминлаш билан боғлиқ қарорлар қабул қилиниши ҳақида ўз вақтида хабардор этиши;

ҳимоя қилинувчи шахсга нисбатан унинг ҳимоя қилинишини таъминлаш тўғрисидаги қарорни (ажримни) эълон қилиш чоғида унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириши;

ҳимоя қилинувчи шахснинг психологик кузатувини ташкил этиш ва амалга ошириш чораларини кўриши шарт.

26-модда. Ҳимоя қилинувчи шахсларни ҳимоя қилиш чораларини молиялаштириш ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш

Ҳимоя қилинувчи шахсларни ҳимоя қилиш чораларини молиялаштириш ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш бюджет маблағлари ҳамда ҳимоя қилишни таъминловчи давлат органларига шу мақсадлар учун ажратиладиган, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Ҳимоя қилинувчи шахсларни ҳимоя қилишни таъминлаш билан боғлиқ харажатлар ушбу шахсларнинг зиммасига юклатилиши мумкин эмас.

5-боб. Якунловчи қоидалар

27-модда. Ҳимоя қилинувчи шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ҳимоя қилинувчи шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

28-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

29-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

30-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 январь,
ЎРҚ-515-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

37 Иқтисодий жиноятларга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 30 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «**Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида**»ги 625–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 12 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–375-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 9, 246-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда) **16-моддасининг бешинчи қисмидаги** «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Аудиторлик фаолияти тўғрисида**»ги 734–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган 78–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 149-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 9, 417-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда) **7-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши»;

олтинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишинча **еттинчи — ўн иккинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 16 январда эълон қилинган.

қилинган «**Прокуратура тўғрисида**»ги 746–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда, № 12, 636-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 4, 218-модда, № 7, 431-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **10-модданинг иккинчи қисмидаги** «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **18-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти (бундан буён матнда Департамент деб юритилади) тузилади. Департаментга мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, тиббий ва транспорт хизматлари кўрсатилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарига тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган Департамент бошлиғи раҳбарлик қилади.

Департамент бошлиғининг ўринбосарлари Департамент бошлиғининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Департаментнинг марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва ҳудудий бошқармалари бошлиқлари Департамент бошлиғининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Департаментни ва унинг жойлардаги бўлинмаларини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолияти тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «**Валютани тартибга солиш тўғрисида**»ги 841–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган 556–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 9, 330-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда) **12-моддасининг биринчи қисмидаги** «ҳамда терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин

қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **177-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фуқароларнинг қонунга ҳилоф равишда валюта қимматликларини олиши ёки ўтказиши шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар анча миқдорда содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) кўп миқдорда;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Тайёргарлик кўрилатган ёки содир этилатган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни очишга фаол ёрдам берган шахс жавобгарликка тортилмайди»;

2) **184-модданинг бешинчи қismi** «давлат солиқ хизмати органининг қарорини» деган сўзлардан кейин «ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг содир этилган жиноят ҳақидаги хабарини» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **38-модданинг 2-бандидаги** «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **39¹-модда:**

биринчи қисмининг 9-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари — бюджет, солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликка доир ишлар бўйича»;

иккинчи қисмидаги «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **187³-модданинг биринчи қисмидаги** «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **381²-модда биринчи қисмининг 3-бандидаги** «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 673, 679-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **170-модданинг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«валюта бойликларини мусодара қилиб, ўн беш суткага маъмурий қамокқа олишга ёки ушбу Кодексга мувофиқ ўзига нисбатан маъмурий қамок қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **179³-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«179³-модда. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Ички назоратни, мижозларни лозим даражада текшириш натижаларини ҳужжатлаштириш ва сақлашни, таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш ва ҳужжатлар билан қайд этишни ташкил қилиш ва амалга оширишга доир талабларни бузиш, операцияни амалга оширишни рад этиш, худди шунингдек махсус ваколатли давлат органига шубҳали операциялар ҳақидаги ахборот такдим этмаслик, ўз вақтида такдим этмаслик ёки нотўғри ахборот такдим этганлик, қонун ҳужжатлари талабларининг пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйишга ёки операцияларни тўхтатиб туришга оид қисмини ижро этмаслик, —

энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ички назорат қоидаларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга оширишнинг белгиланган тартибини тегишли назорат қилувчи, лицензияловчи ва рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан бузиш, худди шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш муносабати билан тижорат, банк сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни гайриқонуний равишда талаб қилиш, олиш ёхуд ошкор этиш, —

энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) **264-модданинг:**

номидаги «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар **«Иқтисодий жиноятларга»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи ва **иккинчи қисмларидаги «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга»** деган сўзлар **«Иқтисодий жиноятларга»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **287-модданинг 8-бандидаги** «Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **289-модданинг учинчи қисмидаги** «Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **291-модда биринчи қисмининг «д» бандидаги** «Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида**»ги 154–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 247-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 496-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда, № 9, 330, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **50-модданинг биринчи қисмидаги** «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **53-модданинг тўртинчи қисмидаги** «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Банклар ва банк фаолияти тўғрисида**»ги 216–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 54-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 491-модда, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда, № 9, 337-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 10, 670-модда) қуйидаги ўзгаришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **14-модданинг тўққизинчи хатбошисидаги** «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **38-модда:**

бешинчи қисмидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини ўрганиш учун банк ҳисобварақлари бўйича давлат пул маблағларининг ҳаракатланиши билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги зарур маълумотларни ва ахборотни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг сўровига биноан тақдим этади».

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Нотариат тўғрисида**»ги 343–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2006 йил, № 9, 498-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда, № 10, 673-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **6-модда тўртинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **18-модданинг тўққизинчи хатбошисидаги** «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «**Адвокатура тўғрисида**»ги 349–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 48-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2008 йил, № 12, 641-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2018 йил, № 10, 673-модда) **7-моддасининг еттинчи қисмидаги** «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «**Давлат солиқ хизмати тўғрисида**»ги 474–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил,

№ 9, 232-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 312-модда, № 12, 415-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 474-модда; 2010 йил, № 9, 336-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар) **5-моддаси биринчи қисмининг 8-бандидаги** «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган «**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида**»ги 717-І-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 8-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 9, 336-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 9, 248-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар) **9-моддасига** қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

учинчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишлар белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан, мазкур органлар текширишлар давомида бюджет, солиқ ва валютага оид қонун ҳужжатлари бузилиши билан боғлиқ жиноятлар аломатларини аниқлаганда эса, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан амалга оширилади»;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тезкор-қидирув фаолияти натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари маблағларини, донор мамлакатлар, халқаро, чет эл ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари билан тузилган давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномалар доирасида тақдим этиладиган чет эл грантларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб этиладиган чет эл кредитларини сарфлаш масалалари юзасидан, мулк шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятининг текширувларини ўтказиш ташаббуси билан чиқиши мумкин».

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**»ги 69–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда қабул қилинган ЎРҚ–328-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 5, 133-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 384, 385-моддалар) **39-моддасининг тўққизинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишлар белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан, мазкур органлар текширишлар давомида бюджет, солиқ ва валютага оид қонун ҳужжатлари бузилиши билан боғлиқ жиноятлар аломатларини аниқлаганда эса, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан амалга оширилади».

15-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «**Терроризмга қарши кураш тўғрисида**»ги 167–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 15-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модда биринчи қисмининг еттинчи хатбошисидаги** «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **14¹-модданинг:**

номидаги «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «**Иқтисодий жиноятларга**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи хатбошисидаги «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «**Суғурта фаолияти тўғрисида**»ги 358–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 68-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 9, 415-модда; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 635-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 12, 467-модда; 2012 йил, № 4, 107-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2017 йил, № 4, 125-модда, № 10, 605-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **10-модда иккинчи қисмининг ўн биринчи хатбошисидаги** «ва

терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **26-модданинг саккизинчи қисмидаги** «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августда қабул қилинган «**Банк сири тўғрисида**»ги 530–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 144-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **8-моддасига** қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

иккинчи қисмидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти банк сирини ташкил этувчи маълумотларни, агар бу маълумотлар уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириши учун зарур бўлса, олишга ҳақлидир».

18-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган «**Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида**»ги 660–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 160-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 167-модда; 2009 йил, № 4, 139-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда) қуйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **номидаги «ва терроризмни молиялаштиришга»** деган сўзлар «**терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **1-модда матнидаги** «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) қуйидаги мазмундаги **1¹-модда** билан тўлдирилсин:

«1¹-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни

амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, юридик шахсларга, уларнинг филиаллари ҳамда ваколатхоналарига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ўтказилиши устидан назоратни амалга оширувчи давлат органларига нисбатан татбиқ этилади»;

4) 2-модданинг:

номидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар **«терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи ва иккинчи қисмларидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 3-модда:

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш — пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уларни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан уларнинг келиб чиқишига қонуний тус беришдан, худди шунингдек бундай пул маблағларининг ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки уларнинг кимга қарашлилигини яширишдан ёхуд сир сақлашдан иборат бўлган, жиноий жазоланадиган ижтимоий хавфли қилмиш»;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш — ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролини, бундай қуролни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материалларни ҳамда ускуналарни яратиш, ишлаб чиқариш, олиш, тўплаш, сақлаш, ўтказиш, фойдаланиш мақсадида ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни бериш ёки йиғиш, бошқа хизматлар кўрсатиш»;

6) II бобнинг номидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар **«терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 4-модда:

номидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар **«терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи хатбошисидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«таваккалчиликларни аниқлашга, баҳолашга ва камайтиришга доир чоралар»;

8) қуйидаги мазмундаги **7¹-модда** билан тўлдирилсин:

«7¹-модда. Таваккалчиликларни аниқлашга, баҳолашга ва камайтиришга доир чоралар

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг, шунингдек ички назорат қоидаларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга оширувчи органлар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш юзасидан эҳтимол тутилган таваккалчиликларни ўрганишни, таҳлил қилишни ва аниқлашни ўз фаолиятида тизимли равишда, йилига камида бир марта амалга ошириши, ўрганиш натижаларини ҳужжатлар билан қайд этиши ҳамда аниқланган таваккалчиликларни камайтиришга доир тегишли чоралар кўриши шарт.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш ҳолларининг олдини олиш ёки сонини камайтириш учун қўлланиладиган чоралар аниқланган таваккалчиликларга мувофиқ бўлиши ҳамда назорат қилишнинг кенгайтирилган ёки соддалаштирилган чораларини қўллаш ҳамда ресурсларни самарали тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш имконини бериши керак.

Таваккалчиликларни баҳолаш натижалари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи барча органларга ҳамда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларга етказилиши керак.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш юзасидан таваккалчиликларни баҳолаш бўйича чораларни мувофиқлаштиришни махсус ваколатли давлат органи амалга оширади»;

9) **8-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиладиган махсус ваколатли давлат органи пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ўтказилиши устидан ушбу Қонунда белгиланган тартибда назоратни амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органи ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилишда холи ва мустақилдир, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

10) **9-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Махсус ваколатли давлат органи:

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи органларнинг ишини мувофиқлаштиради;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши устидан назорат қилинишини таъминлайди;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни, шу жумладан автоматлаштирилган ахборот, маълумотнома тизимларидан ҳамда маълумотлар базаларидан ахборотни сўрайди ва бепул олади;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар бўйича ушбу Қонунга мувофиқ олинган ахборотнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш белгиларини аниқлаш мақсадида таҳлил қилинишини амалга оширади;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлардан келиб тушадиган шубҳали операциялар ҳақидаги хабарларни олади, маълумотлар базаларини шакллантиради ва уларга ишлов беради;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ маълумотлар ва ахборотни алмашиш ҳамда юбориш бўйича ҳамкорлик тартибини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат органлари билан биргаликда белгилайди;

етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда ёки сўровга биноан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга алоқадор пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳақидаги материалларни жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи тегишли органларга юборади;

террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларнинг рўйхатини терроризмга, оммавий қирғин қуролини тарқатишга қарши курашишни амалга оширувчи давлат органлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар, шунингдек чет давлатларнинг ваколатли органларидан ҳамда халқаро таш-

килотлардан расмий каналлар орқали олинган маълумотлар асосида шакллантиради ва юритади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш бўйича таваккалчиликларни баҳолашни ташкил этиш юзасидан жалб этилган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда чоралар кўради;

етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чораларни амалга ошириш учун пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни ўттиз иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ҳақида кўрсатмалар юборади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланилиш амалиётини давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан олинган ахборот асосида таҳлил қилади ҳамда умумлаштиради, шунингдек қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқади ҳамда киритади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида чет давлатларнинг ваколатли органлари, халқаро ихтисослашган ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда халқаро ва минтақавий ташкилотлар, чет давлатларнинг тегишли ваколатли органлари билан келишувлар тузади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки чет давлатларнинг ваколатли органлари, халқаро ташкилотлар билан ўзаролик принципи асосида ҳамкорлик қилади ва ахборот алмашишни амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади;

11) **10-модданинг матнидаги** «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **13-модда:**

Иккинчи қисми «ёки терроризмни молиялаштириш» деган сўзлардан

кейин «ёхуд оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи қисмидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **14-модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилари** «террорчилик фаолиятида», «террорчилик фаолиятини» деган сўзлардан кейин тегишинча «ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда», «ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

14) **15-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **IV бобнинг номидаги «ва терроризмни молиялаштиришга»** деган сўзлар «**терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **18-модданинг:**

номидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «**терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни махсус ваколатли давлат органига тақдим этиш, шунингдек пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларни террорчилик фаолиятида ёхуд бошқа жиноий фаолиятда иштирок этаётган ёки ушбу фаолиятда иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёхуд жисмоний шахслар ҳақида хабардор қилиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади»;

17) **19-модда:**

биринчи қисмининг русча матнидаги «работники» деган сўз «сотрудники» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **20-модданинг:**

номидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «**терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

матнидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) **22-модданинг:**

номидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар **«терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) **23-модданинг матнидаги «ва терроризмни молиялаштиришга»** деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) **24-модданинг:**

номидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар **«терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

матнидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772, 773-моддалар; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 10, 676-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **84-модданинг учинчи қисмидаги «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга»** деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **96-модданинг биринчи қисмидаги «ва терроризмни молиялаштириш»** деган сўзлар «терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

20-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган **«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»**ги ЎРҚ-163-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июнда қабул қилинган ЎРҚ-387-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 6, 227-модда; 2018 йил,

№ 1, 1-модда) **50-моддасининг олтинчи қисмидаги** «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

21-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрда қабул қилинган «**Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ–344-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 335-модда, 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 9, 506-модда, № 10, 605-модда) **10-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

22-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган «**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида**»ги ЎРҚ–371-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 129-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) **11-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

23-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январда қабул қилинган ЎРҚ–400-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, 1-сонга илова; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 670-модда) **242-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

24-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган «**Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–419-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **7-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги** «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **13-модда:**

номидаги «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар, иқтисодий ва коррупция билан боғлиқ бошқа жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни ва суриштирувни амалга оширади»;

иккинчи қисмидаги «Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

25-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

26-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 15 январь,
ЎРҚ-516-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

38**Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 8 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави тасдиқлансин (илова қилинади).

2-модда. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида»**ги 261–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 124-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини амалга киритиш ҳақида»**ги 262–I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 125-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 729–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 20-модда) **XIV бўлими**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрда қабул қилинган **«Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–255-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 335-модда) **5-моддаси**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 23 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–411-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси 2016 йил, № 9, 276-модда) **8-моддаси**.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга еткази-

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 18 январда эълон қилинган.

лишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 17 январь,
ЎРҚ-517-сон

Ўзбекистон Республикасининг КОНСУЛЛИК УСТАВИ

Ушбу Консуллик устави консуллик фаолиятини амалга оширишнинг асосий вазифалари ва ҳуқуқий асосларини, консуллик мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқлари ва манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда юридик шахсларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳимоя қилишга доир вазифаларини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Консуллик фаолиятининг асосий вазифалари

Консуллик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва юридик шахслари консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатларида, Ўзбекистон Республикаси ва консуллик муассасаси жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномаларда берилган барча ҳуқуқлардан тўлиқ ҳажмда фойдаланиш имкониятига эга бўлиши учун Ўзбекистон Республикаси томонидан чоралар кўриш мақсадида амалга оширилади.

Консуллик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан яхши қўшничилик ҳамда дўстона муносабатларини ривожлантиришга, иқтисодий, савдо, илмий-техникавий, маданий алоқаларни ва бошқа алоқаларни кенгайтиришга кўмаклашиш учун йўналтирилгандир.

2-модда. Консуллик фаолиятини амалга оширишнинг ҳукукий асоси

Консуллик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, ушбу Консуллик уставига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ, консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатлари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

3-модда. Консуллик муносабатларини ўрнатиш

Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан консуллик муносабатларини ўрнатиш ўзаро келишувга кўра амалга оширилади.

Икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатларни ўрнатишга доир келишув, агар бошқача қоида шартлашилмаган бўлса, консуллик муносабатларини ўрнатишга бўлган розиликни билдиради.

Дипломатик муносабатларнинг узилиши консуллик муносабатларининг автоматик узилишини ва Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаси фаолиятининг тугатилишини англатмайди.

4-модда. Консуллик фаолиятини амалга ошириш

Консуллик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари (бундан буён матнда консуллик муассасалари деб юритилади), шунингдек Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг консуллик бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўз ваколатлари доирасида консуллик фаолиятини амалга ошириши мумкин.

2-боб. Консуллик муассасаси**5-модда. Консуллик муассасасининг мақоми**

Консуллик муассасаси Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси жойлашган давлат ҳудудида консуллик округи доирасида Ўзбекистон Республикаси номидан консуллик функцияларини бажарувчи ташқи алоқалар бўйича давлат органидир. Консуллик муассасаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимига киради.

Консуллик муассасаси консуллик муассасаси жойлашган давлатдаги Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхонаси бошлиғига бўйсунади ва унинг умумий раҳбарлигида фаолият кўрсатади. Консуллик муассасаси жойлашган давлатда Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхонаси мавжуд бўлмаган тақдирда, консуллик муассасаси бевосита Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига бўйсунади.

Консуллик муассасаси юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, ўзига бириктирилган мол-мулкка, реквизиитларга, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга (муҳрларга),

тегишли штамплар ва бланкаларга, шунингдек банкларда ҳисобварақларга эга бўлади.

Консуллик хоналаридан, шу жумладан бинолардан ёки биноларнинг қисмларидан ҳамда бундай биноларга ёки уларнинг қисмларига хизмат қилувчи ер участкасидан, уларга бўлган мулк ҳуқуқидан қатъи назар, консуллик вазифаларининг бажарилишига мувофиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланилмаслиги керак.

6-модда. Консуллик муассасаларининг даражалари

Консуллик муассасалари қуйидаги даражаларга бўлинади:

бош консуллик муассасалари;

консуллик муассасалари;

вице-консуллик муассасалари;

консуллик агентликлари.

7-модда. Консуллик муассасасини очиш

Консуллик муассасаси консуллик муассасаси жойлашадиган давлат ҳудудида шу давлатнинг розилиги билан очилади.

Консуллик муассасаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан очилади.

Консуллик муассасасининг жойлашиш ери, ушбу муассасанинг даражаси ва консуллик функцияларини бажариш учун консуллик муассасасига ажратиладиган консуллик округи консуллик муассасаси жойлашадиган давлат билан келишувга кўра белгиланади.

Консуллик муассасасининг жойлашган ерини, ушбу муассасанинг даражасини ва консуллик округини кейинчалик ўзгартириш фақат консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

8-модда. Консуллик муассасаларининг имтиёзлари ва иммунитетлари

Консуллик муассасалари консуллик муассасаси жойлашган давлатда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ҳамда нормаларига, Ўзбекистон Республикаси ва консуллик муассасаси жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномаларга ҳамда консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар ва иммунитетлардан фойдаланади.

9-модда. Консуллик муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларидан фойдаланиш

Консуллик муассасаси ўзи эгаллаб турган бинога Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ҳамда қоида тариқасида, Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида ва консуллик муассасаси жойлашган давлат тилида консуллик муассасасининг номи ёзилган пешлавҳа ўрнатиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи доимий равишда консуллик муассасаларининг биноларида ёки ҳудудларида ва транспорт воситаларида, шунингдек консуллик муассасалари бошлиқларининг хизмат хоналарида кўтарилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири доимий равишда консуллик муассасаси биносининг олд томонига, шунингдек консуллик муассасалари бошлиқларининг хизмат хоналарига жойлаштирилади.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари, дипломатик протокол қоидалари, шунингдек консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатлари ҳамда урф-одатлари инобатга олиниши керак.

10-модда. Консуллик архиви

Консуллик муассасасининг барча ҳужжатлари, хат-хабарлари, китоблари, аудио- ва видеоматериаллари, электрон ахборот ташувчилари, реестрлари шифрлар ва кодлар, муҳрлар ва штамплар, картотекалар ҳамда уларнинг бут сақланиши ёки асралишини таъминлаш учун мўлжалланган ҳар қандай жиҳозлаш ашёлари билан биргаликда консуллик архиви ҳисобланади.

Консулликнинг мансабдор шахслари консуллик архивининг дахлсизлигини таъминлаш бўйича чоралар кўриши шарт.

3-боб. Консулликнинг мансабдор шахслари

11-модда. Консулликнинг мансабдор шахси

Консулликнинг функцияларини бажаришга ваколатли бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси консулликнинг мансабдор шахси бўлиши мумкин.

Консулликнинг мансабдор шахси лавозимига номзодларга доир талаблар қонун ҳужжатларида белгиланади.

Консулликнинг мансабдор шахсини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

12-модда. Консуллик муассасасининг бошлиғи

Консуллик муассасаларининг бошлиқлари қуйидаги даражаларга бўлинади: бош консуллар, консуллар, вице-консуллар, консуллик агентлари.

Консуллик муассасасининг бошлиғи консуллик муассасаси ишига бевожута раҳбарлик қилади, консуллик муассасасининг зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши учун шахсан жавобгар бўлади, консуллик муассасаси ходимларининг лавозим мажбуриятларини белгилайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Консуллик муассасасининг бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан лавозимга тайинланади ва консуллик муассаса-

си жойлашган давлатнинг розилиги (экзекватураси) олинганидан кейин ўз функцияларини бажаришига йўл қўйилади. Унинг тайинланганлиги тўғрисида консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг ҳокимият органлари ҳабардор қилинади.

Консуллик муассасасининг бошлиғи лавозимга тайинланаётганида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигидан консуллик патентини олади, патентда унинг консуллик округи кўрсатилади.

Консуллик муассасасининг бошлиғи консуллик функцияларини шахсан бажаради ёки уларни бажаришни консулликнинг бошқа мансабдор шахсига топширади. Агар консуллик муассасасининг бошлиғи бирон-бир сабабга кўра ўз вазифаларини бажара олмайдиган бўлса ёки консуллик муассасасининг бошлиғи лавозими вақтинча бўш турган бўлса, консуллик муассасасининг бошлиғи мажбуриятларини бажариш ушбу консуллик муассасасининг ёки Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси жойлашган давлатдаги бошқа консуллик муассасасининг бошқа мансабдор шахси зиммасига ёхуд шу давлатдаги Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхонаси дипломатик ходимларидан бирининг зиммасига юклатилади.

13-модда. Консуллик мансабдор шахсларининг имтиёзлари ва иммунитетлари

Консулликнинг мансабдор шахслари, шунингдек уларнинг аккредитация қилинган оила аъзолари консуллик муассасаси жойлашган давлатда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ҳамда нормаларига, Ўзбекистон Республикаси ва консуллик муассасаси жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномаларга ҳамда консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар ва иммунитетлардан фойдаланади.

Консулликнинг мансабдор шахслари ва уларнинг оила аъзолари консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонунлари ва қоидаларига риоя этиши, маҳаллий урф-одатларни ҳурмат қилиши ҳамда консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг ички ишларига аралашиш деб қаралиши мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатлардан тийилиши шарт.

4-боб. Консулликнинг функциялари

14-модда. Консулликнинг мансабдор шахслари томонидан консуллик функцияларини бажариш

Консулликнинг мансабдор шахси ушбу Консуллик уставида, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва консуллик муассасаси жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномаларда назарда тутилган функцияларни бажаради.

Консулликнинг мансабдор шахси, агар Ўзбекистон Республикасининг ҳамда консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ва консуллик муассасаси жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномаларга зид бўлмаса, ушбу Кон-

суллик уставида назарда тутилмаган бошқа функцияларни бажариши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхонаси мавжуд бўлмаган давлатларда консулликнинг мансабдор шахси зиммасига консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг розилиги билан дипломатик функциялар ҳам юклатилиши мумкин.

Консулликнинг мансабдор шахси томонидан бошқа давлатнинг консуллик функцияларини бажариш фақат Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг кўрсатмасига биноан ва консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

Консулликнинг мансабдор шахси консуллик функцияларини учинчи давлатда фақат Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг топшириғига биноан, консуллик муассасаси жойлашган давлат ва учинчи давлат хабардор қилинганидан кейин, агар мазкур давлатлар бунга қарши эътироз билдирмаса, бажаради.

Консулликнинг мансабдор шахси консуллик функцияларини бажариш чоғида ўз консуллик округи доирасида консуллик муассасасининг фаолияти билан боғлиқ барча масалалар юзасидан консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг ҳокимият органларига мурожаат этиши мумкин.

Зарур ҳолларда, консулликнинг мансабдор шахси консуллик округини айланиб чиқади.

Консуллик мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ёки қарорлари устидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ консуллик муассасасининг бошлиғига, Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси жойлашган давлатдаги дипломатик ваколатхонаси бошлиғига ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига ёхуд суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

15-модда. Консулликнинг фуқароларга ва юридик шахсларга тааллуқли функциялари

Консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларига Ўзбекистон Республикаси ҳамда консуллик муассасаси жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномаларда, халқаро урф-одатларда, шунингдек консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатларида берилган барча ҳуқуқлардан фойдаланиши учун, агар бундай ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлмаса, чоралар кўриши шарт.

Консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклдаги мурожаатларини қабул қилади ҳамда кўриб чиқади.

Консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун чоралар кўриши шарт.

Консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси вазирлик-

лари, давлат қўмиталари, идоралари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг консуллик округи доирасида турган вакилларига хизмат мажбуриятларини бажаришида қўмаклашади.

Консулликнинг мансабдор шахси консуллик округида вақтинча турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатлари тўғрисида, шунингдек маҳаллий урф-одатлар тўғрисида хабардор қилади.

Консулликнинг мансабдор шахси консуллик округида турган Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига маданий-маърифий тадбирлар ўтказишда қўмаклашади.

Консулликнинг мансабдор шахси консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг муассасаларида, агар ушбу давлатда фуқаро ёки юридик шахснинг вакили мавжуд бўлмаса ва у иш юритишни ўзга шахсга топширмаган бўлса ёхуд бошқа сабабларга кўра ўзининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлмаса, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва юридик шахслари номидан ишончномасиз вакиллик қилиш ҳуқуқига эгадир. Ушбу вакиллик Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ёки юридик шахслари ўз вакилларини тайинлагунига қадар ёхуд ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олгунига қадар давом этади.

16-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини консуллик ҳисобига олиш

Консуллик муассасаси консуллик округи ҳудудида вақтинча турган ёки доимий яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларнинг ҳисобини юритади.

17-модда. Консулликнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги билан боғлиқ функциялари

Консулликнинг мансабдор шахслари ўз ваколатлари доирасида:

1) хорижда доимий яшаётган шахслардан Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига доир аризаларни қабул қилади;

2) Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига доир аризаларни асослаш учун тақдим этилган фактлар ва ҳужжатларни текширади;

3) фуқаролик масалаларига доир аризаларни зарур ҳужжатлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига юборади;

4) хорижда доимий яшаётган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини аниқлайди;

5) хорижда доимий яшаётган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганлигини рўйхатдан ўтказди;

6) хорижда доимий яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳисобини юритади.

Консулликнинг мансабдор шахслари зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги билан боғлиқ масалалар юзасидан қўшимча маълумотларни сўраб олиши мумкин.

18-модда. Консулликнинг Ўзбекистон Республикасининг фуқароси паспортини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсининг ҳаракатланиш ҳужжатини расмийлаштириш, бериш ва алмаштириш юзасидан функциялари

Консулликнинг мансабдор шахси консуллик округи ҳудудида доимий яшаётган ёки хизмат сафари, контракт бўйича иш, ўқиш ёхуд даволаниш мақсадида вақтинчалик турган шахсга, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олган шахсларга чет элга чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортини ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги бўлмаган шахсининг ҳаракатланиш ҳужжатини расмийлаштириш, бериш ва алмаштириш учун ҳужжатларни қабул қилади.

Консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси ваколатли органларининг чет элда доимий яшашга доир рухсатномасини расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳужжатларини қабул қилади.

19-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат Ўзбекистон Республикаси фуқароси томонидан йўқотилган тақдирда консулликнинг функциялари

Агар Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни йўқотса ва бу ҳақда консуллик муассасасига мурожаат қилса, консулликнинг мансабдор шахси аризачи тўғрисидаги маълумотлар текширилганидан ҳамда унинг Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансублиги тасдиқланганидан кейин мазкур фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ва унга Ўзбекистон Республикасига кириш (қайтиб келиш) ҳуқуқини берувчи вақтинчалик ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштиради ҳамда беради.

20-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароси консуллик округи ҳудудида яшаш учун маблағларсиз турган тақдирда консулликнинг функциялари

Агар консуллик округи ҳудудига вақтинча кирган Ўзбекистон Республикаси фуқароси яшаш учун маблағларсиз қолган ва бу ҳақда консуллик муассасасига мурожаат қилган бўлса, консулликнинг мансабдор шахси:

мазкур фуқарони юборган ёки таклиф этган шахснинг ёхуд ташкилотнинг ушбу фуқаронинг консуллик округи ҳудудида бўлиши билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплашга доир мажбуриятлари мавжудлигини аниқлайди ва уларнинг бажарилишига кўмаклашади;

мазкур фуқаронинг ўз оила аъзолари, қариндошлари ёки бошқа шахслар билан алоқалар ўрнатишига кўмаклашади.

Агар ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган чора-тадбир-

лар етарли бўлмай қолса, консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишувга кўра мазкур фуқаронинг Ўзбекистон Республикасига қайтиб кетишини таъминлаш мақсадида шундай мақсадлар учун махсус ажратилган маблағлар ҳисобига ва уларнинг доирасида молиявий ёрдам кўрсатишга ҳақли.

Молиявий ёрдам кўрсатилган тақдирда, консуллик муассасаси билан фуқаро ўртасида нотариал тасдиқланган битимга тенглаштириладиган шартнома тузилиб, унда консуллик муассасасидан молиявий ёрдам олган шахс олинган молиявий маблағларнинг ўрнини ўттиз кунлик муддатда қоплаш мажбуриятини олади.

Молиявий ёрдам кўрсатиш тартиби, бунинг учун ажратилган маблағларнинг миқдори, шунингдек уларни қайтариш шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Консуллик муассасаси томонидан кўрсатилган молиявий ёрдам суммаси белгиланган муддат ичида қайтарилмаган тақдирда, консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига ижро хати юборади, ижро хати бўйича қарздорликни ундириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сўзсиз амалга оширилади.

Молиявий ёрдам кўрсатиш қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси фуқароси консуллик округи ҳудудига қонунга ҳилоф равишда кирган бўлса;

консуллик муассасаси жойлашган давлат судининг (ваколатли органининг) бажарилмаган шартнома мажбуриятлари мавжудлиги ёки бошқа асослар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чиқиб кетишини тақиқлаш тўғрисидаги қарори мавжуд бўлса;

молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатлар яширилган ёки била туриб ёлгон маълумотлар тақдим этилган бўлса;

илгари олинган маблағларнинг ўрнини қоплаш бўйича бажарилмаган мажбуриятлар мавжуд бўлган тақдирда.

Молиявий ёрдам кўрсатиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра ҳам рад этилиши мумкин.

Консулликнинг мансабдор шахси ўз ваколатлари доирасида бошқа зарур ёрдам кўрсатиши мумкин.

21-модда. Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва қўмаклашиш юзасидан консулликнинг функциялари

Консулликнинг мансабдор шахси ўз ваколатлари доирасида:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида турган, одам савдосидан жабрланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича фаолиятни амалга оширади;

одам савдосидан жабрланганларнинг Ўзбекистон Республикасига қайтишига қўмаклашади, уларда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлма-

ган тақдирда эса, уларнинг шахсини ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини аниқлаш бўйича ўз вақтида чоралар кўради ҳамда консуллик йиғимларини ва бошқа йиғимларни ундирмасдан уларга Ўзбекистон Республикасига қайтиши учун ҳужжатларни расмийлаштиради;

зарур ҳолларда, консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг тегишли ваколатли органларига Ўзбекистон Республикасининг одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳақида маълумотлар тақдим этади;

одам савдосидан жабрланганларга уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳақида ахборот тақдим этади.

22-модда. Визаларни расмийлаштириш ва бериш юзасидан консулликнинг функциялари

Консулликнинг мансабдор шахси чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш ёки унинг ҳудуди орқали транзит тарзида ўтиш учун визаларни Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган тартибда расмийлаштиради ва беради, бундан электрон визалар мустасно.

23-модда. Консулликнинг Ўзбекистон Республикасининг ушлаб турилган, қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ёхуд бедарак йўқолган фуқароларига тааллуқли функциялари

Консуллик муассасаси жойлашган давлат ҳудудига турган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ушлаб турилганлиги, қамоққа олинганлиги, маъмурий қамоққа олинганлиги ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганлиги тўғрисида маълумотлар олинган тақдирда, консулликнинг мансабдор шахси:

1) консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг ваколатли органлари орқали фуқаро (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва жойи, яшаш жойи, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансублиги) тўғрисида, шунингдек иш ҳолатлари ҳақида ахборот олади;

2) мазкур факт тўғрисида консуллик муассасасининг бошлиғини, зарур ҳолларда эса Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси жойлашган давлатдаги дипломатик ваколатхонасини хабардор қилади;

3) Ўзбекистон Республикаси фуқаросини тегишли юридик ёрдам билан таъминлаш бўйича чоралар кўради;

4) Ўзбекистон Республикаси фуқароси билан учрашиш учун чоралар кўради;

5) Ўзбекистон Республикаси фуқаросига йўлланган хат-хабарлар ва посилкаларнинг топширилишига халқаро ҳуқуқ ва консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатлари йўл қўядиган доираларда қўмаклашади.

Консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси фуқароси

билан шахсан учрашув чоғида бундай фуқарога нисбатан халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига, Ўзбекистон Республикаси ва консуллик муассасаси жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномалар қоидаларига ҳамда консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатларига риоя этилаётганлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Агар ушлаб турилган, қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ҳуқуқлари бузилаётган бўлса, консулликнинг мансабдор шахси халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ҳамда нормаларига, Ўзбекистон Республикаси ва консуллик муассасаси жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномаларга мувофиқ, ўз ваколатлари доирасида ҳуқуқларни тиклаш юзасидан консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатларида йўл қўйиладиган чораларни кўради.

Консулликнинг мансабдор шахси, зарур ҳолларда ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқароси қайси давлатда жазони ўтаётган ёки суд қарорининг ижро этилишини кутаётган бўлса, ўша давлатнинг ҳокимият органларига афв этиш, муддатидан илгари озод қилиш ёхуд суд қарорини ижро этишни тўхтатиб туриш ҳақидаги илтимоснома билан, агар Ўзбекистон Республикасининг мазкур давлат билан халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, мурожаат этиши мумкин.

Консулликнинг мансабдор шахси ушлаб турилган, қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси номидан ҳар қандай чоралар кўришдан, агар мазкур фуқаро бундай чоралар кўрилишига қарши эътироз билдирса, тийилиб туради.

Консуллик муассасасининг бошлиғи ёки Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси жойлашган давлатдаги дипломатик ваколатхонаси бошлиғи ушлаб турилган, қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаросига нисбатан кўрилган чоралар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигини хабардор қилади.

Консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикасининг бедарак йўқолган, тегишли консуллик округи ҳудудида турган бўлиши мумкинлиги ҳақида маълумотлар мавжуд бўлган фуқароларини қидиришда ёрдам кўрсатилишини сўраб консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг ваколатли органларига дарҳол мурожаат этади.

24-модда. Консулликнинг Ўзбекистон Республикаси тергов органларининг ҳамда судларининг топшириқларини бажаришга тааллуқли функциялари

Консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси тергов органларининг ҳамда судларининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хусусидаги топшириқларини Ўзбекистон Республикаси ва консуллик муассасаси жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномаларга мувофиқ ёки,

агар бундай шартномалар мавжуд бўлмаса, консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳар қандай бошқача тартибда бажаради.

25-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқларини ва Ўзбекистон Республикасининг референдумида иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишда уларга кўмаклашиш юзасидан консулликнинг функциялари

Консуллик муассасаси жойлашган давлатда Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхонаси мавжуд бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига сайлов ҳуқуқларини ва Ўзбекистон Республикасининг референдумида иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишда уларга кўмаклашиш бўйича функциялар консуллик муассасаси томонидан бажарилади.

Консуллик муассасасидаги сайлов участкаси (референдум участкаси) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида тузиладиган сайлов участкасини (референдум участкасини) сайлов округига (округга) қайд этиш тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳал этилади.

Консуллик муассасасининг бошлиғи:

участка сайлов комиссияси (участка комиссияси) раисининг вазифаларини амалга оширади;

сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатини (референдум участкаси бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг рўйхатини) тузиш учун маълумотларни тақдим этади;

сайловчиларнинг рўйхати (овоз берувчи фуқаролар рўйхати) билан танишиш жойи ва вақти ҳақида сайловчиларни (фуқароларни) хабардор қилади;

сайлов участкаси (референдум участкаси) тузилганлиги тўғрисида консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг ҳокимият органларини расман хабардор қилади.

26-модда. Консулликнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш юзасидан функциялари

Консуллик муассасалари қуйидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этади:

туғилиш;

никоҳ тузиш;

никоҳни бекор қилиш;

ўлим.

Консулликнинг мансабдор шахси чет элда доимий ёки вақтинча яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, фуқаролик ҳолатини Ўзбекистон Республикасида қайд этган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган

шахслардан далолатномалар ёзувларига ўзгартишлар, тузатишлар ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, далолатномалар ёзувларини қайта тиклаш ҳақидаги, шунингдек фамилияси, исми ва отасининг исмини ўзгартириш тўғрисидаги аризаларни тегишли ҳужжатлар билан бирга қабул қилиб олади ҳамда ушбу ҳужжатларни кўриб чиқиш учун ваколатли органларга топширади.

Консулликнинг мансабдор шахсига мурожаат этган шахслардан бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бошқаси эса чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган ҳолларда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш масалалари, башарти фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш консуллик муассасаси фаолият кўрсатаётган давлатнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига зид бўлмаса, ҳал этилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоида назарда тутилган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

27-модда. Консулликнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш юзасидан функциялари

Консулликнинг нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи мансабдор шахси нотариал ҳаракатларни амалга ошириш сирига риоя этиши шарт. Консулликнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш сирининг ошкор этилишида айбдор бўлган мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ жавобгар бўлади.

Консулликнинг мансабдор шахси ўз номига ва ўз номидан, ўзининг хотини (эри) номига ва унинг номидан, хотинининг (эрининг) ва ўзининг яқин қариндошлари номига ва уларнинг номидан нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас.

Консулликнинг мансабдор шахси нотариал ҳаракатларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига амал қилади. Консулликнинг мансабдор шахси қуйидаги ҳолларда нотариал ҳаракатларни амалга оширишни рад этади, агар:

бундай ҳаракатни амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлса;

муомалага лаёқатсиз фуқаро ёки зарур ваколатларга эга бўлмаган вакил нотариал ҳаракатни амалга ошириш тўғрисидаги илтимос билан мурожаат этган бўлса;

юридик шахс номидан амалга ошириладиган битим унинг уставида ёки низомида кўрсатилган мақсадларга зид бўлса;

битим Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига номувофиқ бўлса;

нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига номувофиқ бўлса.

Агар такдим этилган ҳужжатлардан уларнинг қалбакилаштирилганлиги аниқ кўриниб турган бўлса ёки бу ҳақда шубҳаланиш учун етарли асослар мавжуд бўлса, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун такдим этилган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига номувофик деб ҳисобланади.

Нотариал ҳаракатни амалга ошириш рад этилган тақдирда, нотариал ҳаракатни амалга ошириш рад этилганлиги тўғрисида консулликнинг мансабдор шахси мурожаат этилган кундан эътиборан уч кунлик муддатдан кечиктирмай қарор чиқаради ва уни нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат этган шахсга беради.

Консулликнинг мансабдор шахси қуйидаги нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга:

1) битимларни (шартномалар, васиятномалар, ишончномалар ва бошқаларни) тасдиқлаш, бундан Ўзбекистон Республикасида жойлашган кўчмас мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномалар мустасно;

2) фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлаш;

3) фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлаш;

4) фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлаш;

5) ҳужжатлар такдим этилган вақтни тасдиқлаш;

6) мерос қилиб қолдирилган мол-мулкни кўриқлаш чораларини кўриш;

7) меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар бериш;

8) эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар бериш;

9) ҳужжатлар кўчирма нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлаш;

10) ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини шаҳодатлаш;

11) ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлаш;

12) пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиб олиш;

13) сақлаш учун ҳужжатларни қабул қилиб олиш;

14) ижро хатларини ёзиш;

15) денгиз протестларини амалга ошириш.

Консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофик бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Консуллик муассасасида нотариал иш юритиш Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида амалга оширилади. Зарур ҳолларда ҳужжатлар бошқа тилларда ҳам расмийлаштирилиши мумкин.

28-модда. Чет давлат ҳужжатлари ва далолатномаларини консуллик томонидан легаллаштириш юзасидан консулликнинг функциялари

Чет давлат ҳужжатлари ва далолатномаларини консуллик томонидан легаллаштириш ҳужжатлардаги ҳамда далолатномалардаги имзоларнинг

ҳақиқийлигини, ҳужжатни ёки далолатномани имзолаган шахснинг ваколатларини, легаллаштиришга тақдим этилган ҳужжатга ёхуд далолатномага босилган муҳр ёки штампнинг ҳақиқийлигини ҳамда бу ҳужжатлар ва далолатномаларнинг консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини аниқлаш ва шаҳодатлашдан иборатдир. Консуллик томонидан ҳужжатлар ва далолатномаларнинг легаллаштирилиши уларнинг халқаро муносабатлардаги қонунийлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси муассасалари ва ташкилотлари чет давлатнинг муассасалари ҳамда ташкилотларидан жўнатиладиган ҳужжатлар ва далолатномаларни улар консуллик томонидан легаллаштирилган тақдирдагина, агар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ёки Ўзбекистон Республикаси ҳамда муассасалари ва ташкилотларидан мазкур ҳужжатлар ва далолатномалар жўнатиладиган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, кўриб чиқиш учун қабул қилади.

Консулликнинг мансабдор шахси консуллик округидаги ҳокимият органлари вакиллари иштирокида тузилган ёки ушбу ҳокимият органларидан жўнатиладиган ҳужжатлар ва далолатномаларни легаллаштиради.

Консулликнинг мансабдор шахси чет элнинг расмий ҳужжатини легаллаштиришни амалга ошириши учун мазкур ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси давлат тилидаги ёки бошқа тиллардаги нотариал тартибда тасдиқланган таржимасини тақдим этишни талаб қилишга ҳақли.

Қуйидаги ҳужжатлар ва далолатномалар консуллик томонидан легаллаштирилмайди:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлган ҳужжатлар ва далолатномалар;

ўз мазмунига кўра Ўзбекистон Республикаси манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ҳужжатлар ва далолатномалар;

нотўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар ва далолатномалар;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотлар мавжуд бўлган ҳужжатлар ва далолатномалар.

Агар ҳужжатга ёки ушбу ҳужжатга бириктирилган вараққа апостиль қўйилган бўлса, бу ҳужжатни легаллаштириш талаб этилмайди.

Консулликнинг мансабдор шахси апостиль қўйилган ҳужжатларни, агар апостиль Ўзбекистон Республикаси билан муносабатларда чет элнинг расмий ҳужжатларини легаллаштиришга доир талабни рад этадиган Конвенция қўлланиладиган чет давлатнинг ваколатли органи томонидан қўйилган бўлса, қабул қилиши шарт.

29-модда. Ҳужжатларни талаб қилиб олиш юзасидан консулликнинг функциялари

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг аризалари бўйича консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикасининг давлат органларидан, Ўзбекистон

Республикаси ҳудудида жойлашган муассасалар ва ташкилотлардан фуқаролик ҳолати далолатномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги, маълумоти ҳақидаги, меҳнат стажи тўғрисидаги ҳамда аризачиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига тааллуқли бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олади.

Консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг аризалари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган муассасалар ҳамда ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали келиб тушадиган сўровлари бўйича консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг ваколатли органларидан аризачиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли ҳужжатларни талаб қилиб олади.

30-модда. Консулликнинг Ўзбекистон Республикасининг фарзандликка олинган вояга етмаган фуқароларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган фуқароларига тааллуқли функциялари

Консуллик муассасалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшаётган, ота-онаси ҳомийлигидан маҳрум бўлган вояга етмаганлар, Ўзбекистон Республикасининг муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган фуқаролари устидан, шунингдек соғлиғининг ҳолатига кўра ўз ҳуқуқларини мустақил равишда амалга оширишга ҳамда ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаган вояга етган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгилаш чораларини кўради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган вояга етмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаросини фарзандликка олишни хоҳлайдиган, консуллик округи ҳудудида доимий яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, чет эл фуқароларининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг илтимосига кўра консулликнинг мансабдор шахси уларни фарзандликка олишнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган суд тартиби тўғрисида хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикасининг вояга етмаган фуқароси консуллик округи ҳудудида ота-онаси ҳомийлигидан маҳрум бўлиб қолганлиги тўғрисида ўзига маълум бўлиб қолган консулликнинг мансабдор шахси бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигини хабардор қилади, Ўзбекистон Республикасининг бундай фуқароси устидан васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига кўмаклашади ҳамда унинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини кўради.

31-модда. Консулликнинг Ўзбекистон Республикаси ҳаво, денгиз ва дарё кемаларига, шунингдек автомобиль ва темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатдаги таркибига тааллуқли функциялари

Консулликнинг мансабдор шахси консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг аэропортларида Ўзбекистон Республикаси ҳаво кемасининг коман-

дири, экипажи ва йўловчиларига консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва консуллик муассасаси жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномаларга мувофиқ ҳуқуқлар ҳамда иммунитетлар берилишини кузатиб боради.

Консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси ҳаво кемасининг командири, экипажи ва йўловчиларига консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг ҳокимият органлари билан муносабатларда ёрдам кўрсатиши, шунингдек зарур бўлган тақдирда ҳаво кемаси, унинг экипажи ва йўловчиларини Ўзбекистон Республикасига қайтариш ёки парвозни давом эттириш чораларини кўриши керак.

Консулликнинг мансабдор шахси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳаво кемасининг аэропортга учиб келишига, ундан учиб кетишига ва ҳаво кемасининг аэропортда туришига кўмаклашиш;

ҳаво кемасида юз берган ҳодисаларнинг ҳолатларини аниқлаштириш, ҳаво кемасининг командиридан, экипажи аъзоларидан ва йўловчиларидан сўраб-суриштириш;

ҳаво кемаси, ундаги юк ва рейс тўғрисидаги маълумотларни олиш;

зарур бўлган тақдирда ҳаво кемаси экипажи аъзолари ва йўловчиларининг даволанишини ҳамда Ўзбекистон Республикасига жўнатиб юборилишини таъминлаш чораларини кўриш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, почта ва юкларни Ўзбекистон Республикаси аэропортларига борадиган Ўзбекистон Республикаси ҳаво кемаларида жўнатиб юбориш;

ҳаво кемаларига тааллуқли бўлган, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган декларацияни ёхуд бошқа ҳужжатни олиш, тузиш, тасдиқлаш.

Консуллик округи доирасида ҳаво кемаси фалокатга учраган, қўнишга мажбур бўлган ёки бошқа ҳодиса содир бўлган тақдирда консулликнинг мансабдор шахси ҳаво кемасининг командирига, экипажига ва йўловчиларига зарур ёрдам кўрсатади.

Консулликнинг мансабдор шахси фалокатга учраган ёки қўнишга мажбур бўлган ҳаво кемасини, ҳодиса хусусиятидан далолат берувчи юklar ва ашёвий далилларни қўриқлаш чораларини кўради ҳамда учиш вақтида юз берган ҳодисани текширишда Ўзбекистон Республикасининг мутахассисларига ёрдам кўрсатади.

Ҳаво кемасининг бортида жиноят содир этилган тақдирда консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан ва қонун ҳужжатларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришда ҳаво кемасининг командирига кўмаклашади.

Агар консулликнинг мансабдор шахсида мавжуд бўлган маълумотларга кўра Ўзбекистон Республикаси ҳаво кемасининг муайян аэропортга кириши хатарли, номақбул бўлса ёки мумкин бўлмаса, консулликнинг мансабдор шахси ҳаво кемаси командирини бу ҳақда огоҳлантириши шарт.

Консулликнинг мансабдор шахси денгиз ва дарё кемаларига, автомобиль ва темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатдаги таркибига тааллуқли

консуллик функцияларини бажариш чоғида ушбу модданинг биринчи — еттинчи қисмлари қоидаларига амал қилади.

Денгиз ёки дарё кемаси чет элда олинган тақдирда консулликнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи остида сузиб юриш ҳуқуқини берувчи вақтинчалик гувоҳнома беради. Мазкур вақтинчалик гувоҳнома берилган пайтдан эътиборан то денгиз ёки дарё кемаси Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилгунига қадар, лекин берилган пайтдан эътиборан кўпи билан олти ой амал қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи остида сузиб юриш ҳуқуқини берувчи вақтинчалик гувоҳномани расмийлаштириш учун ариза-чи денгиз ёки дарё кемасини олиш асосларига боғлиқ ҳолда ҳужжатларни консулликнинг мансабдор шахсига тақдим этади.

32-модда. Консуллик округи ҳудудида табиий ва техноген хусусиятга эга фавқулодда вазиятлар, қуролли можаролар, оммавий тартибсизликлар вужудга келганда ва террорчилик ҳаракатлари содир этилганда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан консулликнинг функциялари

Консулликнинг мансабдор шахси табиий ва техноген хусусиятга эга фавқулодда вазиятлар, қуролли можаролар, оммавий тартибсизликлар вужудга келган ва террорчилик ҳаракатлари содир этилган зоналарда қолган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек бу зоналардаги вазиятнинг ривожига ҳақида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигини ўз вақтида хабардор қилади.

Консулликнинг мансабдор шахси табиий ва техноген хусусиятга эга фавқулодда вазиятлар, қуролли можаролар, оммавий тартибсизликлар вужудга келганда ёки уларнинг вужудга келиш хавфи бўлганда, шунингдек террорчилик ҳаракатлари содир этилганда ёки уларнинг содир этилиш хавфи бўлганда консуллик округи ҳудудидаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича чоралар кўради.

Консулликнинг мансабдор шахси, зарур бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг яқин хавфсиз зонага эвакуация қилинишини ташкил этиш ёки уларнинг Ўзбекистон Республикасига қайтарилишини таъминлаш, шунингдек ҳалок бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг таналарини Ўзбекистон Республикасига жўнатиш бўйича чоралар кўради.

33-модда. Консулликнинг санитар ҳимоя соҳасига оид функциялари

Консуллик округи доирасида карантинли юқумли касалликлар пайдо бўлган тақдирда консулликнинг мансабдор шахси касаллик тарқалган ҳудуднинг номини, касалликка чалинганлар сонини ва консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг ваколатли органлари томонидан амалга оширилаётган эпидемияга қарши тадбирларни кўрсатган ҳолда бу ҳақда дарҳол Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хабар қилади.

34-модда. Консулликнинг фитосанитар ҳимоя соҳасига оид функциялари

Консуллик округи доирасида ўсимликлар зараркунандалари, ўсимликлар касалликларини қўзғатувчилар, карантин аҳамиятига эга ўсимликлар-бегона ўтлар пайдо бўлган тақдирда консулликнинг мансабдор шахси бу ҳақда дарҳол Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хабар қилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ёки юридик шахслари мурожаат этган тақдирда консулликнинг мансабдор шахси уларни консуллик муассасаси жойлашган давлатга кириш чоғида ўсимликлар, ўсимлик маҳсулотлари ва хом ашёси учун тегишли фитосанитария сертификатларини, пестицидлар ва (ёки) агрохимикатлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларни кўрсатиш зарурлиги тўғрисида огоҳлантиради, шунингдек манфаатдор шахсларни тегишли давлатга уруғликлар, ўсимликлар, кўчатлар, янги мева ва сабзавотларни олиб кириш қоидалари тўғрисида хабардор қилади.

35-модда. Консулликнинг ветеринар ҳимоя соҳасига оид функциялари

Консуллик округи доирасида ҳайвонларнинг умумий касалликлари тарқалиши хавфи бўлган ёки тарқалган, шунингдек инсон ва ҳайвонлар учун умумий бўлган касалликлар тарқалиши хавфи бўлган ёки тарқалган ҳолларда консулликнинг мансабдор шахси бу ҳақда дарҳол Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хабар қилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ёки юридик шахслари мурожаат этган тақдирда консулликнинг мансабдор шахси уларни консуллик муассасаси жойлашган давлатга кириш чоғида ҳайвонлар, чорва маҳсулотлари ва хом ашёси учун тегишли ветеринария сертификатларини кўрсатиш зарурлиги тўғрисида огоҳлантиради, шунингдек манфаатдор шахсларни тегишли давлатга ҳайвонларни олиб кириш қоидалари тўғрисида хабардор қилади.

36-модда. Консулликнинг мансабдор шахси функцияларининг тугатилиши

Консуллик мансабдор шахсининг функциялари қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- у чақириб олинганда;
- экзекватура бекор қилинганда;
- консуллик муассасаси ёпилганда;
- консуллик муносабатлари тугатилганда.

Консуллик мансабдор шахсининг функциялари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳолларда ҳам тугатилиши мумкин.

37-модда. Консулликнинг мансабдор шахси фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари

Консулликнинг мансабдор шахси фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

38-модда. Ушбу Консуллик устави нормаларини бузганлик учун жавобгарлик

Ушбу Консуллик устави нормаларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

39-модда. Консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар

Консуллик ҳаракатларини амалга оширганлик учун консуллик йиғимлари, шунингдек кўрсатилган ҳаракатлар амалга оширилганлиги билан боғлиқ ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилади.

Консуллик ҳаракатларини амалга оширганлик учун консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан ундириладиган йиғимлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланилади.

Консуллик йиғимларининг тарифлари Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан тасдиқланади. Консуллик ҳаракатлари амалга оширилганлиги билан боғлиқ ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимларнинг миқдорлари Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси жойлашган давлатдаги консуллик муассасаси бошлиғи ёки дипломатик ваколатхонаси бошлиғи томонидан кўрсатилган йиғимлар ставкаларини ҳисоблашнинг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланадиган ягона услубиёти асосида тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасасининг бошлиғи ва дипломатик ваколатхонасининг бошлиғи консуллик йиғимларининг ва консуллик ҳаракатлари амалга оширилганлиги билан боғлиқ ҳақиқий харажатлар ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимларнинг ставкаларини пасайтиришга ёки айрим шахсларни бундай йиғимларни тўлашдан уларнинг аризаларига кўра, агар ушбу шахслар томонидан кўрсатилган сабаблар аниқланса ва узрли деб топилса, озод қилишга ҳақли.

Консуллик йиғимлари ва консуллик ҳаракатлари амалга оширилганлиги билан боғлиқ ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ва консуллик муассасаси жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномаларда назарда тутилган ҳолларда ундирилмайди.

5-боб. Ўзбекистон Республикасининг фахрий консули**40-модда. Ўзбекистон Республикаси фахрий консулининг мақоми**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг розилиги билан айрим консуллик функцияларини бажаришни Ўзбекистон Республикасининг фахрий консулига (бундан буён матнда Фахрий консул деб юритилади) топшириши мумкин.

Консуллик муассасаси жойлашган давлатда муносиб ижтимоий мақоми эгаллаган ва зарур шахсий фазилатларга эга, шунингдек зиммасига юклатилган консуллик функцияларини лозим даражада бажариш имкониятига

эга шахслардан бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳам, чет эл фуқароси ҳам Фахрий консул бўлиши мумкин.

Фахрий консул Ўзбекистон Республикасининг давлат хизматида турмайди ва ўз функцияларини бажарганлик учун Ўзбекистон Республикасидан бирон-бир пул мукофоти олмайди.

Фахрий консул Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Фахрий консул ўз функцияларини Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхонаси ёки қайси консуллик округи ҳудудида фаолият кўрсатаётган бўлса, ўша консуллик муассасаси жойлашган давлатдаги консуллик муассасаси раҳбарлиги остида бажаради. Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси мавжуд бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги бундай раҳбарликни Фахрий консул турган давлатга қўшни ёхуд унинг ўзи турган давлатга яқин бўлган давлатлардан бирида жойлашган Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхонасига ёхуд консуллик муассасасига топширади.

Фахрий консул ўзи турган давлат билан келишувга кўра ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг розилиги билан бир вақтнинг ўзида бошқа чет давлатнинг Фахрий консули мажбуриятларини бажариши мумкин.

41-модда. Фахрий консулнинг функциялари

Фахрий консул қуйидаги консуллик функцияларини бажариши мумкин: консуллик округи ҳудудида вақтинча турган ёки доимий яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳисобини юритишни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

консуллик округи ҳудудида бедарак йўқолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини қидириш бўйича чоралар кўриш;

консуллик округи ҳудудида турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига уларнинг ўз сайлов ҳуқуқларини ва Ўзбекистон Республикасининг референдумларида иштирок этишга бўлган ҳуқуқини амалга оширишда консуллик муассасаси билан келишувга кўра кўмаклашиш;

консуллик округи ҳудудида доимий яшаётган, устидан васийлик ва ҳомийлик белгиланиши талаб қилинадиган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш;

консуллик округи ҳудудида турган Ўзбекистон Республикасининг ҳаво, денгиз ва дарё кемаларига, автомобиль ҳамда темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатдаги таркибига, шунингдек уларнинг экипажлари ва йўловчиларига зарур ёрдам кўрсатиш.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида Фахрий консулнинг бошқа функциялари назарда тутилиши мумкин.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

39 Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси- да*

Мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлаш, рақобатбардошликни ошириш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш, инвестицияларни, авваламбор иқтисодиётнинг базавий ва таркибий асосини ташкил этувчи соҳаларга жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бунда, иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш, фонд бозорини ривожлантириш ва соғлом рақобат муҳитини яратиш фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш, жамият ва давлат фаолиятининг барча соҳаларини жадал ва барқарор ривожлантириш учун асос ҳисобланади.

Шу билан бирга, бир давлат органи доирасида давлат активларини бошқариш, монополияга қарши ҳамда қимматли қўғозлар бозорини тартибга солиш функцияларининг жамланиши тизимли муаммоларнинг тўпланишига олиб келди, шу жумладан:

биринчидан, устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналарнинг (кейинги ўринларда — давлат иштирокидаги корхоналар) кундалик ҳўжалик фаолиятига давлат органлари аралашувининг юқори даражадалиги, бозор тенденцияларига мослашувчанлик ва сезувчанликнинг йўқлиги, давлат иштирокидаги корхоналарнинг солиқ ва божхона, шу жумладан яқка тартибдаги хусусиятга эга бўлган имтиёзларга ҳаддан ташқари боғлиқлиги;

иккинчидан, стратегик режалаштириш, хавф-хатарларни таҳлил қилиш ва бошқариш тизимининг йўқлиги, шу жумладан ишлаб чиқаришнинг паст техник даражаси, кўплаб ихтисосликка кирмайдиган активлар мавжудлиги, молиявий ресурсларнинг ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган мақсадларга йўналтирилиши сабабли давлат иштирокидаги корхоналарнинг инвестициявий жозибадорлиги пастлиги;

учинчидан, давлат активларини ҳисобга олишнинг тартибли тизими йўқлиги, хусусийлаштириш жараёнларини бошқариш самарадорлигининг пастлиги, фаолият кўрсатмаётган корхоналар ва бўш ётган объектларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш учун институционал салоҳиятнинг сустлиги;

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 январда эълон қилинган.

тўртинчидан, монополияга қарши конун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари бўйича ўз вақтида ва самарали текширувлар ўтказиш учун ваколатли органда ҳуқуқлар ва институционал потенциалнинг етарли эмаслиги;

бешинчидан, монополияга қарши курашишни тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг халқаро стандартлар ва бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги, конун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш тизимининг йўқлиги ҳамда товар ва молия бозорларини таҳлил қилиш усулларининг эскирганлиги;

олтинчидан, ҳўжалик юритувчи субъектларда монополияга қарши конун ҳужжатлари бузилишининг олдини олишга доир корпоратив стандартларни (монополияга қарши комплаенс) жорий этиш бўйича тизимли ишларнинг, монополияга қарши курашишни тартибга солиш, рақобат ҳуқуқи ва сиёсати, шунингдек, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида кадрларни тайёрлашнинг барқарор тизими йўқлиги;

еттинчидан, мамлакат капитал бозорининг ҳозирги ҳолати иқтисодиётнинг реал секторига узоқ муддатли ва тўғридан-тўғри, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича мавжуд имконият ва салоҳиятдан фойдаланишга имкон бермаяпти, кўзланган ислохотларни самарали амалга ошириш ва республикани жадаллик билан инновацион ривожлантиришга тўсиқ бўлмоқда.

Институционал ва таркибий ислохотларни жадаллик билан амалга ошириш, давлат активларини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш, капитал бозорининг ишончли ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида, шунингдек 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ислохотлар концепциясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат рақобат қўмитаси), Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази ва Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази (кейинги ўринларда — Давлат активларини бошқариш маркази) негизида:

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигини (кейинги ўринларда — Давлат активларини бошқариш агентлиги) ташкил этиш ва унга тугатилаётган Давлат рақобат қўмитаси ва Давлат активларини бошқариш марказининг штат бирликлари, шунингдек давлатнинг, шу жумладан хориждаги активларини бошқариш, хусусийлаштириш тадбирларини амалга ошириш (хусусан, давлат улушларини сотиш), давлат мулкларини ижарага бериш, давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарувни жорий этиш, давлат иштирокидаги иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, банкротлик, баҳолаш фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни таъминлаш, мулкни баҳолаш стандартларини тас-

диклаш ва риэлторларни сертификатлаш бўйича вазифа, функция ва ваколатларини ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасини (кейинги ўринларда — Монополияга қарши курашиш қўмитаси) ташкил этиш ва унга тугатилаётган Давлат рақобат қўмитасининг штат бирликлари, шунингдек монополияга қарши курашишни тартибга солиш, рақобат муҳитини ривожлантириш, табиий монополия субъектлари фаолияти устидан назорат қилиш, товар хом-ашё биржаларини лицензиялаш бўйича вазифа, функция ва ваколатларини ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлигини (кейинги ўринларда — Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги) ташкил этиш ва унга тугатилаётган Давлат рақобат қўмитаси ва Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг штат бирликлари, шунингдек қимматли қоғозлар бозорини, шу жумладан қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсини тартибга солиш, шунингдек корпоратив бошқарувни ривожлантириш, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг лотереяларни ташкил этиш фаолияти бўйича вазифа, функция ва ваколатларини бериш;

б) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси юритувига Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика марказини бериш;

в) тугатилаётган Давлат рақобат қўмитасининг қуйидаги:

бўш турган ва қурилиши тугалланмаган объектларни хатловдан ўтказиш ва аниқлаш ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш функциясини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига;

фойдаланилмаётган объектлардан самарали фойдаланиш, шунингдек бўш турган ва қурилиши тугалланмаган объектларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклашга қаратилган инвестиция лойиҳалари («Йўл хариталари»)ни ишлаб чиқиш бўйича идоралараро комиссияларнинг ишчи органи сифатидаги функциясини Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

а) давлат активларини бошқариш, давлат иштирокидаги иқтисодий notch корхоналарни молиявий соғломлаштириш соҳасида:

давлат иштирокидаги корхоналарнинг устав капиталидаги давлат улушини бошқаришнинг бозор механизмларини ишлаб чиқиш;

давлат иштирокидаги корхоналарда замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш, ушбу корхоналар фаолиятининг самарадорлиги учун уларнинг бошқарув органлари масъулиятини ошириш;

давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштиришдан олдин тайёрлашнинг, шу жумладан уларнинг жозибадорлигини ва уларни бошқаришнинг самарадорлигини оширишни кўзда тутувчи самарали механизмларини жо-

рий этиш бўйича хорижий, халқаро институтлар ва компаниялар билан самарали ишлашни ташкил этиш;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг устав капиталидаги давлат улушларини босқичма-босқич қисқартириш, самарали ва шаффоф хусусийлаштиришни таъминлаш;

давлат иштирокидаги иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда қатнашиш;

б) рақобатни ривожлантириш ва монополияга қарши курашишни тартибга солиш соҳасида:

бозорнинг барча иштирокчиларига товарлар (ишлар, хизматлар) учун тенг имкониятларни тақдим қилиш, рухсат бериш тартиб-тамойилларини соддалаштириш ва давлат хизматлари кўрсатиш ҳисобига уларга тенг шарт-шароитлар ва ҳўжалик фаолияти эркинлиги берилишини таъминлаш;

ишлаб чиқариладиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг сифатини ошириш, нархларнинг асоссиз ошиб кетишини чеклаш ва шу ҳисобидан ички талабни юқори даражада қондиришни таъминлаш учун шароит яратиш;

товар ва молия бозорларида фаолият юритаётган ҳўжалик юритувчи субъектлар устав капиталидаги (фондидаги) давлат иштирокини камайтириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

в) капитал бозорини ривожлантириш соҳасида:

капитал бозорини ривожлантиришнинг яхлит стратегиясини шакллантириш ва ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

капитал бозорининг самарали инфратузилмаси шаклланишида кўмаклашиш;

иккиламчи қимматли қоғозлар бозорини жадал ривожлантириш ва унинг кўламини кенгайтириш, корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш;

корпоратив бошқарув ва капитал бозорини тартибга солиш соҳасида халқаро алоқаларни ривожлантириш.

3. Қуйидагилар белгилансин:

а) Давлат активларини бошқариш агентлигининг асосий вазифалари этиб:

давлат активларини самарали бошқариш бўйича ягона давлат сиёсатини юритиш;

ўзига берилган давлат иштирокидаги корхоналар устав капиталидаги давлат акциялари пакетлари (улушлари) бўйича акциядор (таъсисчи ва иштирокчи) ҳуқуқларини амалга ошириш;

илғор хорижий тажриба асосида давлат иштирокидаги корхоналарда замонавий корпоратив бошқарув шакл ва усулларини жорий қилиш, уларни бошқаришда кузатув кенгаши ва акциядорларнинг ролини тубдан ошириш;

давлат иштирокидаги корхоналарни, шу жумладан халқаро молия институтлари тавсиялари асосида босқичма-босқич ички ва ташқи бозорларда рақобатлаша оладиган, самарали корхоналарга айлантиришга кўмаклашиш;

давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятининг самарадорлиги ва шаф-

фофлигини таъминлаш, бошқарув тузилмасини оптималлаштириш, юқори даромадлилик ва капитализацияни ошириш, соҳасига кирмайдиган ва фойдаланилмаётган активларини чиқариб ташлашга қаратилган ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни мувофиқлаштириш;

давлат манфаатларини таъминлаган ҳолда, шу жумладан давлат акция пакетларини (улушларини) ишончли бошқарувга бериш орқали инвестиция фаолиятини амалга ошириш;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг облигация ва акцияларини чиқариш ва реализация қилиш, шу жумладан маҳаллий ва хорижий фонд биржаларида IPO/SPO бўйича эмиссияларни жойлаштириш ҳисобига, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни, шунингдек портфель инвестицияларни жалб қилиш;

давлат активларини реализация қилиш (хусусийлаштириш) ва ижарага беришнинг очиқ ва шаффоф механизмини таъминлаш, инвесторлар томонидан қабул қилинган инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилиши устидан мониторинг қилиш, шунингдек давлат хусусий шериклик бўйича таклифларни тайёрлашда иштирок этиш;

таҳлил асосида давлат иштирокидаги фаолият юритмаётган, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни аниқлаш, уларни молиявий соғломлаштириш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда давлат иштирокидаги корхоналарда самарали дивиденд сиёсатини олиб бориш;

баҳолаш фаолиятининг давлат томонидан тартибга солинишини таъминлаш, мол-мулкни баҳолаш стандартларини тасдиқлаш, шунингдек риэлторларни сертификатлаштириш;

б) Монополияга қарши курашиш қўмитасининг асосий вазифалари этиб: товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

товар ва молия бозорларида рақобат муҳити ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устун мавқени суиистеъмол қилиши, «картель» битимлари ва тил бириктириши, ноҳалол рақобатчилигини аниқлаш ва олдини олиш;

савдолар, иқтисодий концентрация ва давлат қўмагини монополияга қарши тарзда тартибга солиш;

бозор иштирокчилари, шу жумладан табиий монополия субъектларига юқори ликвидли товарлардан (ишлар, хизматлар) фойдаланишда тенг шароитларни таъминлаш;

қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш, давлат органларининг рақобатни чекловчи қарорлар қабул қилишига ва шундай ҳаракатларни амалга оширишига йўл қўймаслик;

в) Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг асосий вазифалари этиб:

қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, тартибга солиш ва корпоратив бошқарув соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

қимматли қоғозлар амалиёти билан шуғулланувчи инвесторлар ҳамда қимматли қоғозлар эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

қимматли қоғозлар бозори, акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини назорат қилиш;

маҳаллий капитал бозорининг ривожланиш ҳолати ва унинг профессионал катнашчилари тўғрисида инвесторлар ва жамоатчиликни хабардор қилиш;

инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун зарур ресурсларни жалб этиш имкониятини берувчи янги молиявий воситалар турларини жорий қилишда қўмаклашиш;

фонд биржаларининг, қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал иштирокчиларнинг фаолиятини лицензиялаш;

капитал бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш масалалари бўйича хорижий ва халқаро институтлар билан самарали ҳамкорлик қилиш.

4. Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш жамғармаси негизида Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

Белгилансинки, тугатилаётган Давлат рақобат қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармаси ва Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш жамғармасидаги маблағлар Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармалари ўртасида тенг тақсимланади.

5. Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

давлат мулки ижарасидан тушадиган маблағлар, ижара тўловини тўлаш кечиктирилганлиги учун пеня ва шартнома мажбуриятлари бузилганлик учун жарималар суммаси;

корхоналарни, хўжалик жамиятларининг устав фондларидаги акциялар (улушлар)ни, ер участкаларига бўлган ҳуқуқни ва давлат мулки ҳисобланган бошқа мулкларни (кейинги ўринларда — давлат активлари) сотишдан тушган маблағлар;

Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан илгари берилган қарзлар бўйича қарздорлар томонидан асосий сумма ва улар бўйича ҳисобланган фоизлар тарзида қайтарилган тушумлар;

тузилган ва бекор қилинган давлат активлари олди-сотди шартномалари (битимлари), берилган қарзлар бўйича тушган пенялар ва жарималар;

хўжалик жамиятлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатилгандаги давлат улуши бўйича тушумлар;

аукционлар, танловлар (тендерлар) ёки оммавий оферталарнинг олди-сотди баённомаси ёки шартномасини имзолашдан бош тортган ёки уни рад этган ғолибларидан ушлаб қолинган закат суммалари;

давлат активларини сотишда ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан шартнома мажбуриятлари бузилганлиги учун неустойка суммалари;

Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан илгари ўтказилган маблағлар қайтарилгандаги тушумлар;

Жамғарма маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

Халқаро институтлар ва ташкилотларнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг грант маблағлари ҳамда ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Жамғарма маблағларини тақсимлаш қуйидаги нисбатларда амалга оширилиши белгилансин:

а) давлат мулки ижарасидан тушадиган маблағлар:

40 фоиз — давлат мулкани баланс сақловчисига;

25 фоиз — тегишли маҳаллий бюджет даромадига;

20 фоиз — Жамғармага;

15 фоиз — давлат мулкани ижарага бериш бўйича тегишли марказларга;

б) давлат активларини сотишдан тушадиган маблағлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 январдаги ПФ-4933-сон Фармонида мувофиқ, давлат мулки объектларини сотишдан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига тушадиган маблағлар бундан мустасно:

73 фоизи — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига;

24 фоизи — Жамғармага;

3 фоизи — маблағларни мақсадли равишда тадбиркорларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан тадбиркорлар учун ташкил этиладиган ўқув курсларини молиялаштиришга йўналтирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига.

7. Белгилансинки, Жамғарма маблағлари:

хўжалик жамиятларини хусусийлаштиришдан олдин тайёрлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга, жалб қилинадиган, шу жумладан хорижий мутахассислар ва консалтинг ташкилотларига;

Давлат активларини бошқариш агентлигининг маъмурий ва бошқарув функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни, шу жумладан давлат мулки электрон маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш бўйича харажатларини қоплашга;

Давлат активларини бошқариш агентлиги ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш, шу жумладан улар томонидан уй-жой сотиб олишлари учун имтиёзли молиялаштириш, шунингдек Давлат активларини бошқариш агентлиги раҳбарлари ва мутахассисларини ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга сарфланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хиз-

матлари агентлиги икки ой муддатда юридик шахслар ҳисоби ва реестрини юритиш тизимини такомиллаштириш, бунда аввало давлат корхоналари, устав капиталида (фондида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқни ташкил этувчи юридик шахслар, шунингдек устав капиталида (фондида) 50 фоиз ва ундан ортиқ улуш 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар тўғрисидаги маълумотлар ҳисобининг юритилишини таъминлаш юзасидан амалий чоралар кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан биргаликда икки ҳафта муддатда қуйидагилар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари лойиҳаларини киритсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги;

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги;

б) Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар иқтисодиёт тармоқларини давлат томонидан тартибга солишни янада такомиллаштириш, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятини чеклайдиган қонунчилик нормаларини бекор қилиш бўйича таклифларни киритсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар давлат, шу жумладан унитар корхоналарни хатловдан ўтказсин, бунда ушбу корхоналарнинг фаолият мақсадларидан келиб чиқиб, уларни давлат муассасалари ёки хўжалик жамиятларига айлантириш ва кейинчалик уларнинг устав капитали (фонди)даги акциялар пакетлари (улушларини) Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказишни таъминлаш;

г) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда бўш турган ва самарасиз фойдаланилаётган объектларни тиклаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга кўмаклашиш функцияларини амалга ошириш бўйича таклифлар киритсин.

10. Давлат активларини бошқариш агентлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги:

а) мазкур Фармонга мувофиқ тугатилаётган ташкилотлар билан биргаликда икки ой муддатда уларнинг мол-мулкини қабул-қилиш ва топширишни таъминласин;

б) 2019 йил 1 мартга қадар тегишли соҳалардаги комплекс камчиликларни, шунингдек мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлар) ва уларга эришишнинг қадамба-қадам механизмларини кўрсатган ҳолда 2019 йил учун мос равишда Давлат активларини бошқариш агентлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин;

в) икки ой муддатда «Электрон ҳукумат» тизимига тақдим этилиши ва киритилиши лозим бўлган маълумотлар таркиби бўйича таклифларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигига киритсин, шунингдек Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимининг белгиланган протокол бўйича платформа форматида мажбурий қўлланилишини таъминласин;

г) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар:

қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштиришни таъминласин.

11. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузурида қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказини ташкил этиш тўғрисида» 1996 йил 26 мартдаги ПФ-1414-сон Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5016-сон Фармони.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 январь,
ПФ-5630-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**40 Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизimini янада
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари (кейинги ўринларда Халқ қабулхоналари деб юритилади) давлат органлари билан аҳоли ўртасида очик мулоқотни йўлга қўйиш, долзарб муаммоларни аниқлаш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан мурожаатларнинг кўриб чиқирилишини таъминлашда ўзига хос самарали механизмга айланди.

Халқ қабулхоналари ташкил этилиши аҳолини йиллар давомида қийнаб келган муаммоларнинг аниқланишига, уларнинг аксарияти жойида ҳал этилишига замин яратди.

Шу билан бирга, икки йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти номига 2,5 миллиондан ортиқ мурожаатлар келиб тушганлиги, республика ишчи гуруҳлари томонидан уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш натижасида қўшимча 1,1 миллиондан ортиқ турли муаммолар аниқланганлиги жойларда ечимини кутаётган масалалар кўплигини, айримлари ўрта ва қуйи бўғиндаги ташкилотлар даражасида ҳал этилмаётганлигини кўрсатмоқда.

Аҳолининг мурожаатлари билан ишлаш, уларни қийнаб келаётган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлили эса бу йўналишда бир қатор тизимли камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Хусусан:

биринчидан, мурожаатлар билан ишлашнинг амалдаги тизими аҳолининг мавжуд муаммоларини тўлиқ қамраб олиш ва тезкорлик билан ҳал қилиш имконини бермаяпти;

иккинчидан, аниқланган муаммоларни тизимли таҳлил қилиш ва ҳал этишда Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Халқ қабулхоналари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг ягона механизми мавжуд эмас;

учинчидан, тегишли ижтимоий-иқтисодий дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатлар ҳамда жойларда аниқланган бошқа муаммолар етарли даражада акс эттирилмаяпти;

тўртинчидан, Халқ қабулхоналари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг амалдаги тизими, уларнинг етарли ваколатларга эга эмаслиги иш сифати ва самарадорлигига салбий таъсир қилмоқда;

бешинчидан, жойлардаги давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш ҳамда уйма-уй юриш орқали муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишга, зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ ва сифатли бажаришга етарли эътибор қаратмаяпти.

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 18 январда эълон қилинган.

Давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг бевосита фуқаролар билан ишлашга ўтишини, уларнинг халққа, жумладан тадбиркорлик субъектларига яқин қўмакчи бўлишини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. 2019 йил 1 февралдан Халқ қабулхоналарининг аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича амалдаги тизими билан бир қаторда, Халқ қабулхоналарининг муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилишни, давлат органларининг аҳоли билан бевосита ишлашини назарда тутувчи янги тизим жорий қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Халқ қабулхоналари ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар (кейинги ўринларда секторлар деб юритилади), давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали муаммоларни аниқлайди ҳамда ҳал қилинишини таъминлайди;

туман (шаҳар) Халқ қабулхоналари бошчилик қиладиган секторлар штаблари аъзоларидан иборат ишчи гуруҳлар ҳудудларни маҳаллалар ва хонадонлар (оилалар) кесимида таҳлил қилади, аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан қисқа (1 йиллик) ва ўрта муддатли манзилли тадбирлар режаларини шакллантиради;

қисқа муддатли манзилли тадбирлар режалари ижроси туман (шаҳар) ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва коммунал соҳа, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт, капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ва мудофаа саноати масалалари комплекси (А. Рама-тов) томонидан таъминланади;

қисқа муддатли манзилли тадбирлар режалари ижроси тегишли Халқ қабулхоналари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мурожаатлар билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмалари томонидан назорат қилинади;

ўрта муддатли манзилли тадбирлар режалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатларда акс этган тизимли муаммолар давлат инвестиция дастурлари ҳамда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ҳудудий, тармоқ ва давлат дастурларини, халқаро молия институтлари иштирокида амалга ошириладиган лойиҳаларни ишлаб чиқишда инобатга олинади. Ушбу дастур ва лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мурожаатлар билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмалари билан келишилади;

Халқ қабулхоналари жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ташкилотларни жалб қилган ҳолда ҳудудлардаги ижтимоий

муҳитни ўрганиш, аҳоли муаммоларини ҳал қилишда очиқлик, шаффофлик ва ҳолисликни таъминлаш чораларини кўради;

«Обод кишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга ошириладиган аҳоли пунктлари рўйхати Халқ қабулхоналари билан келишилган ҳолда шакллантирилади;

Халқ қабулхоналари секторлар ва ҳудуддаги ташкилотлар раҳбарлари фаолияти, мурожаатлар билан ишлаш ҳолати юзасидан тегишли халқ депутатлари Кенгашлари мажлисида муҳокама қилиш учун ҳар чоракда ахборот киритади ҳамда ушбу ахборот юзасидан мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботи эшитилади;

республика даражасида ҳал этиладиган муаммолар тўғрисида маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мурожаатлар билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси томонидан Вазирлар Маҳкамасига ҳал қилиш учун киритилади.

3. Халқ қабулхоналарига қуйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

секторлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали ижтимоий-иқтисодий муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш фаолиятини доимий равишда мувофиқлаштириб бориш;

ҳудудларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, оммавий ва сайёр қабуллар ўтказиш тизимини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

маҳаллалар ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини баҳолашда иштирок этиш;

ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ҳудудий, тармоқ ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва ижросини назорат қилишда иштирок этиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига кўмаклашиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириш;

давлат хизматлари кўрсатиш фаолиятини мувофиқлаштириш;

фаолият йўналишлари бўйича жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги Халқ қабулхоналари мудирлари — Ўзбекистон Республикаси Президентининг розилиги билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар) Халқ қабулхоналари мудирлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари томонидан;

Халқ қабулхоналарининг бошқа ходимлари — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мурожаатлар билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмалари билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Рес-

публикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Халқ қабулхоналарининг бошқарув ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг ходимлари ҳисобланади.

5. Халқ қабулхоналарига қуйидаги қўшимча ҳуқуқлар берилсин:

секторлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг уйма-уй юриш, мурожаатлар билан ишлаш, ижтимоий ва бошқа объектларда аниқланган муаммоларни ҳал қилиш борасидаги фаолиятини тизимли ўрганиш, кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш, шунингдек секторлар фаолиятини баҳолашда иштирок этиш;

секторлар штаби таркибига киритилган давлат органлари ҳудудий бўлинмаларининг мансабдор шахслари ва ходимларини рағбатлантириш ёки йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун уларни лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортиш бўйича юқори турувчи давлат органларига таклифлар киритиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан фаолияти учун зарур бўлган ахборотлар ҳамда ҳужжатларни сўраш ва олиш, уларнинг мутахассисларини жалб қилиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан улар фаолияти ва кўрсатадиган хизматларига оид тартиб-қоидаларнинг аҳолига тўлиқ ва тезкор етказилишини таъминлашга қаратилган чоралар кўриш.

6. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туманлар ва шаҳарлардаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари кўрсатилган янгиланган намунавий тузилмалари 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, 2019 йил 20 январдан Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра Халқ қабулхоналари барча ходимларининг лавозим маошини аниқлашда тариф коэффициентлари бир ярим барабар миқдорда қўлланилади.

Йил якунларига кўра фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришган Халқ қабулхоналари ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мурожаатлар билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси тақдимномасига асосан маҳаллий бюджет маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан бир марталик пул мукофоти ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотланади.

7. Халқ қабулхоналари бошқарув ходимларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПФ-5519-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси тўғрисидаги низомнинг 26-бандида назарда тутилган қоидалар татбиқ этилсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фуқаролар ҳуқуқларини

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ҳимоя қилиш, мурожаатлар билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмалари билан биргаликда икки ҳафта муддатда Халқ қабулхоналарининг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини белгиланган тартибда тасдиқласин ҳамда тегишли молия органида рўйхатдан ўтказилишини таъминласин;

мунтазам равишда чекка ва олис ҳудудларда оммавий қабуллар ўтказиш, аҳоли муаммоларини бевосита жойига чиққан ҳолда ўрганишларни ташкил этиш мақсадида уч ой муддатда барча туман (шаҳар) Халқ қабулхоналарини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан хизмат автотранспорт воситалари билан таъминласин ва уларни сақлашга лимит ажратсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мурожаатлар билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмалари:

аҳолининг ижтимоий муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилишга қаратилган чора-тадбирларнинг ҳудудларда амалга оширилишини, шу жумладан 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича белгиланган вазифаларнинг бажарилишини мувофиқлаштирсин ва назорат қилиб борсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси билан биргаликда Халқ қабулхоналари ходимлари учун махсус малака ошириш курсларини ташкил этсин;

Халқ қабулхоналари кадрлари таркиби аҳоли билан бевосита ишлаш учун зарур бўлган билимга, ташкилотчилик ва таҳлил қилиш қобилиятига, шунингдек маънавий-ахлоқий ва психологик фазилатларга эга бўлган малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Халқ қабулхоналарининг янгиланган низоми, Халқ қабулхоналарининг секторлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби, Халқ қабулхоналари фаолиятини баҳолаш тартиби ва мезонлари, маҳаллалар ҳудудлари ҳолатини «намунали», «яхши» ва «қониқарсиз» тоифаларга ажратиш мезонларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

«Обод кишлоқ», «Обод маҳалла», «Ёшлар — келажагимиз», «Ҳар бир оила — тадбиркор» ва бошқа давлат дастурлари ижроси тўғрисидаги маълумотларни ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мурожаатлар билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмаларига тақдим қилиб борилишини;

уй-жой қурилиши, йўл қурилиши, электр, табиий газ, ичимлик суви, канализация ва бошқа коммунал хўжалик объектлари, ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва таъмирлаш ҳамда бошқа давлат дастурлари, шунингдек

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун ажратилган маблағлар тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида туман (шаҳар) кесимида жойлаштирилиши ва мунтазам равишда янгилаб борилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

«Hudud» ахборот тизими такомиллаштирилиши ва унга барча Халқ қабулхоналари, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг интеграция қилинишини ҳамда тизим фаолиятининг доимий равишда техник қўллаб-қувватлаб борилишини таъминласин;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудий бўлимлари фаолияти ва кўрсатадиган хизматларига оид тартиб-қоидаларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари (мобил иловалар, веб-сайтлар, электрон тўлов воситалари ва бошқалар) орқали аҳолига тўлиқ ва тезкор етказилишини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқсин;

барча давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг вилоят бўлинмалари веб-сайтларини 2019 йилнинг 1 июлига қадар, туман (шаҳар) бўлинмалари веб-сайтларини 2020 йилнинг 1 январига қадар ташкил қилиш орқали фуқароларнинг ҳар бир давлат органи ҳудудий бўлинмаларига бевосита электрон мурожаат қилиш имконияти яратилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти ҳамда унда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини ёритиш, шунингдек ҳудудларда аҳолини қийнаб келаётган муаммолар ҳақида доимий равишда танқидий-таҳлилий материаллар бериб бориш тавсия этилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Т.А. Худайбергенов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 17 январь,
ПФ-5633-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**41 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида***

«Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилинган 2018 йилда мамлакатимизда иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва давлат бошқарувига замонавий илм-фан ютуқлари, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Қабул қилинган 2018 йилги Давлат дастурини рўёбга чиқариш доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард АҚШ доллариға тенг 76 мингта лойиҳа амалга оширилди.

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларига мувофиқ 400 дан ортиқ қишлоқ ва маҳаллаларда муносиб турмуш шароитларини яратишга қаратилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларига 3 триллион сўм маблағ йўналтирилди.

«Ҳар бир оила — тадбиркор» ва «Yoshlar — kelajagimiz» дастурлари доирасида 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалар амалга оширилди.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди ҳамда бу аҳолининг реал даромадларини 2017 йилга нисбатан 12 фоизга ошириш имконини берди.

Янги ўқув йўналишларни очиш ва қабул квоталарини ошириш ҳисобига олий таълим олиш имкониятлари салмоқли даражада кенгайтирилди.

Солиқ маъмуриятчилигининг моҳиятан янги тартиби жорий этилгани сабабли солиқларнинг прогноздан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан маҳаллий бюджетлар ихтиёрида 5,5 триллион сўм маблағ қолдирилди. Бу 2017 йилги кўрсаткичларга нисбатан 6 баробар, 2016 йилга нисбатан 32 баробар кўпдир.

Бундан ташқари, иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш, ишбилармонлик муҳити ва инвестициявий жозибадорликни яхшилаш, аҳоли даромадларини ошириш ва бизнес учун солиқ юкини камайитишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинди.

Хусусан, ягона ижтимоий тўлов ставкасининг 12 фоизгача пасайитирилиши ҳамда юридик шахсларнинг айланмаси (тушуми)дан давлат мақсадли жамғармаларига ундириладиган мажбурий ажратмаларнинг бекор қилини-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 18 январда эълон қилинган.

ши корхоналар ихтиёрида қўшимча маблағлар қолиши учун шарт-шароит яратди.

2018 йилда 18 та давлатлараро ташрифлар амалга оширилди ва 50 миллиард АҚШ долларига тенг инвестициявий келишувларга эришилди. Бугунги кунда юртимизда чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 456 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Умумий қиймати 16,9 триллион сўм ва 8,1 миллиард АҚШ долларига тенг лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутувчи ҳамда қуйидагиларга қаратилган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури (кейинги ўринларда — Давлат дастури) 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин:

давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида — парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтириш, ижро этувчи ҳокимият тизимини оптималлаштириш, маъмурий ислохотларни давом эттириш, давлат бошқарувида замонавий менежмент услубларини кенг қўллаш, давлат хизматларини ривожлантириш, давлат хизматида малакали мутахассисларни жалб этишга қаратилган ягона кадрлар сиёсатини шакллантириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколат ва масъулиятини қайта қўриб чиқиш, уларнинг мустақиллигини ошириш;

қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш соҳасида — суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигига эришиш, аҳоли тинчлиги, ҳавфсизлигини ва қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш бўйича зарур чоралар қўриш, жиноят қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш;

иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб этиш соҳасида — макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, соғлом рақобат учун зарур шароитларни яратиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, иқтисодиётда давлат иштирокини жиддий равишда камайтириш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, «хуфёна» иқтисодиётга қарши курашиш ва унинг улушини кескин қисқартириш, валюта сиёсатини эркинлаштиришни давом эттириш;

ижтимоий ривожланиш соҳасида — аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамларнинг даромадларини ошириш, фан ва узлуксиз таълимни ривожлантириш, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва улар билан аҳолини қамраб олишни кенгайтириш, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш,

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

уларни муносиб турар жой билан таъминлаш ва фаровонлигини ошириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, туризмни ривожлантириш;

хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, шунингдек ташқи сиёсат соҳасида — мамлакатимиз мудофаа қудратини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг салоҳиятини мустаҳкамлаш, миллий мудофаа саноати комплексини шакллантириш, экологик хавфсизликни таъминлаш, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, очиклик, ўзаро тенг ва манфаатли ҳамкорлик тамойилларига асосланган ташқи сиёсий фаолият самарадорлигини янада ошириш.

2. Давлат дастурида назарда тутилган тадбирлар, айниқса, хорижий инвестицияларни жалб этиш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, шунингдек мамлакатимиз ҳудудларининг ижтимоий ривожланиш даражасини ошириш соҳасидаги тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш учун шахсан масъул ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси мансабдор шахслари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари 2-иловага* мувофиқ мамлакат ҳудудларига бириктирилсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан ҳар чоракда Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида ҳисоботлар эшитилади, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритилади, Давлат дастуридаги тадбирлар сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун зарур чоралар кўрилади.

3. Ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари билан биргаликда инвестиция лойиҳалари амалга оширилишининг боришини муҳокама қилиш, инвесторлар фаолиятига тўсқинлик қилаётган муаммоларни тезкор ва самарали ҳал этишни таъминлаш мақсадида инвесторлар билан шахсан учрашувларни, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш амалиёти жорий этилсин.

4. Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни маслаҳат ва экспертлик жиҳатидан таъминлашни амалга ошириш, шунингдек жамият ва давлат ҳаётини ислох қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг долзарб масалалари, жумладан мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Эксперт кенгаши ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги икки ой муддатда қуйидагиларни тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Эксперт кенгаши

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

таркиби, бунда унинг таркибига муваффақиятга эришган тадбиркорлар, атоқли давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, жумладан хорижий давлатлар фуқаролари ва хориждаги ватандошларни киритиш назарда тутилсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Эксперт кенгаши тўғрисидаги низом.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2019 йил 1 июнга қадар ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, биринчи навбатда инвестиция жалб этиш учун устувор йўналишларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг ўрта муддатли истиқболдаги инвестиция сиёсати стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) ишлаб чиқирилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ҳафта муддатда 2019 йилда Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар — устувор ҳамкорлар билан савдо-иқтисодий, инвестиция, маданий-гуманитар ва сиёсий, шунингдек хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлигини янада фаоллаштириш ва ривожлантиришга қаратилган аниқ тадбирлар бўйича таклифларни киритсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар — устувор ҳамкорлар билан ҳамкорлигини янада фаоллаштириш бўйича таклиф этиладиган тадбирлар ва йўналишлар Давлат дастури ва Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури билан ўзаро узвий боғлиқ бўлиши лозим.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг қуйидагиларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

а) эълон қилинган капитали 1 миллиард АҚШ доллари миқдорида бўлган Ўзбекистон Республикасининг тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма). Қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республика иқтисодиётининг ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтиришга, шунингдек унинг рақобатбардошлигини янада оширишга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва инновацион технологияларни жалб этиш;

хусусий маҳаллий ва хорижий инвесторлар билан узоқ муддатли ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини йўлга қўйиш орқали инвестиция фаолиятини рағбатлантириш ва ривожлантириш;

инвестиция таклифларини баҳолаш, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

инвестиция муҳитини яхшилашга, шунингдек республикаимизнинг инвестиция салоҳияти ва имкониятларини хорижда кенг тарғиб қилишга қўмаклашиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маб-

лағлари ҳисобидан шакллантириладиган 5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги устав капиталига эга, акциядорлик жамияти шаклидаги, давлат улуши 100 фоиз бўлган Ўзбекистон Республикаси тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармасининг бошқарув компанияси (кейинги ўринларда — бошқарув компанияси).

8. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Жамғарманинг ягона таъсисчиси ҳисобланади ҳамда унинг капиталини Жамғарма билан биргаликда лойиҳаларга инвестиция киритиш тўғрисида инвесторлар томонидан қарор қабул қилинишига қараб шакллантиради;

инвестиция лойиҳалари бошқарув компанияси томонидан инвестиция учун устувор соҳалар, иқтисодий мақсадга мувофиқлик ва самарадорлик ҳисобга олинган ҳолда мустақил равишда танлаб олинади;

бир лойиҳа бўйича Жамғарма инвестицияларининг энг кўп миқдори ушбу лойиҳага киритилиши режалаштирилаётган инвестициялар умумий ҳажмининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим, қолган қисми инвесторларнинг ўз маблағи ва жалб қилинган маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

Жамғарма ва бошқарув компанияси фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда қўйидагиларни назарда тутувчи ҳукумат қарорини қабул қилсин:

Ўзбекистон Республикаси тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни биргаликда молиялаштириш тамойиллари асосида жалб қилиш бўйича самарали ва шаффоф тижорат майдонини яратган ҳолда Жамғарма ва бошқарув компанияси ўртасида ҳамкорлик қилиш тартибини белгилаш;

томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, инвестиция сиёсатининг тамойиллари, шунингдек уни амалга ошириш механизмларини белгилаган ҳолда Жамғарма ва бошқарув компанияси ўртасида инвестиция активларини ишончли бошқариш тўғрисида шартномалар тузиш тартиби.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси (З.Ш. Низомиддинов) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (А.Н. Арипов) ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 мартга қадар инвестиция лойиҳаларини, биринчи навбатда, иқтисодиётнинг устувор тармоқларида амалга оширишни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг замонавий шакл ва услубларини жорий этишни ҳисобга олган ҳолда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини такомиллаштиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин.

11. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2019 йил 1 мартдан бошлаб:

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг таъсисчилари (иштирокчилари) ва уларнинг оила аъзолари учун муддатини мамлакатдан

чиқмасдан узайтириш имконияти бўлган, амал қилиш муддати уч йилни ташкил қиладиган «инвестиция визаси» жорий этилади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича корхоналар ташкил қилиш учун 3 миллион АҚШ доллариdan ортиқ миқдорда инвестиция киритган хорижий давлатлар фуқароларига, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг таъсисчилари (иштирокчилари)га Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси 10 йил муддатга соддалаштирилган тартибда берилади;

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки «инвестиция визаси»га эга хорижий инвесторлар ҳамда уларнинг оила аъзолари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган шартларда тиббий ва таълим хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади;

хорижий инвесторлар, улар томонидан хорижий давлатлар фуқаролари орасидан жалб этиладиган мутахассислар ва уларнинг оила аъзоларини вақтинча рўйхатга олиш инвестиция лойиҳаси рўёбга чиқарилаётган ҳудуддаги аҳоли яшаш пунктида, мамлакатнинг бошқа ҳудудларида бўлганда қайта рўйхатдан ўтиш мажбуриятсиз, визанинг амал қилиш муддатига (виза мавжуд бўлмаганда эса 1 йил муддатга) амалга оширилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва sanoat вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан Абу Даби ривожланиш жамғармаси (БАА) билан биргаликда Ўзбекистон-Амирликлар инвестиция компаниясини (кейинги ўринларда — инвестиция компанияси) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмуродов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори Ш.А. Вафоевга Ўзбекистон-Амирликлар инвестиция компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномасини имзолаш ваколати берилсин.

13. Белгилансинки, инвестиция компанияси:

Абу Даби ривожланиш жамғармаси (БАА) компаниясининг 75 фоиз миқдордаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 25 фоиз миқдордаги улушлари ҳисобига 5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги устав фондига ва 1 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги эълон қилинган капиталига эга бўлиб, масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилади, бунда қўшимча иштирокчиларни ўрнатилган тартибда жалб этиш мумкин бўлади;

фаолият кўрсатаётган ва янги ташкил қилинаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг устав капиталларида улушлар сотиб олиш, қарзлар бериш, қимматли қозғаларни муомалага чиқариш, хўжалик юритувчи субъектлар устав капиталдаги улушларни маҳаллий ва хорижий инвесторларга реализация қилиш ва қонун билан тақиқланмаган бошқа шаклларда инвестиция фаолиятини олиб бориш ҳуқуқига эга;

Бирлашган Араб Амирликларининг инвестициявий, молия институтлари ва компаниялари билан инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш вазибаларини бажаради, улар билан инвестициявий муносабатларни мувофиқлаштиради, шунингдек қўшма инвестициявий лойиҳаларни қўллаб-қувватлайди ва рўёбга чиқаришга кўмаклашади.

14. Белгилаб қўйилсинки:

инвестиция компанияси, шунингдек унинг таъсисчилари олинган дивиденд ва фоизлар бўйича даромадлар билан бирга фойда солиғи, мол-мулк солиғи ва ер солиғидан, шунингдек унинг мол-мулки ва активларини реализация қилишда қўшилган қиймат солиғидан 3 йил муддатга озод қилинади;

устав фонди (капитали)нинг камида 30 фоизи инвестиция компанияси маблағлари ҳисобидан шакллантирилган янги ташкил этилган корхоналарга хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар учун қонунчиликда назарда тутилган имтиёз ва преференциялар татбиқ этилади.

15. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси бошқарув ходимларининг вакант лавозимларини қисқартириш ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмалари тузилмасида 5 та штат бирлигидан иборат Халқаро рейтинглар билан ишлаш ва «Электрон ҳукумат» тизимини жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш шўъбаси;

вазирлик ва идораларда — белгиланган штатлар сони доирасида халқаро рейтинглар бўйича фаолиятни амалга ошириш ва «Электрон ҳукумат» тизимини жорий этиш учун масъул бўлган ихтисослашган таркибий бўлинмалар ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул вазирлик ва идоралар рўйхати 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

16. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига, энг аввало, хорижий ишбилармонлик доиралар, тадбиркорлар, салоҳиятли инвесторлар, давлат ва жамоат арбоблари ўртасида мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, жумладан Давлат дастурининг бориши, бизнес учун яратилган қулай шароитлар тўғрисида кенг маълумот бериш ва тарғиб қилишни ташкил этиш учун масъул бўлган PR-марказ функцияси юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси (З.Ш. Низомидинов) икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги, жумладан PR-марказ функциясини бажариш доирасида амалга ошириладиган тадбирларни молиялаштиришнинг аниқ манбаларини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасини ишлаб чиқсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда етакчи халқаро молиявий ва консалтинг ташкилотла-

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рини жалб этган ҳолда 2019 йил 1 июлга қадар устав капиталидаги давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг акциялар (улушлар) пакетларини сотиш назарда тутилаётган стратегик аҳамиятга эга бўлмаган ҳўжалик жамиятлари ягона рўйхати шакллантирилиши ва юритилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари билан биргаликда 2019 йил 10 июлга қадар халқаро ишбилармонлик доираларда истиқболли инвестиция лойиҳалари, шу жумладан устав капиталидаги давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг акциялар (улушлар) пакетларини сотиш назарда тутилаётган ҳўжалик жамиятлари, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг тақдимотларини («Road Show») ўтказиш графигини тасдиқласин ва йил давомида амалга оширсин.

19. Белгилансинки, 2019 йил 1 мартдан бошлаб болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор оналарга, улар пенсия ёшига тўлгандан сўнг, агар уларда пенсия тайинлаш учун зарур стаж мавжуд бўлмаса, ижтимоий нафақа тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ушбу бандда белгиланган ижтимоий нафақа миқдорини ва уни тўлаш тартибини назарда тутувчи ҳукумат қарорини қабул қилсин.

20. Банд бўлмаган аҳолини, айниқса, ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, шунингдек касбий малакалар бериш ва тасдиқлашнинг умуммиллий тизимини жорий этиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йилдаги устувор вазифаси ҳисоблансин.

Белгилансинки, фуқаролар, айниқса, ёшлар томонидан ўз малакасини ошириш учун таъсирчан рағбатлантирувчи омиллар яратиш, шу жумладан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тузилмасига кирувчи касб-хунар коллежлари негизида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида банд бўлмаган аҳоли ва ишсиз фуқаролар учун ўқитиш марказларини ташкил этиш ҳисобига замонавий ўқув ва ишлаб чиқариш технологияларига таянган касбга ўқитишни йўлга қўйиш ва касбий малакани баҳолашни назарда тутувчи касбий малакалар умуммиллий тизимини жорий этишга асосий эътибор қаратилиши лозим.

21. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги мамлакатда касбий таълим беришнинг замонавий тизимини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича Давлат дастурида назарда тутилган вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида бир ой муддатда ишчи касблар нуфузини юксалтириш ва касбий таълимни ривожлантириш бўйича халқаро ҳаракатга қўшилишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминласин.

22. Белгилансинки, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб:

олий таълим муассасаларига ҳужжатларни давлат хизматлари марказлари орқали қабул қилиш тартиби босқичма-босқич жорий этилади;
муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг

тавсияномасига эга шахслардан иборат абитуриентлар учун олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ушбу шахслар ўртасида ўтказиладиган танлов асосида алоҳида квоталар ажратиш тартиби киритилади.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси 2019 йил 1 мартга қадар:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда олий таълим муассасалари томонидан талабаларни қабул қилиш квоталарини иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг истиқболдаги эҳтиёжларини, шунингдек муассасаларнинг кадрларни сифатли тайёрлашни ташкил этиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда белгилаш тартибини тасдиқласин ва ушбу тартиб 2019/2020 йилдан татбиқ этилишини назарда тутсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда хорижий дипломларнинг эквивалентлигини тасдиқлашдаги сунъий тўсиқларни бартараф этиш ва уларни тан олиш жараёнини оптималлаштириш бўйича таклифлар киритсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин:

Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятларни либераллаштириш;

Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини дифференциация қилиш, ушбу тоифадаги ишларнинг ваколатли давлат органлари томонидан тезкор кўриб чиқирилишини таъминлаш.

25. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, «Тараққиёт стратегияси» маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва кенг жамоатчиликнинг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати — нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш;

б) режалаштирилган ислохотларни, шу жумладан Давлат дастурида назарда тутилган ислохотларни амалга оширишга қўмаклашиш мақсадида фуқаролар, хорижда яшаётган ватандошлар ва нодавлат нотижорат ташкилотларни ихтиёрийлик асосида бирлаштиришни «Юксалиш» умуммиллий ҳаракатининг асосий вазифаси этиб белгилаш, шу жумладан қуйидагилар орқали бирлаштириш:

халқ ва бизнес ҳамжамияти билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш;

жамоатчилик назоратининг самарали тизимини шакллантириш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат таш-

килотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шунингдек фуқаролар, айниқса, ёшларнинг саъй-ҳаракатлари ва кучларини сафарбар этиш; режалаштирилган, шу жумладан Давлат дастурида назарда тутилган ислохотларнинг амалга оширилиши жараёнини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида муҳокама қилишда фаол иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таҳлилий ахборот ва таклифларни мунтазам киритиш;

в) Умуммиллий ҳаракат раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан, ҳудудий бўлинмалар раҳбарларини халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари орасидан сайлаш, улар бир вақтнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг маслаҳатчиси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳукумат қарорини қабул қилсин.

26. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ва «Тараққиёт стратегияси» маркази билан биргаликда:

Давлат дастури амалга оширилишининг боришини тизимли мониторинг қилиш, уни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда умумлаштириш ҳамда яқунларини аниқ кўрсаткичлар ва эришилган ижобий ўзгаришларни акс эттирган ҳолда ўз веб-сайтларида жойлаштириш;

мониторинг натижалари тўғрисидаги ахборотни ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

Давлат дастурини амалга ошириш яқунларига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларни тайёрлаш, уларни хорижий тилларда эълон қилиш ва кенг тарқатишни таъминласин.

27. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Халқаро пресс-клуб, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан яқин ҳамкорликда:

ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида кенг тушунтирилишини;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ҳолис ва тўлиқ маълумотнинг кенг жамоатчиликка тезкорлик билан етказилишини таъминласин.

28. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фар-

мондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

29. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчилари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 17 январь,
ПФ-5635-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

42 Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида*

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг таркибий тузилмаси 1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) бошқарув ходимлари чекланган сони 432 нафар, шу жумладан Агентлик марказий аппарати — 109 нафар этиб белгилансин.

Агентлик директориға қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 январда эълон қилинган.

** 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

зарур ҳолларда, бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида Агентлик марказий аппаратининг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари тузилмаларини тасдиқлаш;

Агентлик ҳудудий бошқармаларининг бошқарув ходимлари чекланган сонини тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси (кейинги ўринларида — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан Агентликнинг бошқарув ходимлари мутахассисларининг қўшимча штат бирликларини киритиш;

маҳаллий ва хорижий малакали мутахассисларни ходимлар ва маслаҳатчилар сифатида, уларга истисно тариқасида Жамғарма маблағлари ҳисобидан иш ҳақи ва бошқа тўловларни белгилаган ҳолда жалб қилиш;

Жамғарма маблағлари ҳисобидан Агентлик ходимларига асосий эгаллаб турган лавозимлари бўйича лавозим маошлари (тариф ставкалари)га, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан қатъи назар, устама ва бошқа рағбатлантирувчи тўловларни белгилаш;

Агентликка юклатилган вазифаларни бажариш учун шартнома асосида жалб этиладиган малакали хорижий мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини халқаро амалиёт ва бозор шароитларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Агентликнинг марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармаларини таъминлаш бўйича харажатларнинг молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

4. Белгилансинки:

а) Агентлик:

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг (кейинги ўринларида — Давлат рақобат қўмитаси) барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва давлат, шу жумладан чет элдаги активларини бошқариш, хусусийлаштириш тадбирларини амалга ошириш (шу жумладан давлат улушларини сотиш), давлат активларини ижарага бериш, хўжалик жамиятларида корпоратив бошқарувни жорий этиш, иқтисодий ночор хўжалик жамиятларини молиявий соғломлаштириш, банкротлик, баҳолаш фаолиятида давлат томонидан тартибга солиш ва мулкни баҳолаш стандартларини тасдиқлаш бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

«Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази» ДУКнинг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

ўз ваколатларини мустақил равишда ва барча давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда олиб бора-

ди ҳамда ўз фаолиятида бевосита Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди ва ҳисобот беради;

давлат активларини бошқариш соҳасида вазирликлар ва идоралар, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ хўжалик жамиятларининг устав капиталида ўзига берилган давлат акция пакетлари (улуш) бўйича акциядор (таъсисчи ва иштирокчи) ҳуқуқини амалга оширади;

Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари томонидан савдоларга қўйилган объектлар бўйича сотувчи функциясини бажаради. Бунда Давлат рақобат қўмитаси қайта ташкил этилиши муносабати билан савдо шартлари ва турлари ўзгаришсиз қолдирилади, объектларни савдодан ечиш, қайта баҳолаш ва қайтадан савдога қўйиш талаб этилмайди;

давлат улуши иштирокидаги хўжалик жамиятларининг (кейинги ўринларда — хўжалик жамиятлари) жорий фаолиятига аралашмаган ҳолда ўзига юклатилган вазифаларни фақат корпоратив бошқарув усуллари қўлланган ҳолда бажарилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасига ҳар йили ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 октябридан кечиктирмай Агентлик фаолияти, шу жумладан хўжалик жамиятлари фаолиятида стратегик ўзгаришлар натижалари тўғрисида ҳисобот тақдим этади;

б) Агентлик директори, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади, мақоми, тиббий ва транспорт хизмат кўрсатиш шароитлари бўйича тегишли равишда вазир, вазирнинг биринчи ўринбосари ва вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

в) Агентлик директори, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари ва Агентлик ходимлари белгиланган тартибда хўжалик жамиятлари кузатув кенгаши аъзолигига сайланиш ҳуқуқига эгадирлар;

г) Агентликнинг ҳудудий бошқармалари раҳбарларини лавозимга тайинлаш Агентликнинг директори томонидан тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

д) Агентлик ходимларига тугатилаётган Давлат рақобат қўмитаси ходимлари учун назарда тутилган тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби сақлаб қолинади;

е) Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторини Агентликда қўллашда таълим даражаси минимал қисми бўйича хорижий олий таълим муассасаларини тамомлаган тегишли йўналишдаги мутахассисларга нисбатан ишга қабул қилишда, ишчилар касблари бўйича малака даражаларини белгилашда, истисно тариқасида, тавсиявий хусусиятга эга;

ж) Давлат рақобат қўмитаси қайта ташкил қилиниши муносабати би-

лан у ва унинг ҳудудий органлари томонидан аввал берилган лицензиялар, ҳуқуқ берувчи, рухсатнома ҳужжатлари ва илгари улар томонидан қабул қилинган қарорлар ўз кучини сақлаб қолади ва уларни бекор қилиш ёки ўзгартириш талаб этилмайди.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

2019 йилнинг 1 апрелидан ҳўжалик жамиятларининг кузатув кенгаши (банклар кенгаши) таркиби ва ижроия органи аъзоларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқлаш, шунингдек уларни давлат органларининг раҳбарлари ёки раҳбар ўринбосарларига тенглаштириш амалиёти бекор қилинади;

2019 йил 1 июлидан бошлаб давлат органларининг раҳбарлари ёки раҳбар ўринбосарлари, Агентлик бундан мустасно, уларда корпоратив бошқарув малака аттестати мавжуд бўлганда давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгаши аъзолигига давлат улуши бўйича сайланишлари мумкин;

ҳўжалик жамиятлари кузатув кенгаши (банклар кенгаши) таркиби давлат органлари, ташкилотлар ёки уларнинг мансабдор шахслари билан келишилмасдан акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади;

ҳўжалик жамиятининг ижро органи (раҳбар ва раҳбар ўринбосарлари) танлов асосида юқори малакали, шу жумладан хорижий мутахассислар орасидан танлаб олинади ва давлат органлари, ташкилотлар ёки уларнинг мансабдор шахслари билан келишилмасдан акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши қарори билан тайинланади;

келгусида ҳўжалик жамиятлари устав капиталида шаклланадиган давлат органлари ва муассасалари томонидан акциядор (таъсисчи) ҳуқуқлари амалга ошириладиган давлат улуши Давлат активларини бошқариш агентлигига берилади;

илгари давлат акцияларини ишончли бошқарувга инвестиция активлари бўйича ишончли бошқарувчиларга бериш бўйича тузилган битимлар уларнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар илгари имзоланган шартлар асосида Агентлик томонидан қўшимча битимларни тузиш йўли билан қайта расмийлаштирилади;

ҳўжалик жамиятлари иш ҳақи миқдорини, бошқарув ва техник ходимлар бирлигини, автотранспорт воситалари сонини белгилаш ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳўжалик бошқаруви органлари учун алоҳида тартиб ўрнатилган масалалар бўйича қарорларни мустақил равишда қабул қилади.

6. Ҳўжалик жамиятларининг устав капиталидаги давлат улушлари 3-иловага* мувофиқ Агентликка берилсин.

Агентлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда давлат улуши мавжуд ҳўжалик жамиятларини хатловдан ўтказсин.

Белгилансинки, хатлов натижасида аниқланадиган ва мазкур қарорнинг 3-илласига киритилмаган, акциядорнинг (таъсисчининг) ҳуқуқлари давлат органлари ва муассасалари томонидан амалга ошириладиган ҳўжалик жамиятлари устав капитали (фонди)даги давлат улуши Агентликка берилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ушбу қарор ижросини таъминлаш доирасида 2019 йилга мўлжалланган Агентлик харажатлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида маблағ ажратсин ва 2020 йилдан бошлаб зарур бюджет маблағларини кўзда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йил учун тасдиқланган харажатлар параметрларига ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб тегишли ўзгартиришлар киритсин;

Агентликка хизмат автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун зарур маблағларнинг ажратилишини таъминласин ва 12 та, шу жумладан 9 та шахсий бириктирилган хизмат енгил автомобилларини сақлашга лимит белгиласин;

Агентликнинг асосланган ҳисоб-китобларидан келиб чиқиб, маъмурий биноларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини шакллантириш мақсадида зарурий жиҳозлар ва ахборот-коммуникация технологияларини харид қилиш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

9. Агентлик икки ой муддатда «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази» ДУКнинг белгиланган тартибда Агентлик таркибига қўшилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Агентликни телефон алоқаси, жумладан ҳукумат алоқаси билан белгиланган тартибда таъминласин.

11. Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Давлат рақобат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органларининг тугатилиши муносабати билан тегишлилиги бўйича давлат божлари ва бошқа турдаги йиғимларни ундирмаган ҳолда:

Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармаларига кўчмас мулк ва бошқа мулк объектларига ҳуқуқнинг қайта рўйхатдан ўтказилишини;

Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари тасарруфига ўтадиган автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида қайта рўйхатдан ўтказилишини;

давлат акция пакетлари (улушлари) бўйича акциядор (таъсисчи ва қатнашчи) функция ва ҳуқуқлари Агентликка ўтганлиги муносабати билан хўжалик жамиятлари таъсис ҳужжатларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

12. Агентлик Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига киритилсин.

13. Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ўзига юклатилган ваколатларга мувофиқ судларга кўриб чиқиши учун киритиладиган даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинсин.

14. Агентлик Тошкент шаҳри, А. Темур кўчаси, 6-уй манзилига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда Агентликнинг ҳудудий бошқармаларини тугатилган Давлат рақобат қўмитаси ҳудудий органларининг ҳозирги жойлашуви бўйича биноларига жойлаштирилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига Агентлик, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда давлат активларини тадбиркорларга сотиш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўламини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

16. Агентлик Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

а) 2019 йил 1 апрелга қадар:

хўжалик жамиятларининг кузатув кенгашлари ва ижро органларининг аъзоларини тасдиқлаш, шунингдек ижро органларининг аъзоларини давлат органларининг раҳбарлари ёки раҳбар ўринбосарларига тенглаштириш тўғрисида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш бўйича таклифларни;

илғор хорижий амалиётни ҳисобга олган ҳолда, давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятига кузатув кенгашлари ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини оширишни, корпоратив бошқарувнинг халқаро тамойилларини назарда тутувчи корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш бўйича «Йўл харитаси»ни;

б) икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида қарор лойиҳасини;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 январь,
ПҚ-4112-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**43 Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича
қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда
бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида***

Мамлакатда ёғ-мой тармоғини ривожлантириш, аҳоли эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш мақсадида ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ва тайёр маҳсулотлар ассортиментларини кўпайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ҳақиқий ҳолат шуни кўрсатадики, ёғ-мой тармоғини бошқаришнинг ягона тизимининг йўлга қўйилмаганлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини назорат қилиш механизмнинг самарасизлиги билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги илғор технологияларни ўзлаштиришга, инвестицияларни жалб қилиш ва тармоқнинг жадал ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Хом ашё базасининг чегараланганлиги оқибатида тармоқ корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 50 фоиздан ошмайди, бу давлат иштирокидаги ёғ-мой корхоналар фаолиятининг самардорлиги ва рақобатбардошлигининг пасайишига олиб келмоқда.

Иқтисодиётда давлатнинг иштирокини янада қисқартириш, республика ёғ-мой тармоғининг инвестициявий жозибadorлигини ошириш ва соҳага замонавий технологияларни жорий қилиш учун шароит яратиш мақсадида:

1. Ёғ-мой саноати корхоналари, «Ўзпахтаёғ» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик):

«Ўзпахтаёғ» АЖ негизида Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасини (кейинги ўринларда — «Ўзёғмойсаноат» уюшмаси) ташкил этиш ҳамда унга «Ўзпахтаёғ» АЖга тегишли бўлган мол-мулк ва бошқа маблағларни, шунингдек дебитор ва кредитор қарздорликларни ўтказиш, «Ўзпахтаёғ» АЖга тегишли хўжалик жамиятларининг устав капиталидаги кўчмас мулк ва акциялар пакети (улуши) бундан мустасно;

хўжалик жамиятларининг устав капиталидаги «Ўзпахтаёғ» АЖнинг акциялар пакети (улуши)ни 1-иловага** мувофиқ Агентликка ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

ихтиёрий равишда аъзо бўлган ёғ-мой саноати корхоналари ва ташкилотлари «Ўзёғмойсаноат» уюшмаси аъзолари ҳисобланади;

«Ўзёғмойсаноат» уюшмаси ижро аппаратининг тузилмасини тасдиқлаш унинг таъсисчиларининг умумий йиғилиши қарори билан амалга оширилади;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 январда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Ўзғойсаноат» уюшмаси раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг тақдимномасига асосан унинг таъсисчиларининг умумий йиғилиши қарори билан сайланади;

«Ўзғойсаноат» уюшмаси фаолиятини жорий таъминлаш ва молиялаштириш унинг аъзоларининг бадаллари ва ажратмалари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

3. «Ўзғойсаноат» уюшмасининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

ёғ-мой хом ашёларини қайта ишлаш ва ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича ягона комплекс сифатида ёғ-мой саноатини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, шунингдек замонавий бозор муносабатларини тармоққа кенг жорий қилиш;

«Ўзғойсаноат» уюшмаси аъзо — ташкилотларининг ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ички ва ташки бозорда маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш, тармоқни ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, хом ашёни чуқур қайта ишлашда ва сифатли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, озуқасиз базасини кенгайтириш, ички бозорни ёғ-мой маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашда тармоқ корхоналарига кўмаклашиш;

ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича илғор хорижий тажрибани ҳар томонлама ўрганиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашда, юқори унумли замонавий инновацион технологияларни жорий этишда, мазкур мақсадлар учун инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этишда тармоқ корхоналарига кўмаклашиш;

ёғ-мой тармоғининг стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимларини халқаро талаблар ва стандартларга уйғунлаштириш орқали уни такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш;

хом ашё базасини ривожлантириш ҳамда ёғ-мой тармоғи ташкилотларининг мойли ўсимлик уруғларини етиштирувчилар билан ўзаро муносабатлари механизмини такомиллаштириш;

ёғ-мой саноати соҳасида кадрларни тайёрлашга бўлган реал эҳтиёжни ва истиқболли йўналишларни аниқлаш, мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларини такомиллаштиришда иштирок этиш, мазкур соҳада илмий-тадқиқот ишларини чуқурлаштириш;

тармоқни жадал ривожлантириш ва ёғ-мой саноатининг барқарор фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилаётган тизимли муаммоларни таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш, шунингдек мазкур соҳадаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

4. Белгилансинки, 2022 йил 1 январга қадар:

«Ўзғойсаноат» уюшмаси мол-мулк солиғи ва юридик шахслардан олинган фойда солиғи тўлашдан озод этилади;

ташкилотларнинг шартномалар асосида «Ўзғойсаноат» уюшмасига

ажратмалари юридик шахслар фойда солиғининг солиққа тортиладиган базасидан чиқарилади.

5. «Ўзёғмойсаноат» уюшмаси таркибига кирадиган ташкилотлар 2021 йил 1 январга қадар:

ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш мақсадида импорт қилинадиган ёғ-мой хом ашёлари ҳажми ТИФ ТН кодлари 1201 — 1207 гуруҳи (соя дуккаги, кунгабоқар ва бошқа мойли ўсимликлар уруғлари) бўйича божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно);

ўсимлик ёғи ишлаб чиқарувчилар импорт қилинган ёғ-мой хом ашёлари ҳисобидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмлари бўйича қўшимча қиймат солиғи тўловидан озод қилинсин.

6. «Ўзёғмойсаноат» уюшмаси таркибига кирадиган ёғ-мой саноати корхоналарига 2022 йил 1 январга қадар республикада ишлаб чиқарилмайдиган, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ТИФ ТН кодлари 2815, 3802, 3815 гуруҳи бўйича ускуналар, бутловчи буюмлар, материаллар (каустик сода, активлаштирилган табиий минерал маҳсулотлар ва катализаторлар) импортида божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб қўшилган қиймат солиғини тўлашни 90 кунга кечиктириш имконияти берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси икки ой муддатда қўшилган қиймат солиғини тўлашни кечиктириш бўйича қарздорлик суммасини қўшилган қиймат солиғи юзасидан умумий ҳисоб-китобда ёпишни назарда тутувчи «Ўзёғмойсаноат» уюшмаси таркибига кирадиган ёғ-мой саноати корхоналарга қўшилган қиймат солиғини тўлаш бўйича кечиктириш бериш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов бир ой муддатда:

а) қуйидагиларни назарда тутувчи Ёғ-мой саноатида амалдаги ишлаб чиқаришларни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ва янгиларини ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан «Йўл харитаси»ни тасдиқласин:

амалдаги ишлаб чиқаришларни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ва янгиларини ташкил этиш бўйича 150,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 37 та инвестиция лойиҳаларини 2019-2020 йилларда амалга ошириш;

тайёр ўсимлик ёғи импортини босқичма-босқич қисқартириш билан бир вақтда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни 90 фоизгача етказиш ва юқори қўшилган қийматли ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида ёғ-мой хом ашёлари олиб кириш ҳажмларини кўпайтириш;

2021 йилга қадар республикада муқобил мойли ўсимликлар етиштириш ҳажмларини кўпайтириш ҳисобига ёғ-мой хом ашёлари жамғариш миқдорини 100 минг тоннага етказиш;

2021 йилга қадар ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ҳажмларини 400 минг тоннагача етказиш;

лойиҳа қиймати 100 млн. АҚШ доллари бўлган истиқболли инвестиция

лойиҳаларини амалга ҳамкорликда ошириш учун хорижий инвесторларни жалб қилиш;

б) нархлар барқарорлигини ва ички бозорнинг ёғ-мой маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини бир маромда таъминлаш мақсадида 50 минг тонна ҳажмли замонавий ёғ-мой хом ашёлари сақлаш сифмларини ташкил қилиш бўйича «Йўл харитаси»ни тасдиқласин.

8. Агентлик 2019 йил 1 сентябрга қадар бўлган муддатда сотиладиган акция пакетлари (улушлари)ни баҳолаш жараёнларининг шаффофлигини, уларнинг бошланғич нархини, шунингдек савдони ташкил этиш ва ўтказиш шартларини таъминлаган ҳолда ушбу қарорнинг 1-иловасига мувофиқ ўтказиладиган хўжалик жамиятларининг устав капиталидаги давлат акция пакетлари (улушлари)ни белгиланган тартибда сотиш чораларини кўрсин.

9. Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси «Ўзёғмойсаноат» уюшмаси ва Агентлик билан биргаликда ёғ-мой тармоғига корхоналарнинг узлуксиз ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш учун етарли хом ашё базасига эга бўлган хорижий инвесторларни ва етакчи ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги:

Агентлик, «Ўзёғмойсаноат» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда устав жамғармасида давлат улуши мавжуд бўлган ёғ-мой тармоғи корхоналарининг бўш турган ер участкаларини инвентаризациядан ўтказсин ва уларни ихтисослашган кичик саноат зоналарини ташкил этиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари захирасига ўтказиш бўйича таклиф киритсин;

икки ой муддатда ушбу қарорнинг 2-иловасида* кўрсатилган ёғ-мой корхоналарининг бўшайдиган ҳудудларида ихтисослашган кичик саноат зоналарини ташкил қилиш бўйича таклиф киритсин.

11. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмуродовга — ёғ-мой тармоғига корхоналарнинг узлуксиз ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш учун етарли хом ашё базасига эга бўлган хорижий инвесторларни ва етакчи ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини жалб қилиш;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Б.Т. Юсуповга — фермер хўжаликлари томонидан соя ва муқобил мойли ўсимликлар уруғларини етиштиришни ташкил қилиш чораларини кўриш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга ҳар томонлама қўмаклашиш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

«Ўзёғмойсаноат» уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мавжуд хом ашё ресурсларидан, инфратузилмалар, меҳнат ресурслари ва бозор эҳтиёжидан ҳамда ҳудуддаги мавжуд қувватлардан келиб чиққан ҳолда ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни лойиҳа-

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лаштиришда тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатсин.

12. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига «Ўзёғмойсаноат» уюшмаси билан ҳамкорликда ёғ-мой саноати тармоғида амалга оширилаётган ислохотларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ёритиб бориш тавсия қилинсин.

13. «Ўзёғмойсаноат» уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қишлоқ хўжалик вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда ёғ-мой саноати тармоғи кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича илмий-амалий марказни ташкил этиш чораларини кўрсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда «Ўзёғмойсаноат» уюшмаси зиммасига юкланган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажаришда амалий ёрдам кўрсатсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси «Ўзёғмойсаноат» уюшмасини статистик маълумотларни мажбурий тарқатиш реестрига киритсин.

16. «Ўзёғмойсаноат» уюшмаси Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 8-уй манзили бўйича бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Ўзёғмойсаноат» уюшмаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосарлари Б.М. Мавлонов ва Г.К. Саидова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 январь,
ПҚ-4118-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**44****Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Таълим сифатини назорат қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5538-сон Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда — Давлат инспекцияси) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 1 мартдан бошлаб хорижий давлатларда берилган таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификация қилиш (эквивалентлигини қайд этиш) тартибини жорий этиш бўйича куйидагиларни назарда тутувчи:

а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алоҳида бўлинмалари (филиаллари) ва қўшма таълим муассасалари фаолият юритаётган хорижий таълим муассасаларида таълим олган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг (кейинги ўринларда — фуқаролар);

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат инспекциясининг қўшма қарори билан рўйхати ҳар йили тасдиқланадиган халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education, Academic Ranking of World Universities) рейтингда олий таълим муассасалари орасида биринчи 1 000 ўринни эгаллаган хорижий олий таълим муассасаларида таълим олган фуқароларнинг;

тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган Ўзбекистон Республикаси вазирлик ва идораларининг йўлланмалари асосида мутахассисларни мақсадли тайёрлаш учун хорижий давлатлар томонидан ажратилган квоталар (грантлар) ҳисобидан таълим олган фуқароларнинг;

1992 йил 1 январгача хорижий таълим муассасаларига ўқишга кирган фуқароларнинг;

Олий таълимда сифатни кафолатлаш Европа ассоциациясининг (European Association for Quality Assurance in Higher Education) тўлақонли аъзолари — ваколатли ташкилотлар томонидан аккредитация қилинган таълим муассасаларида таълим олган фуқароларнинг, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган йўналишлар, мутахассисликлар ва касблар бундан мустасно;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 17 январда эълон қилинган.

Америка Қўшма Штатлари, Австралия Иттифоқи, Исроил Давлати, Канада, Сингапур Республикаси, Корея Республикаси, Япония давлатларининг ушбу давлатлар ваколатли ташкилотлари томонидан аккредитация қилинган таълим муассасаларида таълим олган фуқароларнинг, рўяхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган йўналишлар, мутахассисликлар ва касблар бундан мустасно;

хорижий олий таълим муассасаларида мутахассисларни мақсадли тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикасининг вазирлик ва идоралари томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан таълим олган фуқароларнинг;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларини тўғридан-тўғри (махсус синовларсиз) тан олиш ва нострификация қилиш (эквивалентлигини қайд этиш);

б) таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификация қилиш (эквивалентлигини қайд этиш) тўғрисидаги аризаларни фақатгина Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Давлат инспекциясига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари рейтингини тузиш ва расман эълон қилиш;

ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш бўйича халқаро дастурлар ва тадқиқотларда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини таъминлаш;

дунёнинг етакчи рейтинг ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш ва миллий олий таълим муассасаларининг ушбу рейтингларга киришига ҳар томонлама қўмаклашиш.

3. Миллий олий таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш ҳамда ушбу муассасаларда кадрлар тайёрлаш сифатини, жумладан халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этиш орқали ошириш юзасидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритиб бориш учун масъул бўлган Давлат инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозими киритилсин.

Белгилансинки, Давлат инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади ҳамда мақоми, тиббий ва транспорт таъминоти шароитлари бўйича вазирнинг биринчи ўринбосарига тенглаштирилади.

4. Давлат инспекциясининг бошқарув ходимлари чекланган сони 108 нафардан иборат янгиланган ташкилий тузилмаси иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат инспекциясининг бошлиғига, зарур ҳолларда, ходимларнинг ўрнатилган чекланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Давлат инспекцияси тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

5. Давлат инспекцияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

таълим муассасаларининг рейтингини белгиловчи дунёнинг етакчи рейтинг ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатсин;

2019 йил 1 апрелга қадар илғор хорижий тажрибани ўрганиш натижаларига кўра, таълим муассасаларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2019 йил 1 июнга қадар таълим муассасалари, педагог ходимлар, таълим олувчилар, таълим-тарбия жараёни ва бошқа зарур ахборотлар тўғрисида ягона маълумотлар базасини шакллантиришни ўз ичига олган таълим сифатини таъминловчи ахборот тизимини жорий этиш бўйича таклифлар тайёрласин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Белгилансинки, 2019 йил 1 февралдан:

педагог кадрларга биринчи ва олий малака тоифаси, етакчи ва бош ўқитувчи лавозими бериш, шунингдек умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларида мазкур малака тоифасига ва лавозимига талабгорларга малака тоифасини беришда тўланадиган йиғимлардан тушадиган маблағнинг 50 фоизи Давлат инспекциясининг бюджетдан ташқари Ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади (кейинги ўринларда — Жамғарма);

Жамғармага тушадиган маблағларнинг 80 фоизгача бўлган миқдори Давлат инспекцияси бошлиғининг қарорига кўра, лавозим маошининг 200 фоизгача миқдорда ойлик устамалар тўлаш, моддий ёрдам кўрсатиш, хизмат вазифаларини виждонан ва ташаббускорлик билан бажарганлиги учун мукофот пули, шунингдек, мамлакат ичида ва ташқарисидаги хизмат сафарлари харажатларини тўлаш тарзида ходимларнинг моддий рағбатлантирилишига йўналтирилиши мумкин.

7. Давлат инспекциясига Жамғарманинг маблағлари ҳисобидан қуйидаги харажатларни тўлашга рухсат этилсин:

Давлат инспекциясига юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш доирасида давлат органлари ва ташкилотлари, илмий ва олий таълим муассасалари, етакчи халқаро ва хорижий ташкилотларнинг малакали мутахассислари, шу жумладан таълим соҳасидаги хорижий экспертлар ва хорижда яшаётган ватандошларни маслаҳатчилар сифатида жалб қилиш;

Давлат инспекцияси ходимларини илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасаларда, шу жумладан хорижда ўқитиш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш;

Давлат инспекцияси, унга идоровий мансуб ташкилотлар ва ҳудудий бўлимларининг фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва Давлат инспекцияси тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ Давлат инспекциясининг бино ва иншоотларини рекон-

струкция қилишни Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг келгу-си йиллардаги давлат дастурларига киритилишини таъминласин.

9. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимовга — юклатилган вазифаларнинг лозим даражада бажарилиши юзасидан вазирлик ва идораларни мувофиқлаштириш, шунингдек ушбу қарорнинг бажарилишини мунтазам кўриб чиқиш юзасидан;

Давлат инспекциясининг бошлиғи У.Н. Ташкенбаевга — мазкур қарорга мувофиқ жорий этиладиган хорижий мамлакатларда берилган таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификация қилиш (эквивалентлигини қайд этиш) тартибининг амалда рўёбга чиқарилишини таъминлаш, мазкур соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича сифатли ва пухта ишлаб чиқилган таклифларни киритиш юзасидан шахсан жавобгар эканликлари кўрсатиб ўтилсин.

10. Давлат инспекцияси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

а) қўйидаги бўйича янги йиғимлар миқдорларини тасдиқлаш:

хорижий мамлакатларда берилган таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификация қилиш (эквивалентлигини қайд этиш);

миллий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан берилган расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш;

б) қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 январь,
ПҚ-4119-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

45 **Франция ривожланиш агентлиги иштирокида «Иқтисодий бошқаришни яхшилаш дастури» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Макроиқтисодий барқарорлик, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларининг ижроси мустаҳкамлиги бўйича вазифаларни амалга ошириш, шунингдек янги иш ўринларини яратиш ҳамда ҳудудларнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини қўшимча молиялаштириш манбалари билан таъминлаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

Осиё тараққиёт банки кўмагида ишлаб чиқилган «Иқтисодий бошқаришни яхшилаш дастури» лойиҳасини амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси ва Франция ривожланиш агентлиги ўртасида (кейинги ўринларда — ФРА) бюджетни қўллаб-қувватлаш учун 150,0 миллион евро миқдориди олти йиллик имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда сўндириш муддати 20 йил бўлган Қарз битими имзоланган;

Ўзбекистон Республикасига ФРАнинг қарзи Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларини молиялаштириш учун тақдим этилади.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги лойиҳанинг амалга оширилишини умумий мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш, ФРА қарз маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

ФРА қарзини сўндириш, шунингдек қарз бўйича фоизлар, комиссиялар ва бошқа харажатларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. «Иқтисодий бошқаришни яхшилаш дастури» лойиҳасини амалга ошириш доирасида ФРА қарзини сўндириш ҳамда у бўйича фоизлар ва комиссияларни тўлаш прогноз жадвали иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси ва ФРА ўртасидаги қарз битими бўйича белгиланган тартибда юридик ҳулоса берсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 18 январда эълон қилинган.

** Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва С.Р. Холмуродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 17 январь,
ПҚ-4123-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**46 Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини
янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Республикада тоғ-кон ва қайта ишлаш корхоналари қувватларини ошириш мақсадида минерал-хом ашё базасидан фойдаланиш ва қайта ишлаш самарадорлигини ошириш, инвестицияларни фаол жалб этиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Кон-металлургия тармоғининг йирик корхоналари — «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК (кейинги ўринларда — «Навоий КМК» ДК), «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ (кейинги ўринларда — «Олмалик КМК» АЖ) ва «Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖда стратегик турдаги маҳсулотлар, жумладан олтин, кумуш, мис, рух ва пўлат прокати каби маҳсулотлар, шунингдек 20 дан ортиқ турдаги бошқа саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Сўнгги икки йил давомида кон-металлургия тармоғининг йирик корхоналарини жадал ривожлантириш, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган узоқ муддатли дастурлар қабул қилинди. 2026 йилгача «Навоий КМК» ДКда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 30 фоизга, «Олмалик КМК» АЖга 2,9 млрд. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этиш ва 2023 йилгача мис ишлаб чиқариш ҳажмини 28 фоизга, рух ишлаб чиқариш ҳажмини 75 фоизга ошириш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, кон-металлургия тармоғининг йирик корхоналаридаги мавжуд бошқарув тузилмаси, фойдали қазилмалар захираларининг ҳисобини юритиш ва баҳолаш услублари, молиявий ҳисоботларнинг эскирган шакл-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 18 январда эълон қилинган.

лари ишлаб чиқаришнинг ўсишига ва инвестициявий жозибадорликнинг ошишига тўсқинлик қилмоқда.

Кон-металлургия тармоғининг йирик корхоналари рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида инвестицияларни жалб этишга қўшимча шароитлар яратиш, шунингдек 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Белгилансинки, кон-металлургия тармоғининг йирик корхоналари:

а) 2019 йил якунидан бошлаб:

молиявий ҳисоботларни мажбурий тартибда молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида тузади ва халқаро аудиторлик компанияларини жалб этган ҳолда мустақил ташқи аудитни ўтказди;

активларни сотиш рентабеллиги, актив ва мажбуриятларнинг айланиши, шунингдек халқаро фонд биржалари ва молия институтлари талабларига асосан белгиланадиган бошқа кўрсаткичлар даражаси бўйича минимал талабларни амалиётга жорий қилади;

б) 2020 йил якунидан бошлаб:

Ҳисоб ва ҳисобот бўйича халқаро стандартлар (ISAR) принциплари ва талаблари асосида корпоратив ошкораликни татбиқ этади;

Глобал ташаббускорлик ҳисоботи (GRI) мувофиқ ҳисоботларни, шу жумладан иқтисодий, ижтимоий ва экологик масалалар бўйича чоп этади.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг уран қазиб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича давлат корхонасини ҳамда қимматбаҳо металллар қазиб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича акциядорлик жамияти шаклидаги корхонани ташкил этиш орқали «Навоий КМК» ДКни қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Кон-металлургия тармоғини ислоҳ қилиш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Қуйидагилар Республика комиссиясининг (А.Н. Арипов) асосий вазифалари этиб белгилансин:

а) 2019 йил 1 мартга қадар «Навоий КМК» ДКни қайта ташкил этиш ва корпоратив бошқаришнинг замонавий усуллари татбиқ этиш, шунингдек мазкур қарорда назарда тутилган талабларни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»ни тасдиқлаш;

б) кон-металлургия тармоғининг йирик корхоналарини ривожлантириш, модернизация қилиш ва ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришнинг узоқ муддатли дастурларини жадал амалга ошириш бўйича вазирликлар, идоралар ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

в) 2019 йил 1 майга қадар кон-металлургия тармоғининг йирик корхоналарига берилган солиқ ва божхона имтиёзларини қайта кўриб чиқиш ва унификация қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

г) 2019 йил 1 июлга қадар халқаро молия институтлари ва консалтинг

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ташкilotларини жалб этган ҳолда қўйидагиларнинг акцияларини маҳаллий ва халқаро фонд бозорларида оммавий равишда бирламчи ва иккиламчи жойлаштириш орқали инвесторларни жалб этишни назарда тутувчи Кон-металлургия тармоғининг йирик корхоналарини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш:

«Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ — 2022 йилда;

«Олмалик КМК» АЖ — 2023 йилда;

акциядорлик жамияти этиб қайта ташкил этиладиган «Навоий КМК» ДК — 2023 йилда;

д) 2019 йил 1 декабрга қадар «Навоий КМК» ДКни қайта ташкил этиш билан боғлиқ жараёнларни яқунлаш ҳамда янги ташкил этиладиган акциядорлик жамиятидаги давлат улушини профессионал бошқарув компанияларига танлов асосида ишончли бошқарувга бериш бўйича таклиф киритиш.

Республика комиссияси аъзоларига мазкур қарорда белгиланган тадбирларнинг самарали бажарилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

4. «Навоий КМК» ДК Кузатув кенгаши:

а) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) билан биргаликда:

бир ой муддатда халқаро маслаҳатчи ва экспертларни жалб этган ҳолда «Навоий КМК» ДК мулкларини инвентаризация қилиш бўйича комиссия ва «Навоий КМК» ДК тизимида қирувчи алоҳида таркибий бўлинмалар бўйича ишчи гуруҳларни шакллантирсин, уларнинг вазифалари сифатида «Навоий КМК» ДКнинг барча актив ва мажбуриятларини инвентаризациядан ўтказиш, шунингдек «Навоий КМК» ДК Кузатув кенгашига ва Агентликка 2019 йил 1 майга қадар муддатда ишчи гуруҳларнинг оралиқ ҳисоботларини ҳамда 2019 йил 1 июлга қадар ишчи гуруҳлар ва комиссиянинг якуний ҳисоботини тақдим этишни белгиласин;

инвентаризация яқунлари бўйича икки ой муддатда халқаро амалиётда умумэътироф этилган услублар асосида «Навоий КМК» ДКнинг ишлаб чиқариш ва бошқа активлари қийматини баҳолаш, шунингдек «Навоий КМК» ДК меҳнат жамоаси яшаши учун зарур шароитлар яратилишини ва уларга хизмат кўрсатилишини таъминлаган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этмайдиган инфратузилма, ижтимоий ва бошқа ихтисослашмаган объектларни хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш ва ихтисослашган давлат ташкilotларига топшириш орқали улардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар киритсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 мартга қадар халқаро маслаҳатчи ва экспертларни жалб қилган ҳолда «Навоий КМК» ДКнинг балансида бўлган ва захиралари Қидирув натижалари, минерал ресурслар ва руда захиралари ҳисоботи Австралия кодекси (JORC Code) стандартларига мувофиқ қайта баҳоланадиган конлар рўйхатини тасдиқласин;

в) 2019 йил 1 майга қадар «Навоий КМК» ДКнинг Кузатув кенгаши таркибига етарли тажриба ва малакага эга бўлган мутахассисларни жалб этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда кон-металлургия тармоғи йирик корхоналарининг режим-махфий бўлимлари ходимларининг штат бирликларини оптималлаштиришни назарда тутувчи ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган олтин ҳажмлари кўрсаткичлари билан боғлиқ махфийлик режимини бекор қилиш чораларини кўрсин.

6. Белгилансинки, кон-металлургия тармоғи йирик корхоналарининг оддий акциялари бўйича дивидендларни ҳисоблаш Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда белгиланадиган миқдорларда ҳар чоракда амалга оширилади.

7. Агентлик:

а) зарур бўлганда, мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, кон-металлургия соҳасидаги йирик корхоналарнинг давлат улушини ишончли бошқариш бўйича инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар билан аввал тузилган шартномаларнинг қайта кўриб чиқирилишини ҳамда қайта расмийлаштирилишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига портловчи моддаларни ҳамда уларни ишлаб чиқариш учун махсус материаллар ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланадиган давлат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш имкониятини кўзда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни;

2019 йил 30 августга қадар халқаро экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган «Давлат мулкни бошқариш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳасини киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва А.С. Султанов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 17 январь,
ПҚ-4124-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**47 Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик фаолиятини жадал ривожлантириш, нодавлат ташкилотлар томонидан суд-экспертлик фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш мақсадида, шунингдек 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг нодавлат суд-экспертиза ташкилотларини ташкил этишга рухсат бериш ва уларга 1-иловадаги** рўйхатга мувофиқ суд экспертизаларининг айрим турларини ўтказиш ҳуқуқини бериш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг суд экспертлари қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини пуллик асосда 2-иловага** мувофиқ давлат муассасаларида ўтайдилар;

суд экспертизаси соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини тамомлаган шахсларга уларнинг касбий лаёқатини ва суд экспертизасига тегишли ихтисослик бўйича қўйиладиган малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи суд эксперти сертификати берилади;

суд эксперти сертификатини олган шахслар ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштириладиган Ягона реестрга киритилади;

нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг суд эксперти томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда суд эксперти сертификатини олмасдан туриб суд экспертизаси ўтказилишига йўл қўйилмайди;

нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертизасини ўтказишда давлат суд-экспертиза муассасалари каби функцияларни амалга оширади, улар каби ҳуқуққа эга бўлади, мажбуриятларни бажаради ва жавобгар ҳисобланади;

суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) нодавлат суд-экспертиза ташкилоти томонидан ўтказилган суд экспертизаси ҳулосасига қўшилмаган тақдирда, такрорий суд экспертизаси фақат давлат суд-экспертиза муассасалари томонидан амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан унинг расмий веб-сайтида белгиланган тартибда жойлаштириладиган нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари рейтинги юритилади.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 19 январда эълон қилинган.

** 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3. 2019-2020 йилларда суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан пуллик хизматлар кўрсатишдан келиб тушадиган ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан Марказнинг янги бўлинмаларини ташкил этиш ва қўшимча штатлар бирлигини жорий қилиш;

Марказ томонидан бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматлар бўйича тарифлар, нархлар ва қийматларни мустақил равишда белгилаш ҳукуқи берилсин.

5. Давлат суд-экспертиза муассасалари ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари 2022 йил 1 январга қадар уларнинг фаолиятини таъминлаш учун четдан олиб келинадиган асбоб-ускуналар, реактивлар ва сарфлаш материаллари учун «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКнинг ижобий хулосаси олинган тақдирда божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод қилинсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Марказ ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра лавозим маошини белгилашда тариф коэффициентлари бир ярим баробар миқдорда қўлланилади;

ушбу бандда назарда тутилган тадбирлар билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Марказнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Марказга кўрсатилган пуллик хизматлардан Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасига тушадиган маблағларнинг 50 фоизигача бўлган қисмини Марказ ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш тадбирлари учун йўналтиришга рухсат берилсин.

7. Илмий тадқиқотлар натижаларини суд-экспертлик фаолиятига татбиқ этиш, суд экспертизаларини ўтказиш услубиётини такомиллаштириш, давлат суд-экспертиза муассасаларининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналиши этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг илмий-тадқиқот муассасалари ва олий таълим муассасалари Марказнинг тегишли бўлим ва лабораторияларига 4-иловага* мувофиқ бириктирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Марказга малакали мутахассислар орасидан суд экспертларини танлаб олишда кўмаклашсин.

8. Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 мартга қадар Марказнинг ихтисослаштирил-

* 3-4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ган янги биноси белгиланган тартибда фойдаланишга қабул қилинишини таъминласин.

9. Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи органлар ходимлари суд экспертнинг мустақиллиги тамойилларига сўзсиз риоя қилишлари ҳамда суд экспертларининг профессионал фаолиятига ҳар қандай кўринишларда, шу жумладан ортиқча бюрократик сансалорлик ҳолатларини юзага келтириш ва асоссиз чақирувлар орқали таъсир кўрсатишга йўл қўймаслик ҳақида қатъий огоҳлантирилсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 17 январь,
ПҚ-4125-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ****48 Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стан-
дарти (7-сонли БҲС) «Товар-моддий захиралар»ни
тасдиқлаш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3120*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республи-
касининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ва бюджет
ҳисобини давлат секторида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартла-
ри билан мувофиқлаштириш мақсадида буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (7-сонли
БҲС) «Товар-моддий захиралар» иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ 2020 йил 1 январдан кучга кириди.

Вазир**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 12 декабрь,
151-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2018 йил 12 декабрдаги
151-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти
(7-сонли БҲС) «Товар-моддий захиралар»**

Мазкур Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (7-сон-
ли БҲС) «Товар-моддий захиралар» (бундан буён матнда Стандарт деб юри-
тилади) Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ва Ўзбекистон Рес-
публикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ бюд-
жет ташкилотлари, давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан
ташқари жамғармаларининг (бундан буён матнда ташкилотлар деб юрити-
лади) товар-моддий захиралари ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 январда
эълон қилинган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Стандартда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

жорий тикланиш қиймати — ташкилот томонидан активни харид қилиш натижасида ҳисобот даврида юзага келадиган харажатлар;

товар-моддий захиралар — ташкилотларда ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган хом ашё ва материаллар, уларнинг доимий фаолияти давомида фойдаланиш ёки сотиш учун мўлжалланган ёки сотиш ёки тақсимлаш учун ишлаб чиқарилган активлар кўринишида бўлади;

реализация қилишнинг соф қиймати — одатий фаолият жараёнида кутилаётган сотиш қийматидан ишлаб чиқариш якуни бўйича ҳамда сотиш, алмаштириш ёки бериш билан боғлиқ харажатларни чегирган ҳолда аниқланадиган қиймат.

2. Ҳисоблаш методи асосида молиявий ҳисоботларни тузувчи ва тақдим қилувчи ташкилотлар товар-моддий захиралар ҳисобини юритишда мазкур Стандартдан фойдаланади.

3. Товар-моддий захираларни ҳисобга олишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

барча моддий қимматликларнинг бутлигини таъминлаш ҳамда ишлатилиши ва тўғри фойдаланилиши устидан назорат ўрнатиш;

захиралар ва харажатларнинг белгиланган меъёрларини кузатиб бориш; реализация қилиниши лозим бўлган, фойдаланилмайдиган материалларни ўз вақтида аниқлаш;

ташкилот омборларида мавжуд бўлган қолдиқлар ҳақида аниқ маълумотлар олиш ва бошқалар.

4. Товар-моддий захираларни қабул қилиш, сақлаш ва топшириш жавобгарлиги ташкилот раҳбарининг буйруғи билан тайинланган моддий жавобгар шахсларга юклатилади. Моддий жавобгар шахсларнинг алмашилиши товар-моддий захираларнинг инвентаризацияси ва ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланадиган қабул қилиш-топшириш далолатномаларини тузиш билан амалга оширилади. Товар-моддий захираларни сақлаш жойлари тош-тарозу жиҳозлари, ўлчов асбоблари, ўлчов идишлари ва бошқа назорат мосламалари билан таъминланиши лозим.

2-боб. Товар-моддий захиралари турлари

5. Товар-моддий захиралар ташкилотлар томонидан сотиб олинган ёки қайта сотиш учун мўлжалланган товарлар ва бошқа мол-мулкларни ўз ичига олади.

6. Товар-моддий захиралар қуйидаги кўринишда бўлади:

озик-овқат маҳсулотлари;

хизмат кўрсатиш ва қурилиш материаллари;

ҳарбий қурол-аслаҳалар;

асосий воситалар учун эҳтиёт қисмлари;

стратегик захиралар (масалан, энергия ресурс захиралари);

муомалага чиқарилмаган пул белгилари;

сотиш учун мўлжалланган почта инвентарлари;
тугалланмаган ишлаб чиқариш, шу жумладан ўқув ва таълим материаллари ҳамда ташкилот томонидан кўрсатиладиган хизматлар (масалан, аудиоторлик текшируви);

сотиш учун мўлжалланган ер ёки мол-мулклар. Бунда узоқ муддатли активлар (ер, бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари, мулкӣ (мутлак) ҳуқуқлар ва бошқалар) кейинчалик сотиш ёки қайта сотиш мақсадида харид қилинган ҳолларда товар бўлиб ҳисобланади;

маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш, маъмурий ва бошқа эҳтиёжлар учун мўлжалланган хом ашё ва материал захиралар, харид қилинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, ёқилғи ва ёнилғилар, тара ва тарабоп материаллар, инвентар ва хўжалик жиҳозлари, эҳтиёт қисмлар ва бошқа материаллар;

қайта ишланаётган ва йиғилаётган деталлар, узеллар, тугалланмаган технологик жараёнлар ва маҳсулотлар кўринишидаги тугалланмаган ишлаб чиқаришлар;

ташкилотда тайёрланган тайёр маҳсулотлар.

7. Ташкилотлар фавқулодда ёки бошқа вазиятларда (мисол учун табиий офатлар ёки фуқаро химояси билан боғлиқ бўлган фавқулоддаги ҳаракатлар) фойдаланиладиган энергия ресурслар (мисол учун нефть) каби турли ресурсларнинг стратегик захираларини сақласалар, ушбу захиралар товар-моддий захира сифатида тан олинади ва мазкур Стандартга мувофиқ равишда ҳисобга олинади.

8. Товар-моддий захиралар қуйидагилар натижасида ташкилотга кириш қилинади:

етказиб бериш (олди-сотди) шартномаси бўйича харид қилиниши;

беғараз келиб тушиши (ҳадя шартномаси бўйича);

узоқ муддатли активлар таркибидан ўтказилиши;

ортиқча (ҳисобга олинмаган) товар-моддий захираларни аниқланиши;

ташкилотнинг ўзида тайёрланиши;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

3-боб. Товар-моддий захираларни баҳолаш

1-§. Товар-моддий захиралар таннархи

9. Товар-моддий захиралар уларнинг таннархи ва реализация қилишнинг соф қийматлари асосида баҳоланади, бундан мазкур Стандартнинг 10 ва 11-бандлари мустасно.

10. Алмашув операцияси амалга оширилмасдан харид қилинган товар-моддий захиралар уларнинг сотиб олиш кундаги ҳақиқий қиймати билан баҳоланиши керак.

11. Товар-моддий захиралар беғараз ёки номинал қиймат бўйича бериш ёки маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланишга мўлжалланган бўлса, улар таннархи ва жорий тикланиш қийматларига нисбатан энг кичик қийматда баҳоланади.

12. Товар-моддий захираларнинг таннархи уларни сотиб олиш, қайта ишлаш ва жорий ҳолатига етказиш учун сарф қилинган барча бошқа харажатларини ўз ичига олади.

13. Товар-моддий захираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларни аниқлашда:

уларнинг харид қиймати;

божхона божлари ва бошқа солиқлар;

транспорт-тайёрлов харажатлари ва уларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлар ҳисобга олинади.

Бунда, савдо чегирмалари, қайтарилган тўловлар ва бошқа шу каби ҳолатлар ҳисобга олинмайди.

14. Инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча (ҳисобга олинмаган) товар-моддий захираларни баҳолаш улар аниқланган санадаги жорий қийматдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

15. Тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги товар-моддий захираларни тайёр маҳсулотнинг товар-моддий захиралари ҳолатига келтириш харажатлари ишлаб чиқариш соҳасига тааллуқли бўлади.

Товар-моддий захираларни қайта ишлаш харажатлари маҳсулот қиймати билан боғлиқ бўлган бевосита харажатларни ўз ичига олади (масалан, иш ҳақи тўловлари учун тўғридан-тўғри харажатлар). Шунингдек, уларга тайёр маҳсулот хом ашёсининг қайта ишлаш жараёнидаги доимий ва ўзгарувчан қўшимча ишлаб чиқариш харажатларининг тизимли тақсимоти киради.

Доимий қўшимча ишлаб чиқариш харажатларига ишлаб чиқариш кўла-мидан қатъи назар ўзгармайдиган билвосита ишлаб чиқариши харажатлари, амортизация, бино ва жиҳозларга хизмат кўрсатиш ҳамда маъмурий бошқарув харажатлари киради.

Ўзгарувчан қўшимча ишлаб чиқариш харажатларига ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига боғлиқ бўлган харажатлар киради (масалан, иш ҳақи тўловлари ва хом ашё билан боғлиқ билвосита харажатлар).

16. Қуйидагилар товар-моддий захиралар таннархидан чиқариб ташланадиган ва ўша давр харажати сифатида тан олинадиган харажатлар ҳисобланади:

а) хом ашё, бажарилган меҳнат ёки бошқа ишлаб чиқариш харажатларининг нормативлардан юқори сарфланиши;

б) сақлаш харажатлари, агарда улар ишлаб чиқариш жараёнида кейинги босқичга ўтиш учун зарур бўлмаса;

в) товар-моддий захираларнинг жорий жойлашган жойи ва жорий ҳолатига келтириш билан боғлиқ бўлмаган маъмурий қўшимча харажатлар;

г) реализация харажатлари.

17. Хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг товар-моддий захиралари ишлаб чиқариш қиймати бўйича баҳоланади.

Мазкур таннарх асосан хизмат кўрсатишда бевосита иштирок этувчи ходимлар, шунингдек назорат қилувчи ходимларнинг иш ҳақи харажатларини ҳамда бунга мувофиқ қўшимча харажатларни ўз ичига олади.

Бунда хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган иш ҳақи ҳисобга олинмайди. Сотиш ва умумий маъмурий персонал билан боғлиқ иш ҳақи ва бошқа

харажатлар товар-моддий захиралар таннархига қўшилмайди, балки ўша даврдаги харажатлар ҳисобланади.

Хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг товар-моддий захиралари таннархига кирувчи қўшилган маржа ёки алоқадор бўлмаган қўшимча харажатлар кирмайди.

18. Ташкилотнинг биологик активларидан фойдаланиши натижасида олган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўз таркибига олувчи товар-моддий захиралар дастлабки тан олинимида ҳосилни йиғиш даврида сотиш харажатлари чегирган ҳолда ҳақиқий нархи билан баҳоланади.

19. Таннархни аниқлаш методлари, яъни норматив харажатлар ва чакана нархлар ҳисоби бўйича методлари агар уларнинг натижалари таннарх қийматига яқин келса қулайлик сифатида фойдаланилади.

Норматив харажатлар хом ашё ва материаллар, меҳнат, самарадорлик ва қувватининг нормал фойдаланиш даражаларини назарда тутди. Улар доимий текширилиб борилади, зарурат туғилганда иш давомида кўриб чиқилади.

20. Товар-моддий захираларнинг таннархи харид қилинган даврдаги ҳақиқий қийматига тенг бўлганда, улар ташкилотга алмашув бўлмаган операциялар бўйича берилиши мумкин (масалан, ҳомийлар томонидан касалхонадаги беморлар учун озик-овқат маҳсулотлари ёки дори-дармон воситалари текинга берилиши мумкин).

2-§. Товар-моддий захиралар таннархини ҳисоблаш усуллари

21. Товар-моддий захираларнинг бир-бирининг ўрнини босмайдиган алоҳида моддаларининг таннархи, шунингдек махсус лойиҳалар учун мўлжалланган ва ишлаб чиқарилган товар ёки хизматлар харажатларининг махсус идентификация йўли билан аниқланиши керак.

22. Харажатларнинг махсус идентификацияси бу махсус харажатлар уларнинг аниқ белгиланган моддаларига тааллуқлигини билдиради.

Бу метод сотиб олинган ёки ишлаб чиқарилганидан қатъи назар махсус лойиҳаларга мўлжалланган моддалар учун мос келади.

Агар товар-моддий захираларнинг йирик микдордаги моддалари бир-бирининг ўрнини босганда, харажатларнинг махсус идентификациясига мос келмайди. Бундай ҳолатларда, бирор даврдаги соф фойда ёки зарарга ҳисобкитоб таъсирини ўрганиш учун товар-моддий захирада қолувчи предметни танлаш методларининг биридан фойдаланиш мумкин.

23. Мазкур Стандартнинг 22-бандини қўллашда, ташкилот бир хил тур ва вазифадаги барча товар-моддий захиралар учун бир хил қийматни ҳисоблаш усулини қўллаши керак. Турли хил тур ва вазифалардаги товар-моддий захиралар (масалан, иқтисодиётнинг бир ва бошқа сегментларида ишлатилувчи товарлар) учун ҳар хил ҳисоблаш усулларини қўллаш мумкин. Товар-моддий захираларнинг жойлашган жойларидаги фарқи (шунингдек, турли солиқ солиш шартлари) турли ҳисоблаш усулларидан фойдаланиш учун асос бўла олмайди.

24. Мазкур Стандартнинг 21-бандида кўрсатилган товар-моддий захира-

лардан ташқари товар-моддий захиралар таннархи биринчи тушум — биринчи чиқим (бундан буён матнда ФИФО усули деб юритилади) ёки ўртача қиймат (бундан буён матнда AVECO усули деб юритилади) усуллари орқали аниқланади.

Ташкилот ўхшаш ва фойдаланиш мақсади бир хил бўлган барча турдаги товар-моддий захиралар учун бир хил ҳисоблаш усулидан фойдаланиши керак.

25. ФИФО усули биринчи сотиб олинган товар-моддий захиралар биринчи сотилиши ва шу асосида давр охирида қолган товар-моддий захиралар яқинда сотиб олинган ёки ишлаб чиқарилган товар-моддий захираларни назарда тутаяди.

AVECO усулига кўра ҳар бир модданинг қиймати давр бошидаги ўхшаш моддаларнинг ва давр давомида сотиб олинган ёки ишлаб чиқарилган шундай моддаларнинг ўртача қиймати орқали аниқланади.

3-§. Реализация қилишнинг соф қиймати

26. Товар-моддий захираларга зарар етган, тўлиқ ёки қисман эскирган, уларни сотиш нархи пасайган, шунингдек товар-моддий захираларни яқунлаш, сотиш, алмаштириш ёки бериш харажатлари кутилаётганидан ошганда, уларнинг таннархи қопланмайдиган ҳисобланади.

27. Товар-моддий захиралар реализация қилишнинг соф қиймати моддалар бўйича ҳисобдан чиқарилади.

Бунда бир турдаги маҳсулот турига тааллуқли бўлган, бир хил мақсад ёки якуний истеъмолга йўналтирилган, бир ҳудудда ишлаб чиқарилган ва сотиладиган ҳамда бу маҳсулотнинг бошқа қисмлари алоҳида баҳолана олмайдиган товар-моддий захиралар гуруҳлаштириш йўли билан ҳисобдан чиқарилади.

Товар-моддий захираларнинг таснифи асосида ҳисобдан чиқарилмаслиги лозим (масалан, муайян фаолиятдаги барча бир турдаги товар моддий захиралар ёхуд тайёр маҳсулотлар).

Хизмат кўрсатиш соҳасидаги ташкилотлар сотиш нархи алоҳида белгиланадиган ҳар бир хизмат бўйича харажатларни жамлайди. Бунинг натижа-сида ҳар бир шундай хизмат алоҳида модда сифатида ифодаланади.

28. Реализация қилишнинг соф қийматини ҳисоблаганда мавжуд товар-моддий захираларнинг нимага мўлжалланганлиги ҳисобга олинади.

Масалан, товарларни сотиш ёки хизмат кўрсатиш шартномаларини бажариш учун мўлжалланган товар-моддий захираларнинг реализация қилиш соф қиймати ушбу шартномада белгиланган нархларга асосланади.

Агар шартномалар бўйича сотиш ҳажми мавжуд товар-моддий захиралар ҳажмидан паст бўлса, қолган товар-моддий захираларнинг реализация қилиш соф қиймати умумий сотиш нархларига асосланади.

29. Агар тайёр маҳсулот таннархи бўйича ёки таннархидан юқори даражада сотилиши, алмаштирилиши ёки берилиши мумкин бўлса, уни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган материаллар таннархидан паст қийматда ҳисобдан чиқарилмайди.

Агар материаллар нархининг тушиши муносабати билан тайёр маҳсу-

лот нархи пасайтирилса, яъни ушбу материаллардан тайёрланган тайёр маҳсулотнинг таннархи мазкур тайёр маҳсулотни реализация қилишнинг соф қийматидан ошса, материаллар қиймати камайтирилиши лозим. Бунда, материалларни қоплаш харажатлари мавжуд бўлган реализация қилишнинг соф қийматини баҳолашнинг энг яхшиси деб ҳисобланади.

30. Ҳар бир кейинги даврда реализация қилишнинг соф қиймати янги-дан баҳоланади.

Товар-моддий захираларнинг таннархидан паст қийматда ҳисобдан чиқарилмаган ҳолларда ёки иқтисодий ҳолатларнинг ўзгариши оқибатида реализация қилишнинг соф қиймати ўсиши аниқ ҳолати кузатилганда, янги баланс қиймати таннарх ва қайта кўриб чиқилган реализация қилишнинг соф қиймати ўлчамларининг энг паст миқдорини танлаш орқали ҳисобдан чиқариш суммаси қайта тикланади (қайта тикланиш ҳисобдан чиқаришнинг дастлабки қиймати доирасида амалга оширилади).

4-§. Товар-моддий захираларни бегараз ёки номинал қиймат бўйича ўтказиб бериш

31. Ташкилотлар пул маблағларининг соф тушумларини таъминлаш имконияти билан бевосита боғлиқ бўлмаган, келгусида иқтисодий фойда ва хизмат кўрсатиш салоҳиятга эга товар-моддий захираларга эга бўлиши мумкин.

Бундай турдаги товар-моддий захиралар товарларни бегараз ёки номинал қийматда ўтказиб берилиши натижасида келиб чиқади. Бунда, товар-моддий захираларнинг келгусидаги иқтисодий фойда ёки хизмат кўрсатиш имкониятидан келиб чиқиб ҳақиқий нархи бўйича молиявий ҳисоботларда акс эттирилади.

Келгусидаги иқтисодий фойда ва хизмат кўрсатиш имкониятини бозорда сотиб олиш имкони бўлмаса, алмаштириш қийматини баҳолаш амалга оширилади. Агар товар-моддий захиралар сақлаш мақсади ўзгарса, товар-моддий захиралар мазкур Стандартнинг 9-бандига мувофиқ баҳоланади.

4-боб. Товар-моддий захираларни харажат сифатида тан олиш

32. Товар-моддий захираларнинг сотилиши, алмаштирилиши ёки ўтказиб берилишидан олинган даромад даврига мос равишда харажатлар ҳисобга олиниши керак.

Агар у билан боғлиқ даромад мавжуд бўлмаса, товарлар ўтказиб берилганда ёки хизматлар кўрсатилганда харажат сифатида тан олинади.

Товар-моддий захираларнинг қисман ҳисобдан чиқарилиш ва йўқотилиш харажатлари ушбу ҳисобдан чиқарилиш ва йўқотилиш даврида харажатлар сифатида тан олиниши керак.

Товар-моддий захираларнинг қисман ҳисобдан чиқарилишининг ўзгариши амалга оширилган даврда харажат сифатида қабул қилинади ва товар-моддий захиралар миқдорининг камайиши кўринишида ҳисобга олинади.

33. Баъзи бир товар-моддий захиралар (масалан, асосий воситаларнинг қисмлари сифатида фойдаланиладиган товар-моддий захиралар) бошқа активлар ҳисобига киритилади. Шу кўринишдаги товар-моддий захиралар мазкур асосий воситаларнинг хизмат муддати давомида харажат сифатида қабул қилинади.

34. Ҳисобдан чиқарилаётган товар-моддий захираларнинг қиймати чиқарилиш далилини аниқлаш пайтида балансдан чиқарилиши керак. Товар-моддий захиралар ташкилотнинг балансидан:

сотиш;

беғараз бериш;

сақлаш муддати тугагач яроқсизлиги сабабли жисмонан ва маънан эскирганлиги натижасида тугатиш (йўқ қилиш);

камомад, йўқотиш ёки шикастланиш (синиш, бўлиниш) аниқланиши;

бошқа операциялар ва ҳодисалар натижасида ҳисобдан чиқарилади.

35. Товар-моддий захиралар улар сотиб олинган баҳода (етказиб бериш ва бошқа қўшимча харажатларни ҳам ҳисобга олган ҳолда) ёки улар ҳар хил нархларда сотиб олинган бўлса, ўртача баҳода ҳисобдан чиқарилади.

Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ташкилот раҳбари (ёки унинг ўринбосари) томонидан тасдиқланган тегишли ҳужжатларга мувофиқ ҳисобдан чиқарилиши лозим.

5-боб. Ахборотни очиб бериш

36. Ташкилотнинг молиявий ҳисоботларида қуйидаги маълумотлар очиб берилиши керак:

товар-моддий захиралар қийматини аниқлашда қабул қилинган ҳисоб сиёсати, шу жумладан товар-моддий захираларнинг таннархини ҳисоблашда фойдаланилган усуллар;

товар-моддий захираларнинг умумий баланс қиймати ва ташкилотда фойдаланиладиган классификация бўйича баланс қийматлари;

сотиш харажатларини чегирилган ҳолда ҳақиқий қиймат бўйича ҳисобга олинган товар-моддий захираларнинг баланс қиймати;

ҳисобот даврида харажат сифатида тан олинган товар-моддий захиралар суммаси;

ҳисобот даврида харажат сифатида тан олинган ҳисобга киритилган ҳар қандай товар-моддий захираларнинг ҳажми;

ҳисобот даврида харажат сифатида тан олинган ҳар қандай товар-моддий захираларнинг қайтарилган суммаси;

мажбуриятлар учун кафолат сифатида гаровга қўйилган товар-моддий захираларнинг баланс қиймати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

49 Кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2546-2

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 23 ноябрдаги 22/9-сонли қарори (рўйхат рақами 2546, 2013 йил 27 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2013 й., 52-сон, 711-модда) билан тасдиқланган Кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 декабрь,
39/8-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 январда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

50 **Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2694-2

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 12 июндаги 335-В, 02-02/12-26-сон қарори (рўйхат рақами 2694, 2015 йил 9 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 27-сон, 365-модда) билан тасдиқланган Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 29 декабрь,
335-В-2-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 29 декабрь,
01-02/12-74-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқаруви ва Давлат
божхона қўмитасининг 2018 йил 29 декабр-
даги 335-В-2, 01-02/12-74-сон қарорига
ИЛОВА

**Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг
Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит
ўтиши учун йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1. 5-банддаги «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқнома (рўйхат рақами 1831, 2008 йил 27 июнь)» деган сўзлар «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқнома (рўйхат рақами 3028, 2018 йил 29 июнь)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 11-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилари билан тўлдирилсин:

«Банк карталари орқали йиғимлар қабул қилинганда тўлов терминали квитанцияси (слип)нинг бир қисми маълумотномага тикилади, иккинчи қисми квитанция билан бирга мижозга тақдим қилинади.

Бундан ташқари, йиғимлар виртуал терминаллар (Е-POS) ёки бошқа бирор электрон тўлов воситалари орқали қабул қилинганда, тўловчига электрон чек ёки тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи бирор бир электрон ҳужжат тақдим этилади.».

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси билан келишилган.

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Республика йўл жамғармаси ижро
этувчи директори йринбосари*

У. ХОДЖАЕВ

2018 йил 25 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

51 **Халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари устидан божхона назорати қоидаларининг 5.6-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 896-5

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги «Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5564-сон Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2000 йил 7 февралдаги 02/20-12-сон билан тасдиқланган Халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари устидан божхона назорати қоидаларининг (рўйхат рақами 896, 2000 йил 11 февраль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 3-сон) 5.6-банди иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда халқаро тўлов тизими орқали тўланган ҳолда бутунжаҳон Интернет тармоғи орқали битта инвойс бўйича беш минг АҚШ долларигача товар (хизмат)ларни экспорт қилишда харидор билан ёзма шартнома тузиш талаб этилмайди ва барча юридик ва жисмоний шахсларга Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида ахборот киритмасдан ҳамда божхона юк декларациясини расмийлаштирмасдан амалга оширишга рухсат этилади.».

2. Мазкур ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 29 декабрь,
01-02/12-75-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 январда эълон қилинган.

Келишилган:

*Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлиги*

Ш. САДИКОВ

2018 йил 29 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

52 Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг аъзолик бадалини Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига ўтказиб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
15 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3121*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги ПҚ-3680-сон «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **қарор қилади:**

1. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг аъзолик бадалини Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига ўтказиб бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 27 ноябрдаги 177, 347-В ва 40-сон «Фермер хўжаликларининг аъзолик бадалини Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига ўтказиш ва тасдиқланадиган смета асосида харажат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2957, 2017 йил 19 де-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 январда эълон қилинган.

кабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 51-сон, 1246-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 13 декабрь,
153-сон

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 13 декабрь,
350-В-сон

Қишлоқ хўжалиги вазири

Б. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 13 декабрь,
56-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Марказий банк
Бошқаруви, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг
2018 йил 13 декабрдаги 153, 350-В ва
56-сон қарорига
ИЛОВА

**Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг
аъзолик бадалини Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва
томорқа ер эгалари кенгашига ўтказиб бериш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги ПҚ-3680-сон «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг аъзолик бадалини (бундан буён матнда аъзолик бадали деб юритилади) Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига (бундан буён матнда Кенгаш деб юритилади) ўтказиб бериш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Аъзолик бадаллари Кенгаш тизимини молиялаштириш учун туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларининг (бундан буён матнда туман кенгаши деб юритилади) махсус ҳисобварағига ўтказиб берилади. Туман кенгашлари томонидан келиб тушган аъзолик бадаллари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларининг (бундан буён матнда ҳудудий кенгаш деб юритилади) махсус ҳисобварағига, ҳудудий кенгашлар томонидан эса Кенгашнинг махсус ҳисобварағига ўтказилади.

2. Кенгаш Уставига мувофиқ Кенгаш фаолиятини молиялаштириш манбалари қуйидагилар ҳисобланади.

- кириш ва аъзолик бадаллари;
- хайрия маблағлари ва грантлар;
- тадбиркорлик фаолиятидан олинadиган тушумлар;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

2-боб. Маблағларни шакллантириш

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги ПҚ–3680-сон «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Кенгашга аъзолик бадали қуйидагича белгиланади:

пахта хом ашёси ҳамда донли экинлар етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари учун пахта хом ашёси ҳамда доннинг харид нархидан 0,8 фоиз миқдорида;

бошқа фермер хўжаликлари учун улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан тушган пул маблағларининг 0,5 фоизи миқдорида;

деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгалари учун Кенгашга аъзолик тўғрисидаги шартномада кўрсатилган миқдорда.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Кишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ажратилadиган давлат эҳтиёжлари учун етиштириладиган пахта ва ғалла ҳосили бўнак ва якуний ҳисоб-китоби маблағлари ҳисобидан фермер хўжаликлари билан тузилган шартномаларга ва уларнинг тўлов тошириқномаларига асосан аъзолик бадали тўловлари амалга оширилиши мумкин.

5. Кенгашга аъзолик бадалларини кирим қилиш учун туман кенгашларига тижорат банкларида алоҳида 22626-сон махсус ҳисобварақлари ҳамда кенгашларнинг даромад ва харажатлари учун 20212-сон асосий ҳисобварақлари очилади.

6. Фермер хўжаликлари томонидан ҳар йили пахта хом ашёси ҳамда донли экинлар етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари учун пахта хом ашёси ҳамда доннинг харид нархидан 0,8 фоиз миқдордаги, бошқа фермер хўжаликлари учун улар томонидан ишлаб чиқарилган мах-

сулотларни сотишдан тушган пул маблағларининг 0,5 фоизи фермер хўжаликларининг 23210-сон махсус ҳисобварағига кирим қилинган маблағлар ҳисобидан аъзолик бадали суммаси мутаносиб равишда ойма-ой туман кенгашлари томонидан шартномага мувофиқ қўйиладиган тўлов талабномалари ва фермер хўжаликларининг тўлов топшириқномалари асосида туман кенгашларининг 22626-сон махсус ҳисобварағига ўтказиб берилади.

Дехқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгаларининг аъзолик бадали, туман кенгаши билан тузилган аъзолик тўғрисидаги шартномада кўрсатилган миқдор ва муддатларда ўтказиб берилади.

7. Туман кенгашларининг 22626-сон махсус ҳисобварағига аъзолик бадаллари учун келиб тушган маблағлар кейинги иш кунидан кечикмаган ҳолда банк ҳисобварағи шартномасига асосан тўлов топшириқномаси ёки мемориал ордер орқали тўлиқ ҳудудий кенгашнинг алоҳида 22626-сон махсус ҳисобварағига ўтказилади.

8. Ҳудудий кенгашнинг алоҳида 22626-сон махсус ҳисобварағига туман кенгашларидан келиб тушган маблағлар кейинги иш кунидан кечикмаган ҳолда банк ҳисобварағи шартномасига асосан тўлов топшириқномаси ёки мемориал ордер орқали тўлиқ Кенгашнинг алоҳида 22626-сон махсус ҳисобварағига ўтказилади.

9. Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг аъзолик бадали Кенгаш билан тузилган шартномаларга асосан белгиланган тартибда туман кенгашларининг 22626-сон махсус ҳисобварақларига ўтказиб берилади.

Мазкур аъзолик бадаллари туман ва ҳудудий кенгашлар томонидан мазкур Низомнинг 8-9-бандларида белгиланган тартибда Кенгашнинг махсус ҳисобварағига ўтказилади.

10. Кенгаш ва унинг ҳудудий ҳамда туман кенгашлари ҳисобварақларига тушган хайрия маблағлари ва грантлар, тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар (фойда) ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар уларнинг асосий ҳисобварақларига кирим қилинади ва мазкур кенгашлар тасарруфида қолади. Ушбу маблағлардан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўз Уставида кўрсатилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланилади.

3-боб. Жавобгарлик ва назорат

11. Кенгашга, ҳудудий ва туман кенгашларига уларнинг Уставида белгиланган вазифалар доирасида фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш юзасидан мажбурият юклатилади.

12. Кенгаш билан фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ўртасида тузилган аъзолик шартномалари доирасида томонларга олган мажбуриятини бажариш ҳамда аъзолик бадалларини белгиланган муддатларда тўлаб бериш мажбуриятлари юклатилади.

13. Аъзолик бадали бўйича қарздорлиги бўлган фермер ва деҳқон хўжа-

ликлари тугатилганда ва ушбу қарзларни ундириш имкони бўлмаганда мазкур қарздорликларни Кенгаш Раёсати қарорига асосан ундириш ишлари тўхтатилади.

14. Кенгаш, ҳудудий ва туман кенгашларининг йиллик даромадлар ва харажатлар сметаларининг тўғрилиги ва асосланганлиги ҳамда келиб тушган маблағларни мақсадли ишлатилиши учун Кенгаш, ҳудудий ва туман кенгашлари шахсан жавобгардирлар.

15. Маблағларни тўғри ва мақсадли ишлатилиши назорат қилиш Кенгашнинг Раёсати зиммасига юклатилади.

4-боб. Якуний қоидалар

16. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

17. Мазкур Низом Ўзбекистон фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари кенгаши билан келишилган.

*Ўзбекистон фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа ер
эгалари кенгаши раиси в. б.*

А. ХАИТОВ

2018 йил 13 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ
МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ
КАРОРИ

53 Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 18 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3122

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 октябрдаги ПФ-5553-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдори-ни ошириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон «Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ба-жариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш ва-зирлиги ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар хо-димларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар ки-ритилиб, иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қат-нашувчи илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари 2018 йил 1 ноябрдан ил-мий ва раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошлари миқдорлари ўзгар-ганлигини ҳисобга олиб иш ҳақларини қайта ҳисоблаб тўланишини таъмин-ласинлар.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 18 ян-варда эълон қилинган.

**Инновацион
ривожланиш вазيري**

И. АБДУРАХМАНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 10 декабрь,
11 / ққ-сон

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазيري**

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 10 декабрь,
28-ққ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Инновацион ривожланиш вазирлиги
ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари
вазирлигининг 2018 йил 10 декабрдаги
11 / ққ, 28-ққ-сон қарорига
ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари МИҚДОРЛАРИ

(сўм)

Т/р	Лавозимларнинг номи	Базавий лавозим маошларининг миқдори		
		2018 йил 1 ноябрдан	2019 йил 1 январдан	2019 йил 1 июлдан
1.	Институт директори			
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган	4 266 900	5 120 280	6 400 350
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	4 078 800	4 894 560	6 118 200
	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган	3 920 400	4 704 480	5 880 600

Т/р	Лавозимларнинг номи	Базавий лавозим маошларининг миқдори		
		2018 йил 1 ноябрдан	2019 йил 1 январдан	2019 йил 1 июлдан
2.	Директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, институт ва бошқа илмий муассасалар филиалининг директори			
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган	3 861 000	4 633 200	5 791 500
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	3 663 000	4 395 600	5 494 500
	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки илмий унвонига эга бўлган	3 366 000	4 039 200	5 049 000
3.	Институтнинг илмий котиби, Илмий-тадқиқот лабораторияси (бўлими) мудири			
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган	3 841 200	4 609 440	5 761 800
	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	3 603 600	4 324 320	5 405 400
	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	3 494 700	4 193 640	5 242 050
4.	Филиал ва бошқа илмий муассасалар директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари			
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган	3 663 000	4 395 600	5 494 500
	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	3 494 700	4 193 640	5 242 050
	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	3 237 300	3 884 760	4 855 950
5.	Бош илмий ходим			
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган	3 663 000	4 395 600	5 494 500

Лавозимларнинг номи		Базавий лавозим маошларининг миқдори		
		2018 йил 1 ноябрдан	2019 йил 1 январдан	2019 йил 1 июлдан
Т/р	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва ёки катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	3 445 200	4 134 240	5 167 800
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган	3 286 800	3 944 160	4 930 200
6.	Етакчи илмий ходим			
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва илмий унвонга эга бўлган	3 098 700	3 718 440	4 648 050
	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган	2 900 700	3 480 840	4 351 050
	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва илмий унвонга эга бўлган	2 643 300	3 171 960	3 964 950
7.	Катта илмий ходим			
	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва илмий унвонга эга бўлган	2 702 700	3 243 240	4 054 050
	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва илмий унвонга эга бўлган	2 544 300	3 053 160	3 816 450
	илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлмаган (2 йилдан ортиқ илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	2 326 500	2 791 800	3 489 750
8.	Кичик илмий ходим			
	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва илмий унвонга эга бўлган	2 385 900	2 863 080	3 578 850
	илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлмаган	2 227 500	2 673 000	3 341 250
	илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлмаган (2 йилгача илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	2 069 100	2 482 920	3 103 650
9.	Стажёр тадқиқотчи	1 831 500	2 197 800	2 747 250

Мазкур базавий лавозим маошлари миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2018 йил 10 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕХНАТ
МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

54 «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 18 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2974-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 октябрдаги ПФ-5553-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдори-ни ошириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон «Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2018 йил 12 февралдаги 2, 5-Б ва 19-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2974, 2018 йил 21 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 8-сон, 147-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 18 январда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Инновацион
ривожланиш вазири**

И. АБДУРАХМАНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 10 декабрь,
12/ққ-сон

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 10 декабрь,
27-ққ-сон

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 10 декабрь,
147-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

55 Давлат мактабгача таълим муассасаларида қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
18 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3123*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ–3955-сонли «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Давлат мактабгача таълим муассасаларида қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ШИН

Тошкент ш.,
2018 йил 13 декабрь,
3-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
мактабгача таълим вазирининг 2018 йил
13 декабрдаги 3-мҳ-сон буйруғига
ИЛОВА

**Давлат мактабгача таълим муассасаларида қўшимча
пуллик таълим-тарбия хизматлари кўрсатиш фаолиятини
ташкил этиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ–3955-сон «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ давлат мактабгача таълим муассасаларида қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари (бундан буён матнда қўшимча хизмат деб юритилади) кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 18 январда эълон қилинган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом талаблари давлат мактабгача таълим муассасалари (бундан буён матнда мактабгача таълим муассасаси деб юритилади) учун татбиқ этилади.

2. Қўшимча хизматлар зарур моддий-техник база ҳамда тегишли педагог ходимга эга бўлган ёки тегишли мутахассис жалб қилинган ҳолда мактабгача таълим муассасасида ташкил қилиниши мумкин. Бунда қўшимча хизматларни кўрсатиш боланинг мактабгача таълим муассасасининг ўқув дастури бўйича олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнига халақит бермаслиги керак.

2-боб. Қўшимча хизматлар кўрсатишни ташкил этиш

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ–3955-сон қарори билан тасдиқланган 2018-2019 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастурига асосан мактабгача таълим муассасалари томонидан қуйидагилар бўйича қўшимча пуллик хизматлар кўрсатилиши мумкин:

дам олиш кунлари ва мактабгача таълим муассасасида иш куни якунлангандан кейин болани парваришlash, унга қараб туриш, уни ўқитиш;

мактабгача таълим муассасасининг ўқув дастурдан ташқари спорт-соғломлаштириш (каратэ, таэквондо, сузиш, шахмат, шашка, гимнастика, массаж ва бошқалар) тўғараклари, бадий-эстетик (хор, рақс, тасвирий санъат ва ҳоказолар) тўғараклар, фанлар бўйича тўғараклар (чет тиллари, математика, ақлий арифметика, мантиқ, информатика ва бошқалар).

4. Мактабгача таълим муассасаси томонидан кўрсатилиши режалаштирилаётган қўшимча хизматлар турлари ҳамда улар учун белгиланадиган тўловлар миқдори мактабгача таълим муассасасининг кузатув кенгаши йиғилишида муҳокама қилиниши шарт.

5. Мактабгача таълим муассасалари томонидан кўрсатиладиган қўшимча хизматларнинг нархлар прејскуранти тегишли мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлинмаси билан келишилган ҳолда мактабгача таълим муассасасининг раҳбари томонидан тасдиқланади.

6. Қўшимча хизматлар тегишли мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлинмаси билан келишилган ҳолда мактабгача таълим муассасаси раҳбарининг буйруғига мувофиқ қуйидаги ҳужжатлар асосида ташкил этилади:

кўрсатиладиган қўшимча хизматнинг иш режаси;

кўрсатиладиган қўшимча хизматларнинг прејскурант нархлари;

кўрсатиладиган қўшимча хизматлар бўйича машғулотлар жадвали.

7. Кўрсатиладиган қўшимча хизматнинг иш режаси мактабгача таълим муассасаси раҳбари томонидан тасдиқланади.

8. Тасдиқланган қўшимча хизматларнинг прејскурант нархлари мактабгача таълим муассасасининг барча шахслар кириши ва қўриши мумкин бўлган жойда (жойларда) эълонлар тахтасига осиб қўйилади.

**3-боб. Болаларни қўшимча хизмат кўрсатувчи гуруҳларга
қабул қилиш**

9. Мактабгача таълим муассасасида ташкил этилган қўшимча хизмат кўрсатувчи гуруҳларга 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар қабул қилиниши мумкин.

10. Фарзанди қўшимча хизмат кўрсатувчи гуруҳларда тарбияланишини истаган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар тегишли мактабгача таълим муассасасига ариза билан мурожаат қилади.

11. Мактабгача таълим муассасасининг раҳбари ҳамда боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслардан бири билан шартнома тузилади.

12. Қўшимча хизмат кўрсатувчи гуруҳларга болани қабул қилиш учун тегишли мактабгача таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи қабул қилинади.

Буйруқда боланинг Ф.И.О., туғилган йили, қабул қилинаётган қўшимча хизмат тури ва гуруҳи кўрсатилиши лозим.

13. Қўшимча хизмат кўрсатувчи гуруҳларда болаларнинг сони 25 нафардан ортиқ бўлишига йўл қўйилмайди.

14. Мактабгача таълим муассасаси ходимларини уларнинг асосий иш вақтидан ташқари вақтларда келишув асосида қўшимча хизмат кўрсатувчи гуруҳларга жалб қилиш мумкин.

15. Суд ҳукми билан ёки тиббий хулосага мувофиқ педагогик фаолият билан шуғулланиши тақиқланган шахсларнинг қўшимча хизмат кўрсатувчи гуруҳларда фаолият юритиши тақиқланади.

4-боб. Яқуний қоидалар

16. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

17. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2018 йил 13 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

56 Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотишни
расмийлаштириш масалаларига оид ҳужжатларни
тайёрлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар
киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
18 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2909-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон «Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизими-ни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2018 йил 5 апрелдаги ПФ-5400-сон «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлигининг 2017 йил 7 июлдаги 28, 21-сон қарори (рўйхат рақами 2909, 2017 йил 1 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 31-сон, 785-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотишни расмийлаштириш масалаларига оид ҳужжатларни тайёрлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 18 декабрь,
78-сон

Ташқи ишлар вазири

А. КАМИЛОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 18 декабрь,
39/1-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 19 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги ва Ташқи ишлар
вазирлигининг 2018 йил 18 декабрдаги
78, 39/1-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотишни
расмийлаштириш масалаларига оид ҳужжатларни тайёрлаш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 6 — 8, 14, 19 — 23, 25, 35 — 37, 41 — 44, 47, 48, 51, 55 — 57, 63 ва 74-бандлардаги «Консуллик бошқармаси» ва «Консуллик бошқармасига» деган сўзлар тегишлича «Консуллик-ҳуқуқий департаменти» ва «Консуллик-ҳуқуқий департаментига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 9-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«9. ТИВнинг Консуллик-ҳуқуқий департаменти келган ҳужжатларни текширади ва беш иш кuni ичида биттадан нусхасини Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва Давлат хавфсизлик хизматига (бундан буён матнда ДХХ деб юритилади) кўриб чиқиш учун юборади.».

3. 12, 13, 30, 31, 45, 46, 49, 52, 61, 62, 68 — 71 ва 73-бандлардаги «МХХ» ва «МХХга» қисқартмалари тегишлича «ДХХ» ва «ДХХга» қисқартмалари билан алмаштирилсин.

4. 15 ва 64-бандлардаги «Консуллик бошқармасига» деган сўзлар «Консуллик-ҳуқуқий департаментига» деган сўзлар билан, «МХХ» қисқартмаси «ДХХ» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

5. 16 ва 65-бандлардаги «Консуллик бошқармаси» деган сўзлар «Консуллик-ҳуқуқий департаменти» деган сўзлар билан, «МХХнинг» қисқартмаси «ДХХнинг» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

6. 24-банддаги «ТИВнинг Консуллик бошқармаси ўрганиш натижаларига асосан» деган сўзлар «ТИВнинг Консуллик-ҳуқуқий департаменти ўрганиш натижаларига асосан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 50-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«50. ИИВ МваФРББ ушбу Йўриқноманинг 10 ва 11-бандларига мувофиқ ҳужжатларни текширади ва ИИВ Жиноят қидирув бош бошқармаси ҳамда Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси билан келишган ҳолда фуқароликни йўқотиш масаласини кўтаришга оид ҳужжатларнинг нусхасини ТИВ Консуллик-ҳуқуқий департаментига ва ДХХга тақдим этади.

ИИВ МваФРББ Низомнинг IV бўлими 2-бандида назарда тутилган фактларни аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий судига, Бош прокуратурасига, ДХХга ҳамда ИИВнинг тегишли хизматларига, шунингдек фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари билан боғлиқ маълумотларни аниқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига уч иш кuni ичида тегишли сўровномаларни юборади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, ДХХ, ИИВ-нинг тегишли хизматлари ҳамда Адлия вазирлиги сўровнома асосида барча таркибий ва ҳудудий бўлинмалар бўйича тегишли текширувларни ўтказди ва уларнинг натижаларини ўттиз иш кун ичида ИИВ МваФРББга юборди.».

8. 58-банддаги «Консуллик бошқармаси» деган сўзлар «Консуллик-ҳуқуқий департаменти» деган сўзлар билан, «МХХга» қисқартмаси «ДХХга» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

9. 72-банднинг биринчи хатбошисидаги «ИИВ МваФРББ ҳужжатларни ва ТИВ ҳамда МХХнинг ҳулосасини олгач» деган сўзлар «ИИВ МваФРББ ҳужжатларни ва ТИВ ҳамда ДХХнинг ҳулосасини олгач» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратураси ва Олий суди билан келишилган.

*Давлат хавфсизлик
хизмати раиси*

И. АБДУЛЛАЕВ

2018 йил 16 декабрь

Бош прокурор

О. МУРОДОВ

2018 йил 16 декабрь

Олий суд раиси

К. КАМИЛОВ

2018 йил 16 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

57 Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) «Бюджет ҳисоботи»ни тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
18 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3124*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ва бюджет ҳисобини давлат секторида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари билан мувофиқлаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) «Бюджет ҳисоботи» иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ 2020 йил 1 январдан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 18 декабрь,
157-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2018 йил 18 декабрдаги
157-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти
(3-сонли БҲС) «Бюджет ҳисоботи»**

Мазкур Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) «Бюджет ҳисоботи» (бундан буён матнда Стандарт деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ бюджет ташкилотлари, давлат мақсадли жамғармалари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) бюджет ҳисоботини тузиш ва тақдим қилиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Стандарт ташкилотлар томонидан ҳисоблаш методи бўйича чораклик ва йиллик бюджет ҳисоботларини тузиш ва тақдим қилишда қўлланилади.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 19 январда эълон қилинган.

Стандарт талаблари бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар томонидан тузиладиган ва тақдим этиладиган солиқ ва статистика ҳисоботларига татбиқ этилмайди.

2. Стандартда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

активлар — ташкилот томонидан бошқариладиган ва келгусида иқтисодий манфаат ёки фойдали потенциал келтириши кутилаётган ресурслар;

ахборотни очиб бериш — ташкилотларнинг молиявий ҳисоботлари ёки молиявий ҳисоботларга тушунтиришларда бюджет ҳисобининг стандартларида кўрсатилиши лозим бўлган маълумотларнинг (жадвал, сўз ёки тасвирлар орқали) акс эттирилиши;

молиявий ҳисоботларга тушунтириш — молиявий ҳисоботларда тақдим этилган маълумотлар учун қўшимча ахборот. Молиявий ҳисоботларга тушунтиришда изохлар, ҳисоботларда келтирилган маълумотларнинг кенгайтирилган кўриниши ва Стандарт талаблари бўйича ҳисоботларда кўрсатиб ўтилмаган қўшимча маълумотлар тақдим этилади;

соф активлар/капитал — ташкилотнинг активларидан уни барча мажбуриятлари чегирилгандаги қолдиғи. Соф активлар / капитал салбий ёки ижобий бўлиши мумкин;

ҳаражатлар — ҳисобот даврида активларнинг истеъмоли ёки соф активлар / капитал камайишига олиб келувчи мажбуриятлар кўринишида иқтисодий манфаат ва фойдали потенциалнинг камайиши;

ҳисобот даври — ташкилот молиявий ҳисобот тузувчи давр.

3. Бюджет ҳисоботи қуйидаги ҳисобот турларини ўз ичига олади:

бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг молиявий ҳисоботлари;

давлат бюджетига, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига даромадларнинг тушумлари тўғрисидаги ҳисобот;

давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот;

давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот.

4. Қонун ҳужжатлари талабларини бузмаган ҳолда молиявий ҳисоботлар кўрсаткичлари салбий қолдиққа эга бўлса, у ҳолда ҳисоботларда ушбу кўрсаткичлар «минус» белги билан акс эттирилади.

5. Молиявий ҳисоботларда келтириладиган ахборотлар фойдаланувчилар учун тушунарли ва содда бўлиши лозим.

6. Молиявий ҳисоботда ахборотнинг очиб берилмаслиги ёки нотўғри кўрсатилиши сабабли фойдаланувчилар қабул қиладиган иқтисодий қарорларга таъсир қилиши мумкин бўлган ахборот муҳим ҳисобланади.

Белгиланган муддатларда молиявий ҳисоботлар фойдаланувчиларга тақдим этилмаганда ўз фойдалилик хусусиятини камайтиради.

7. Тугалланганлик таъминлаш учун молиявий ҳисоботлардаги ахборот тўлиқ бўлиши керак.

8. Фойдаланувчилар ҳисоботларни қиёслаш имкониятига эга бўлиши учун молиявий ҳисоботларни тайёрлашда асос бўлган стандартлар, улар-

га киритилган ўзгартиришлар ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлиши керак.

Фойдаланувчилар ташкилотнинг турли даврлардаги молиявий аҳволини қиёслаш имкониятига эга бўлиши учун молиявий ҳисоботда ўтган давр учун керакли кўрсаткичлар келтириб ўтилиши лозим.

2-боб. Бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг молиявий ҳисоботларини тузиши ва тақдим қилиши

1-§. Молиявий ҳисоботларини тузиш ва тақдим қилиш

9. Бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг йиллик молиявий ҳисоботлари келгуси ҳисобот йилининг 1 январь ҳолатига тузилади. Чораклик молиявий ҳисоботлар ҳисобот йилининг 1 апрель, 1 июль ва 1 октябрь ҳолатига тузилади.

10. Бюджет ташкилотлари тармоқ, штат ва контингентлар режаларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисобот шаклларига (рўйхат рақами 2837, 2016 йил 8 ноябрь) мувофиқ тузади ва топширади.

11. Бюджет ташкилотлари томонидан топшириладиган йиллик молиявий ҳисоботлар таркибига қуйидагилар кирази:

Стандартнинг 1-иловасига* мувофиқ шаклда Баланс (1-сон шакл);

Стандартнинг 2-иловасига* мувофиқ шаклда Молиявий фаолият натижалари тўғрисида ҳисобот;

Стандартнинг 3-иловасига* мувофиқ шаклда Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл);

Стандартнинг 4-иловасига* мувофиқ шаклда Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумот;

Стандартнинг 5-иловасига* мувофиқ шаклда Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Стандартнинг 6-иловасига* мувофиқ шаклда Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Стандартнинг 7-иловасига* мувофиқ шаклда Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Стандартнинг 8-иловасига* мувофиқ шаклда Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

* 1 — 8-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Стандартнинг 9-иловасига* мувофиқ шаклда Товар-моддий захиралар ва номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Стандартнинг 10-иловасига* мувофиқ шаклда Бюджет ташкилотини чет эл валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот.

12. Бюджет ташкилотлари қонунчиликка мувофиқ ҳисобот даврида маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятларини амалга оширса, ушбу фаолиятлари бўйича белгиланган тартибда ва муддатларда молия органларига Молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш бўйича қоидаларида (рўйхат рақами 1209, 2003 йил 24 январь) белгиланган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2-сон шаклга мувофиқ тақдим этади.

13. Бюджет ташкилотлари томонидан топшириладиган чораклик молиявий ҳисоботлар таркибига қуйидагилар киради:

Баланс (1-сон шакл);

Молиявий фаолият натижалари тўғрисида ҳисобот;

Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл);

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумот;

Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Бюджет ташкилотини чет эл валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот.

14. Бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисобот шакллари (жамланма ҳисоботлардан ташқари) Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 2169, 2010 йил 22 декабрь) билан тасдиқланган 308-сон шаклдаги «Бош журнал китоби» (бундан буён матнда Бош журнал китоби деб юритилади) ва бошқа тегишли ҳисоб регистрларидаги маълумотлар асосида тузилади.

15. Бюджет маблағларини олувчилар Молия вазирлигига (тегишли ҳудудий молия органларига) чорак (йил) учун Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл)ни мазкур Стандартнинг талабларига мувофиқ ҳолда тақдим этади.

16. Молиявий ҳисоботлар шаклларининг манзил қисми қуйидаги тартибда тўлдирилади:

«Ташкилот» реквизиотида ташкилотнинг тўлиқ номи кўрсатилади;

«Бўлим, кичик бўлим, боб» реквизиотида ташкилотнинг бюджет таснифига мувофиқ ташкилий ва вазифа жиҳатидан бўлиниши (белгиланиши) кўрсатилади;

«Ҳисобот даври» реквизиотида ҳисобот тузилаётган тегишли давр (йил, чорак) кўрсатилади;

* 9-10-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Бюджет тури» реквизитида ташкилот томонидан Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифига мувофиқ маблағлар манбаи ва ташкилот тақдим этадиган ҳисобот бўйича бюджетлар даражаси кодлари кўрсатилади;

«Ўлчов бирлиги» реквизитида ҳисобот тузилаётган ўлчов бирлиги келтирилади.

2-§. Баланс (1-сон шакл)

17. Балансни (1-сон шакл) тузишдан олдин барча мавжуд мемориал ордерлар билан расмийлаштирилган бухгалтерия ёзувларини дастлабки ҳужжатларга мувофиқ ҳолда тўғри тузилганлиги ҳамда Бош журнал китобида тўғри акс этирилганлиги, субсчётлар бўйича ойлик айланмалар ва ҳисобот даври охирида Бош журнал китоби бўйича қолдиқлар тўғри ҳисобланганлиги текшириб чиқилади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет ташкилотлари асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қўйилмалар, моддий бойликлар, пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва баланснинг бошқа моддаларини инвентаризациядан ўтказишлари шарт.

18. Инвентаризациянинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

асосий воситалар, капитал қўйилмалар, моддий бойликлар, пул маблағлари ва қатъий ҳисобда турувчи бланкалари ҳамда бошқа активларнинг ҳақиқатда мавжудлигини бухгалтерия ҳисоби маълумотларига таққослаш йўли билан аниқлаш, шунингдек моддий бойликлар ва пул маблағларининг сақланишини назорат қилиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган нормативдан юқори бўлган ва фойдаланилмаётган моддий бойликларни аниқлаш;

моддий бойликлар ҳамда пул маблағларини сақлаш қоидалари ва шартларига риоя қилиш;

балансда ҳисобга олинган моддий бойликларни, кассалардаги, банкларнинг депозит ҳисоб рақамларидаги ҳамда шахсий қазна ҳисобварақлардаги пул маблағларини, шунингдек ҳисоб-китоблар ва баланснинг бошқа моддалари қийматининг ҳақиқийлигини текшириш.

19. Бюджет ташкилотларининг «Баланс» (1-сон шакл) ҳисоботи Активлар, Мажбуриятлар ва Соф активлар/капитал таркибий қисмлардан иборат ва қуйидагича баланс аниқланади:

$$\text{Активлар} - \text{Мажбуриятлар} = \text{Соф активлар/капитал}$$

20. Ҳисобот даври охирида Бош журнал китобидаги чиқарилган қолдиқлар баланснинг «Йил (чорак) охирида» устунига кўчириб қўйилади.

21. Дебитор ва кредитор қарзларни ҳисобга олувчи субсчётларда дебиторлар ва кредиторлар суммалари ўзаро ҳисобга олмаган ҳолда, яъни мавжуд дебиторлар баланснинг актив қисмида, кредиторлик қарз эса пассив қисмида кўрсатилади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотларни акс

эйтиришда Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 2169, 2010 йил 22 декабрь) билан тасдиқланган 285-сон шаклдаги айланма қайднома ва бошқа тегишли ҳисоб регистрлари маълумотларидан фойдаланилади.

22. «Йил бошида» устуни бўйича кўрсаткичлар ўтган ҳисобот йили баланснинг «Йил (чорак) охирида» устуни бўйича кўрсаткичларга бир хил ҳолда кўчирилади. Бюджет ташкилоти ҳисобот йилининг 1 январидан кейин ташкил топган бўлса, у ҳолда баланснинг ушбу «Йил бошида» устуни тўлдирилмайди.

23. Баланснинг «Активлар» қисмидаги I бўлим «Жорий активлар» бўлимининг «Йил (чорак) охирида» устуни бўйича:

«Пул маблағлари» бўлимида бюджет ташкилотларининг мавжуд шахсий фазна ҳисобварақлардаги, бошқа ҳисобварақларидаги миллий ва хорижий валютадаги пул маблағлари қолдиқлари, миллий ва хорижий валютадаги нақд пул маблағлари қолдиқлари, шунингдек йўлдаги пул маблағлари, аккредитивлар, пул эквивалентларининг қолдиқ суммалари акс эттирилади;

«Молиявий маблағлар бўйича жорий дебитор қарзлар» бўлимида қисқа муддатли ички ва ташқи депозитлар акс эттирилади. Бунда бюджет ташкилотлари 121 000-субсчётда 1 йилдан ошмаган муддатда жойлаштирилган ички ва ташқи депозитлар ҳисобга олинади;

«Бюджет ташкилотларининг дебитор қарзлари» бўлимининг йил (чорак) охирида барча ҳисоб-китоблар бўйича бюджет ташкилотларининг дебиторлик қарздорликларининг қолдиқ суммалари акс эттирилади;

«Товар-моддий захиралар ва уларга харажатлар» бўлимида ҳисобот даври охирида мавжуд бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, тиббиётда фойдаланиладиган воситалар, вакциналар ва бактериологик препаратлар, ёнилғи, ёқилғи-мойлаш материаллари, хўжалик ва канцелярия моллари, Кийим-кечак, пойабзал ва чойшаб-филофлар, қурилиш материаллари, машина ва асбоб-ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари, бутловчи буюмлар ва сотиб олинadиган ярим тайёр маҳсулотлар, биологик захиралар, бошқа хом ашё ва материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, қайта сотиш учун товарлар, ҳарбий захиралар, товар-моддий захираларга харажатлар ва товар (иш, хизмат)ларга харажатларнинг қолдиқ суммалари кўрсатилади, бундан балансдан ташқари 08 — «Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари» ва 10 — «Эскирганларининг ўрнига берилган транспорт воситаларининг эҳтиёт қисмлари» счётларида акс эттирилган товар-моддий захираларнинг қолдиқлари мустасно.

24. Баланснинг «Активлар» қисмидаги II бўлим «Узоқ муддатли активлар» бўлимининг «Йил (чорак) охирида» устуни бўйича:

«Узоқ муддатли депозитлар» қаторида узоқ муддатли ички ва ташқи депозитлар акс эттирилади. Ушбу қаторда бюджет ташкилотларининг 1 йилдан ортиқ муддатда жойлаштирилган ички ва ташқи депозитлари ҳисобга олинади;

«Асосий воситалар» бўлимида бюджет ташкилотларининг ҳисобот даври охирида бино ва иншоотларни, машина ва жиҳозларни, бошқа турдаги асосий воситаларни, ҳарбий асосий воситаларни қолдиқ (баланс) қиймати акс эттирилади. Асосий воситаларнинг қолдиқ (баланс) қиймати асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматидан унинг эскириш суммаси айирмаси натижасида аниқланади;

«Қийматликлар» қаторида ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш мақсадларида фойдаланилмайдиган, вақт ўтиши билан қийматини сақланадиган активлар ҳисоби акс эттирилади;

«Ноишлаб чиқариш активлари» бўлимида ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлмаган харажатлар, жумладан ер, минерал ва энергия ресурслари, бошқа турдаги табиий активлар, номоддий ноишлаб чиқариш активларини қолдиқ (баланс) қиймати акс эттирилади. Ноишлаб чиқариш активларининг қолдиқ (баланс) қиймати ноишлаб чиқариш активларининг бошланғич (қайта тиклаш) қийматидан унинг эскириш суммаси айирмаси натижасида аниқланади;

«Номолиявий активлар капитал қўйилмалар» бўлимида асосий воситаларга капитал қўйилмалар, қийматликларга капитал қўйилмалар, ноишлаб чиқариш активларига капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи субсчётларнинг «Бош журнал китоби» (308-сон шакл) бўйича ҳисобот даврининг охиридаги қолдиқ суммаси акс эттирилади.

25. Баланснинг «Мажбуриятлар» қисмидаги III бўлим «Жорий мажбуриятлар» бўлимининг «Йил (чорак) охирида» устунида бюджет ташкилотларининг йил (чорак) охирида барча ҳисоб-китоблар бўйича кредиторлик қарзларининг қолдиқ суммалари тегишли субсчётларда акс эттирилади.

26. Баланснинг «Мажбуриятлар» қисмидаги IV бўлим «Узоқ муддатли мажбуриятлар» бўлимининг «Йил (чорак) охирида» устунида бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича узоқ муддатли кредитор қарзлари, бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблар бўйича узоқ муддатли кредитор қарзлари акс эттирилади.

27. Баланснинг «Соф активлар/капитал» қисмида жорий ҳисобот даврининг молиявий натижалари ва жамғариб бориловчи молиявий натижаларининг қолдиқ суммалари акс эттирилади.

28. Баланснинг «Балансдан ташқари счётлар» бўлимида ҳисобот даври охирига акс эттирилган балансдан ташқари счётлар суммаси кўрсатилади.

3-§. Молиявий фаолият натижалари тўғрисида ҳисобот

29. Молиявий фаолият натижалари тўғрисидаги ҳисоботда бюджет ташкилотининг ҳисобот даври бўйича ҳисобланган даромад (тушум)лар ва ҳақиқий харажатлар ўртасидаги фарқ ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоблари йиғиндиси акс эттирилади.

30. Молиявий фаолият натижалари тўғрисидаги ҳисоботнинг «Даромадлар» устунида 308-шаклдаги «Бош журнал китоби»даги қолдиқлар қуйидаги субсчётлар бўйича акс эттирилади:

бюджетдан молиялаштириш;

тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича ҳисобланган даромадлар;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар;

бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича ҳисобланган даромадлар;

тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича даромадлар;

тақсимланиши назарда тутилган тушумлар бўйича ҳисобланган даромадлар;

ходимлардан, улар ишлаётган жойида овқатланганлиги бўйича ҳисоб-китоблардан тушадиган тушумлар бўйича ҳисобланган даромадлар;

ажратмалар ҳисобига шаклланадиган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари бўйича ҳисобланган даромадлар;

умумтаълим муассасаларида дарсликлар ижараси тўловидан тушган бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар;

бюджет ташкилотлари томонидан стационар даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётганлар таркиби овқатланиши учун ундириладиган тўловлар бўйича ҳисобланган даромадлар;

бюджет ташкилотларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисобланган даромадлар.

31. «Даромадлар — жами» қаторида 010, 011, 012, 013, 014, 015, 016, 017, 018, 019, 020-қаторларнинг йиғинди суммаси акс эттирилади.

32. Молиявий фаолият натижалари тўғрисидаги ҳисоботнинг «Харажатлар» устунида 308-шаклдаги «Бош журнал китоби»даги қуйидаги субсчётлар бўйича қолдиқлар акс эттирилади:

бюджет маблағларидан ҳисобланган ҳақиқий харажатлар;

тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар;

таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар;

бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар;

бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар.

33. «Харажатлар — жами» қаторида 030, 031, 032, 033 ва 034-қаторларнинг йиғинди суммаси акс эттирилади.

34. «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоблари» қаторида «630 000 — Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоблари»

субсчётининг дебетидаги қолдиқ маблағлар ижобий, аксинча кредитдаги қолдиқ маблағлари эса салбий кўрсаткичда акс эттирилади.

35. «Жорий ҳисобот даврининг молиявий натижалари» қаторида 030 қатордан 040 қатор айирилади ва 050, 060, 070, 080, 090, 100, 110 қаторларни қўшилгандаги натижаси кўрсатилади. Яъни «Даромадлар — жами» қаторидан «Харажатлар — жами» қатори айирилади ҳамда Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоблари, Марказлашган ҳолда қабул қилинган (берилган) моддий қийматликлар, Беғараз (бепул) қабул қилинган (берилган) моддий қийматликлар, Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар, Асосий воситалар, қийматликлар ва номоддий активларни қайта баҳолаш, Реализация ва харажатлар, Курс фарқи бўйича фойда (зарар) ларнинг қолдиқ суммалари акс эттирилади.

4-§. Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл)

36. Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тузишдан олдин бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар:

тасдиқланган харажатлар сметаларига белгиланган тартибда киритилган ўзгартиришларнинг Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 2169, 2010 йил 22 декабрь) мувофиқ 294-сон шаклдаги Касса ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш дафтарида (бундан буён матнда 294-сон шакл дафтари деб юритилади) тўғри акс эттирилганлиги;

ҳисобот даври учун давлат бюджетидан молиялаштирилган маблағларни тасдиқланган харажатлар сметаларига мувофиқ (киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда) амалга оширилганлигини (тегишли мемориал ордерлар, 294-сон шакл дафтари ва бошқа ҳисоб регистрлари асосида);

ҳисобот чорагида амалга оширилган касса харажатларининг (шахсий фазна ҳисобварақлари орқали амалга оширилган тўловларнинг) тўғрилигини (тегишли мемориал ордерлар, 294-сон шакл дафтари ва бошқа ҳисоб регистрлари асосида);

ҳақиқий харажатларнинг ҳисоб регистрларида тўғри акс этирилганлигини (тегишли мемориал ордерлар ва 294-сон шакл дафтари маълумотлари асосида) текшириб чиқишлари лозим.

37. «Тасдиқланган (аниқланган) режа» устунида харажатлар сметасидаги ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда белгиланган режа иқтисодий харажатлар таснифининг тегишли харажат моддалари бўйича кўрсатилади.

38. «Ҳисобот даври учун молиялаштирилган» устуни бўйича бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан (бундан буён матнда Давлат бюджети деб юритилади) харажатлар сметаларига мувофиқ йил бошидан ўсиб боровчи тартибда мо-

лиялаштирилган маблағлар (294-сон шакл дафтари маълумотлари асосида) харажатлар таснифининг ҳисобот шаклида келтирилган харажат гуруҳлари ва моддалари бўйича акс эттирилади, бундан IV гуруҳ «Бошқа харажатлар» моддалари мустасно.

Давлат бюджетининг ғазна ижросига ўтган ташкилотлар ушбу устун бўйича йил бошидан ўсиб боровчи тартибда ғазначилик бўлинмалари орқали амалга оширилган тўловларни кўрсатади.

39. «Касса харажати — жами» устунида бюджет ташкилотининг давлат бюджети маблағлари бўйича депозит ҳисоб рақамидан харажатлар сметаларида кўзда тутилган мақсадлар учун ўтказилган маблағлар йил бошидан ўсиб боровчи тартибда (294-сон шакл дафтари маълумотлари асосида) харажатлар иқтисодий таснифининг ҳисобот шаклида келтирилган харажат гуруҳлари ва моддалари бўйича акс эттирилади.

Давлат бюджетнинг ғазна ижросига ўтган бюджет ташкилотлари ушбу устун бўйича йил бошидан ўсиб боровчи тартибда ғазначилик бўлинмалари орқали амалга оширилган тўловларни кўрсатади.

40. «Ҳақиқий харажатлар — жами» устунида ҳақиқий харажатлар (бюджет бўйича) йил бошидан ўсиб боровчи тартибда (294-сон шакл дафтари маълумотлари асосида) харажатлар иқтисодий таснифининг ҳисобот шаклида келтирилган харажат гуруҳлари ва моддалари бўйича акс эттирилади.

41. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сотиб олинган асосий воситаларга ҳисобланган эскириш суммаси харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл)да Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномада (рўйхат рақами 2146, 2010 йил 11 октябрь) белгиланган харажатлар иқтисодий таснифининг 43 50 000 «Асосий воситаларни сотиб олиш» харажат моддасининг тегишли кичик модда ва элементлари бўйича ҳақиқий харажатлар сифатида акс эттирилади.

Бунда, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан сотиб олинган асосий воситалар бўйича ҳисобланган эскириш суммаси тегишли равишда бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларда Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномада (рўйхат рақами 2146, 2010 йил 11 октябрь) белгиланган харажатлар иқтисодий таснифининг 43 50 000 «Асосий воситаларни сотиб олиш» харажат моддасининг тегишли кичик модда ва элементлари бўйича ҳақиқий харажатлар сифатида акс эттирилади.

42. Бюджет маблағлари олувчилар томонидан давлат бюджетидан олинган маблағларнинг ижроси бўйича тузилган Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл)да харажатлар иқтисодий таснифининг тегишли моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича амалга оширилган касса харажатларидан ошмаган ҳолда ҳақиқий харажатларни тўлиқ акс эттиради.

43. Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл) бюджет тизими бюджетлари харажатлари таснифининг ҳар бир бўлим, кичик бўлим ва боби бўйича алоҳида ҳолда тузилади.

44. Бюджет ташкилотлари томонидан шахсий ғазна ҳисобварақ (ҳисоб рақам)ларидаги тежаб қолинган ва белгиланган тартибда Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилган давлат бюджетни маблағлари алоҳида «Тежаб қолинган ва Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилган маблағлар» (I — IV харажат гуруҳларига қўшилмаган ҳолда) қаторида ҳисобот даврининг касса харажатлари сифатида акс эттирилади.

5-§. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумот

45. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумот бюджет ташкилотнинг ҳисобот даври охирида давлат бюджетни ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан мавжуд дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун тузилади.

46. «Дебитор қарздорлик» қисмида бюджет ташкилотининг барча мавжуд дебиторлик қарзлари акс эттирилади.

47. «I гуруҳ бўйича жами. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг I-гуруҳ харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд дебиторлик қарзлар акс эттирилади.

48. «II гуруҳ бўйича жами. Иш ҳақиға қўшимчалар» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг II гуруҳ харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд дебиторлик қарзлар акс эттирилади.

49. «III гуруҳ бўйича жами. Капитал қўйилмалар» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг III гуруҳ харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд дебиторлик қарзлар акс эттирилади.

50. «IV гуруҳ бўйича жами. Бошқа харажатлар» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг IV гуруҳ харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд дебиторлик қарзлар акс эттирилади.

51. «Харажатлар гуруҳлари бўйича жами» қаторида юқоридаги харажат гуруҳлари бўйича жами дебиторлик қарзлар акс эттирилади.

52. «Бюджет ташкилотларининг тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» қаторида юқоридаги харажат гуруҳлари бўйича акс эттиришнинг имкони бўлмайдиган қуйидаги ҳисоб-китоблар натижасида юзага келган дебиторлик қарзлар акс эттирилади:

болаларнинг мактабгача таълим муассасаларида тарбияланганлиги;

болаларнинг мусиқа ва санъат мактабларида ўқитилганлиги;

тарбияланувчиларнинг мактаб-интернатларда ва бошқа таълим муассасаларида тарбияланганлиги;

иш жойида овқат билан таъминланганлиги учун ходимлар билан ва бошқа шу каби ҳисоб-китоблар натижасида юзага келган дебиторлик қарзлар.

53. Мазкур дебиторлик қарзлар Бош журнал китоби ва Баланс (1-сон шакл)да акс эттирилган 151 400 — «Бюджет ташкилотларининг тўловлар-

нинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчётининг ҳисобот даврида мавжуд дебет қолдигига мос бўлиши лозим.

54. «Бюджет ташкилотларининг Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (бундан буён матнда Пенсия жамғармаси) билан дебитор қарзлари» қаторида бюджет ташкилотларининг Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга ошириладиган тўловлар бўйича дебиторлик қарзлари акс эттирилади.

55. «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» қаторида пул маблағлари ва товар-моддий қимматликлар камомадлари бўйича ҳамда айбдор шахслар ҳисобига акс эттирилган ва белгиланган тартибда ундириб олинган товар-моддий қимматликлар қиймати бўйича юзага келган дебиторлик қарзлари, шунингдек бошқа ҳисоб-китоблар ҳисоби акс эттирилади. Мазкур дебиторлик қарзлар Бош журнал китоби ва Баланс (1-сон шакл)да акс эттирилган 153 100 — «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» субсчётининг ҳисобот даврида мавжуд дебет қолдигига мос бўлиши лозим.

56. «Бюджет ташкилотларининг талабалар билан бошқа дебитор қарзлари» қаторида таълим муассасаларида талабалар билан тўлов-контракт маблағлари бўйича, жумладан тўлов-контракт маблағларининг ҳисобланиши натижасида юзага келган дебиторлик қарзлар акс эттирилади. Мазкур дебиторлик қарзлар Бош журнал китоби ва Баланс (1-сон шакл)да акс эттирилган 153 600 — «Бюджет ташкилотларининг талабалар билан бошқа дебитор қарзлари» субсчётининг тўлов-контракт маблағларининг ҳисобланиши натижасида талабалардан юзага келган дебиторлик қарзлар қисми бўйича ҳисобот даврида мавжуд дебет қолдигига мос бўлиши лозим.

57. «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан дебитор қарзлари» қаторида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ажратмалар, шунингдек турли хил жарималар ва пенялар ҳисобидан шаклланадиган бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларининг бюджет ташкилотлари ўртасида тақсимланиши бўйича юзага келган дебитор қарздорликлар акс эттирилади.

58. Мазкур дебиторлик қарзлар «Бош журнал китоби» (308-сон шакл) ва Баланс (1-сон шакл)да акс эттирилган 154 000 — «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан дебитор қарзлари» субсчётининг ҳисобот даврида мавжуд дебет қолдигига мос бўлиши лозим.

59. «Юқоридаги акс эттирилганлардан ташқари бошқа ҳисоб-китоблар бўйича дебиторлик қарзлар» қаторида юқорида келтирилмаган бошқа дебиторлик қарзлар акс эттирилади.

60. «Ҳаммаси» қаторида бюджет ташкилотининг барча мавжуд дебиторлик қарзлари акс эттирилади.

61. «Кредитор қарздорлик» қисмида бюджет ташкилотининг барча мавжуд кредиторлик қарзлари акс эттирилади.

62. «I гуруҳ бўйича жами. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг I гуруҳ харажат моддалари,

кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд кредиторлик қарзлар акс эттирилади.

63. «II гуруҳ бўйича жами. Иш ҳақиға қўшимчалар» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг II гуруҳ харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд кредиторлик қарзлар акс эттирилади.

64. «III гуруҳ бўйича жами. Капитал қўйилмалар» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг III гуруҳ харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд кредиторлик қарзлар акс эттирилади.

65. «IV гуруҳ бўйича жами. Бошқа харажатлар» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг IV гуруҳ харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд кредиторлик қарзлар акс эттирилади.

66. «Харажатлар гуруҳлари бўйича жами» қаторида юқоридаги харажат гуруҳлари бўйича жами кредиторлик қарзлар акс эттирилади.

67. «Бюджет ташкилотларининг тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан кредитор қарзлари» қаторида харажат гуруҳлари бўйича акс эттиришнинг имкони бўлмайдиган қуйидаги ҳисоб-китоблар натижасида юзага келган кредиторлик қарзлар акс эттирилади:

болаларнинг мактабгача таълим муассасаларида (болалар боғчалари ва яслиларда) тарбияланганлиги;

болаларнинг мусиқа ва санъат мактабларида ўқитилганлиги;

тарбияланувчиларнинг мактаб-интернатларда ва бошқа таълим муассасаларида тарбияланганлиги учун ота-оналар билан;

иш жойида овқат билан таъминланганлиги учун ходимлар ва бошқа шу каби ҳисоб-китоблар.

68. Мазкур кредиторлик қарзлар Бош журнал китоби ва Баланс (1-сон шакл)да акс эттирилган 341 400 — «Бюджет ташкилотларининг тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан кредитор қарзлари» субсчётининг ҳисобот даврида мавжуд кредит қолдиғига мос бўлиши лозим.

69. «Бюджет тўловлари бўйича бюджетга қарздорликлар (I ва IV гуруҳда кўрсатилганларидан ташқари)» қаторида бюджет ташкилотлари томонидан маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва реализация қилишдан қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджетга ҳисобланган ва тўланиши лозим бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек мазкур шаклнинг I ва IV гуруҳларида акс эттирилмаган бюджет билан ҳисоб-китоблар натижасида ҳисобот даврида юзага келган кредиторлик қарзлар акс эттирилади.

70. «Бюджет ташкилотларининг талабалар билан бошқа кредитор қарзлари» қаторида таълим муассасаларида тўлов-контракт маблағларининг ҳисобланиши ва тўланиши натижасида талабалар билан ҳисоб-китоблар бўйича юзага келган кредиторлик қарзлар акс эттирилади. Мазкур кредиторлик қарзлар «Бош журнал китоби» (308-сон шакл) ва Баланс (1-шакл)да акс эттирилган 343 600 — «Бюджет ташкилотларининг талабалар билан бошқа кредитор қарзлари» субсчётининг мавжуд кредит қолдиғига ортиқча тўланиши ва ҳисобланганлиги натижасида вужудга келган кредиторлик қарзлар мос бўлиши лозим.

71. «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан кредитор қарзлари» қаторида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ажратмалар, шунингдек турли хил жарималар ва пенялар ҳисобидан шаклланадиган бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларининг бюджет ташкилотлари ўртасида тақсимланиши бўйича юзага келган кредитор қарздорликлар акс эттирилади.

72. «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан кредитор қарзлари» «Бош журнал китоби» (308-сон шакл) ва Баланс (1-сон шакл)да акс эттирилган 344 000 — «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан кредитор қарзлари» субсчётининг ҳисобот даврида мавжуд дебет қолдиғига мос бўлиши лозим.

73. «Бюджет ташкилотининг ихтиёрида вақтинча бўладиган маблағлар бўйича кредитор қарзлари» қаторида бюджет ташкилотининг ихтиёрига вақтинчалик тушган ва маълум шартлар бажарилгандан кейин қайтарилиши лозим бўлган суммалар ҳисоби бўйича юзага келган кредиторлик қарзлар акс эттирилади. Мазкур кредиторлик қарзлар Бош журнал китоби ва Баланс (1-сон шакл)да акс эттирилган 345 000 — «Бюджет ташкилотининг ихтиёрида вақтинча бўладиган маблағлар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг ҳисобот даврида мавжуд кредит қолдиғига мос бўлиши лозим.

74. «Юқоридаги акс эттирилганлардан ташқари бошқа ҳисоб-китоблар бўйича кредиторлик қарзлар» қаторида мазкур параграфда кўрсатилмаган бошқа кредиторлик қарзлар акс эттирилади.

75. «Ҳаммаси» қаторида бюджет ташкилотининг барча мавжуд кредиторлик қарзлари акс эттирилади.

76. «Жами қарздорлик» устуни бўйича бюджет ташкилотининг давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ҳисобот даврида мавжуд дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг жами суммаси кўрсатилади.

77. «Бюджет ҳисобидан» устунида давлат бюджети маблағлари бўйича юзага келган қарздорлик кўрсатилади. «Бюджетдан ташқари маблағлар» устунида эса, бюджетдан ташқари маблағлари бўйича вужудга келган жами қарздорлик суммаси кўрсатилади.

78. Дебиторлик қарзни давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига аниқ ажратишнинг имкони бўлмаса, ушбу дебиторлик қарз давлат бюджети маблағлари бўйича амалга оширилган касса харажатлари суммасидан ошмаган ҳолда давлат бюджети маблағлари ҳисобида кўрсатилади. Дебиторлик қарзнинг қолган (давлат бюджети маблағлари бўйича амалга оширилган касса харажатлари суммасидан ошган) қисми бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобида акс эттирилади.

79. Кредиторлик қарзни давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобида аниқ ажратишнинг имкони бўлмаса, ушбу кредиторлик қарз давлат бюджети бўйича қолдиқ лимит маблағи доирасида иқтисодий харажатлар таснифининг тегишли моддаси бўйича бюджет ҳисобида кўрсатилади.

ди. Кредиторлик қарзнинг қолган (давлат бюджети лимитидан ошган) қисми бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобида акс эттирилади.

80. «Муддати ўтган қарздорлик — жами» устунида «Жами қарздорлик» устунида кўрсатилган қарздорликдан муддати ўтказиб юборилган, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сўндирилмаган қарзнинг умумий суммаси, «Бюджет ҳисобидан» устунида давлат бюджети маблағлари ҳисобига нисбатан вужудга келган қисми, «Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан» устунида эса, бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига нисбатан вужудга келган қисми кўрсатилади.

81. «Республика ташқарисида» устунида муддати ўтган қарздорликнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги қисми кўрсатилади.

82. «Изоҳ» устунида қўшимча изоҳлар келтирилади.

83. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнинг 6-устуни «Муддати ўтган қарздорлик жами» даги маълумотлар Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумот иловасидаги Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотда 6 ойгача, 9 ойгача, 1 йилгача ва 1 йилдан ошган қарздорликлар бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар манбаига ажратилган ҳолда акс эттирилади.

84. Зарурат туғилганда, бюджет ташкилотларига ҳамда ҳисобот олувчиларга (тегишли молия органларига ва бюджет маблағларини тақсимловчиларга) ушбу ҳисобот шаклида ҳисобот олувчилар томонидан қарздорлик бўйича талаб қилинган қўшимча маълумотлар олиш имконини берувчи қўшимча реквизитлар қўшиш ҳукуқи берилади.

6-§. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот

85. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот бюджет ташкилотлари томонидан ҳисобот даври мобайнида қуйидаги маблағлари ҳаракатини Стандартнинг 5-илоvasига мувофиқ шаклда акс эттириш лозим:

ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар;

фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар;

бюджет ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблағларнинг бир қисми;

белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдирилган маблағлар;

хомийликдан олинган маблағлар.

86. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот шаклини тузишдан олдин ташкилотлар:

ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар;

фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар;

бюджет ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблағларнинг бир қисми;

белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдирилган маблағлар;

хомийликдан олинган маблағларга доир дастлабки ҳужжатларнинг тўлиқлигини шахсий ғазна ҳисобварақлардан (ҳисоб рақамлардан) олинган кўчирмаларни ва тегишли ҳисоб регистрлари маълумотларининг тўғрилигини текшириб чиқадилад.

87. «1. Йил бошидаги пул маблағи қолдиғи» қаторида тегишли шахсий ғазна ҳисобварақлардан (ҳисоб рақамлардан) кўчирмаларга мувофик, Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг ҳисобот йили 1 январь санасига мавжуд пул маблағлари қолдиғи акс эттирилади.

88. «2. Ҳисобот даврида тушган тушумлар — жами» қаторида «2.1 Ҳисобот даврида тушган даромад (тушум)лар» ва «2.2 Ўтган йил қолдиғи ҳисобидан тушган тушум» қаторларининг йиғиндиси кўрсатилади.

«2.1 Ҳисобот даврида тушган даромад (тушум)лар» қаторида «а», «б», «в», «г» ва «д» қаторлар бўйича ҳисобот даврида тушган даромадлар (тушумлар)нинг йиғиндиси кўрсатилади.

«а) ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар» қаторида тежаб қолинган ва белгиланган тартибда Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилган давлат бюджети маблағлари кўрсатилади.

«б) фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан» қаторида фаолият тури бўйича маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган жами тушумлар (пул маблағлари) кўрсатилади.

«в) бюджет ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан» қаторида вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва бошқа мулкларни ижарага беришдан тушган даромадлар (пул маблағлари) кўрсатилади.

«г) белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдирилган маблағлар» қаторида қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа келиб тушган тушумлар кўрсатилади.

«д) хомийликдан олинган» қаторида хомий ташкилотлардан ҳамда жисмоний шахслардан тушган хомийлик ёрдамлари кўрсатилади.

89. «3 Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами» қаторида 4-устун «Касса харажат»да акс эттирилган жами касса харажатларининг суммаси кўрсатилади.

90. «2.2 Ўтган йил қолдиғи ҳисобидан тушган тушум» қаторида ўтган молия йилида келиб тушиши лозим бўлган маблағларнинг жорий молия йилида келиб тушган суммаси акс эттирилади.

91. «Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами» қаторида «3.1 Касса харажатлари» ва «3.2 Қайтарилган қолдиқ» қаторларининг йиғиндиси кўрсатилади.

92. «3.1 Касса харажатлари» қаторида 4-устун «Касса харажатлари — жами»да акс эттирилган жами касса харажатларининг суммаси кўрсатилади.

93. «3.2 Қайтарилган қолдиқ» қаторида ўтган молия йилида нотўғри ёки ортиқча келиб тушган маблағларнинг жорий молия йилида қайтарилган суммаси акс эттирилади.

94. «4. Ҳисобот даври охирида пул маблағи қолдиғи» қаторида «1. Йил бошида пул маблағи қолдиғи» қаторида акс эттирилган сумма ва «2. Ҳисобот даврида тушган тушумлар — жами» қаторида акс эттирилган тушумлар йиғиндисидан «3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами» қатори бўйича акс эттирилган касса харажатларининг айирмаси кўрсатилади.

95. «Харажатлар ёйилмаси»да Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар мазкур ҳисобот шаклида келтирилган харажатлар иқтисодий таснифининг харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича акс эттирилади.

7-§. Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот

96. Стандартнинг 6-иловасидаги Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни тузишдан олдин тиббиёт ташкилотлари:

тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларининг шаклланиш манбалари ва сарфланишига доир бирламчи ҳужжатларнинг тўлиқлигини;

шахсий газна ҳисобварақлардан (ҳисоб рақамлардан) олинган кўчирмаларни ва бошқа тегишли ҳисоб регистрларини текшириб чиқади.

97. «1. Йил бошидаги пул маблағи қолдиғи» қаторида тегишли шахсий газна ҳисобварақларнинг (ҳисоб рақамларнинг) ҳисобот йилининг 1 январь санасидаги кўчирмаларига асосан Тиббиёт ташкилотининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари қолдиғи акс эттирилади.

98. «2. Ҳисобот даврида тушган тушумлар — жами» қаторида «2.1 Ҳисобот даврида тушган даромад (тушум)лар» ва «2.2 Ўтган йил қолдиғи ҳисобидан тушган тушум» қаторларининг йиғиндиси кўрсатилади.

«2.1 Ҳисобот даврида тушган даромад (тушум)лар» қаторида «а», «б», «в», «г», «д» ва «е» қаторлар бўйича ҳисобот даврида тушган даромадлар (тушумлар)нинг йиғиндиси кўрсатилади.

«а) тиббиёт ташкилотига ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган миқдорда бюджетдан ажратиладиган маблағлар» қаторида тиббиёт ташкилоти учун бюджетдан ажратиладиган умумий

маблағларнинг (харажатлар сметасида назарда тутилган жами маблағларнинг) 5 фоизигача бўлган қисмининг тиббиёт ташкилотининг мазкур жамғармасига ўтказилган суммалари кўрсатилади.

«б) фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан» қаторида тиббиёт ташкилотининг пулли даволаш ва хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлари кўрсатилади.

«в) ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар» қаторида қонун ҳужжатларига мувофиқ кўрсатилган жамғармага ўтказилган тежаб қолинган маблағлар суммаси кўрсатилади.

«г) тиббиёт ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан» қаторида тиббиёт ташкилотлари вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва бошқа мулкларни ижарага беришдан тушган даромадларини акс эттиради.

«д) белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдирилган маблағлар» қаторида тиббиёт ташкилотига қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа келиб тушган тушумлар кўрсатилади.

«е) ҳомийликдан олинган» қаторида ҳомий ва донор ташкилотлардан тушган ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилади.

99. «2.2 Ўтган йил қолдиғи ҳисобидан тушган тушум» қаторида ўтган молия йилида келиб тушиши лозим бўлган маблағларнинг жорий молия йилида келиб тушган суммаси акс эттирилади.

100. «3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами» қаторида «3.1 Касса харажатлари» ва 3.2 «Қайтарилган қолдиқ» қаторларининг йиғиндиси кўрсатилади.

101. «3.1 «Касса харажатлари» қаторида 4-устун «Касса харажатлари — жами»да акс эттирилган жами касса харажатларининг суммаси кўрсатилади.

102. «3.2 Қайтарилган қолдиқ» қаторида ўтган молия йилида нотўғри ёки ортиқча келиб тушган маблағларнинг жорий молия йилида қайтарилган суммаси акс эттирилади.

103. «4. Ҳисобот даври охирида пул маблағи қолдиғи» қаторида «1. Йил бошида пул маблағи қолдиғи» қаторида акс эттирилган сумма ва «2. Ҳисобот даврида тушган тушумлар — жами» қаторида акс эттирилган тушумлар йиғиндисидан «3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами» қатори бўйича акс эттирилган касса харажатларининг айирмаси кўрсатилади.

104. «Харажатлар ёйилмаси»да кўрсатилган Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар мазкур ҳисобот шаклида келтирилган харажатлар иқтисодий таснифининг харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича акс эттирилади.

8-§. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот

105. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан туш-

ган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот Стандартнинг 7-иловасига мувофиқ шаклда таълим муассасаларидаги ўқитишнинг тўлов-контракт бўйича тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш учун мўлжалланган.

106. Таълим муассасалари мазкур ҳисоботни тузишдан олдин қуйидагиларни тўғрилигини текшириб чиқади:

ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағларнинг шаклланиши ва сарфланишига оид барча дастлабки ҳужжатларнинг тўлиқлигини;

аналитик ҳисоб маълумотларининг тегишли синтетик ҳисоб маълумотларга мувофиқлигини;

тегишли ҳисоб регистрлари маълумотларининг тўлиқ ва тўғри акс этирилганлиги.

107. «2. Ҳисобот даврида тушган тушумлар — жами» қаторида «2.1 Ҳисобот даврида тушган даромад (тушум)лар» ва «2.2 Ўтган йил қолдиғи ҳисобидан тушган тушум» қаторларининг йиғиндиси кўрсатилади.

«2.1 Ҳисобот даврида тушган даромад (тушум)лар» қаторида «а», «б», ва «в» қаторлар бўйича ҳисобот даврида тушган даромадлар (тушумлар)нинг йиғиндиси кўрсатилади.

108. «2.2 Ўтган йил қолдиғи ҳисобидан тушган тушум» қаторида ўтган молия йилида келиб тушишиш лозим бўлган маблағларнинг жорий молия йилида келиб тушган суммаси акс этирилади.

109. «3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами» қаторида «3.1 Касса харажатлари» ва «3.2 Қайтарилган қолдиқ» қаторларининг йиғиндиси кўрсатилади.

110. «3.1 Касса харажатлари» қаторида 4-устун «Касса харажатлари — жами»да акс этирилган жами касса харажатларининг суммаси кўрсатилади.

111. «3.2 Қайтарилган қолдиқ» қаторида ўтган молия йилида нотўғри ёки ортиқча келиб тушган маблағларнинг жорий молия йилида қайтарилган суммаси акс этирилади.

112. «4. Ҳисобот даври охирида пул маблағи қолдиғи» қаторида «1. Йил бошида пул маблағи қолдиғи» қаторида акс этирилган сумма ва «2. Ҳисобот даврида тушган тушумлар — жами» қаторида акс этирилган тушумлар йиғиндисидан «3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами» қатори бўйича акс этирилган касса харажатларининг айирмаси кўрсатилади.

113. «Харажатлар ёйилмаси»да тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар мазкур ҳисобот шаклида келтирилган харажатлар иқтисодий таснифининг харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича акс этирилади.

9-§. Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот

114. Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисо-

бот қуйидаги бюджетдан ташқари маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни Стандартнинг 8-иловасига мувофиқ шаклда умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун мўлжалланган:

Пенсия жамғармасининг ижтимоий нафақаларни тўлаш учун маблағлари;

ўтган йиллар дебиторлик қарзларининг тушган суммаси;

мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан тушадиган тушумлар;

мактабдан ташқари муассасаларда болалар таъминоти учун ота-оналардан тушадиган тушумлар (муסיқа ва санъат мактаблари);

ходимлардан, улар ишлаётган жойида овқатланганлиги бўйича ҳисобкитоблардан тушадиган тушумлар;

мактаб-интернатлар ва лицейларда болаларнинг таъминоти учун ота-оналардан тушадиган тушумлар;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари;

умумтаълим муассасаларида дарсликлар ижараси тўловидан тушган бюджетдан ташқари маблағлар;

капитал қўйилма маблағлари бўйича депозитлар;

турғун даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётган беморлардан овқатланиш учун ундириладиган тўловлар;

тақсимланиши назарда тутилган тушумлар;

бошқа таълим муассасаларида (шу жумладан, баркамол авлод марказлари) болалар таъминоти учун ота-оналар тўлайдиган тўловлар;

бошқа маблағлар бўйича депозитлар;

грантлар, инсонпарварлик ёрдами ва техник қўмаклашиш воситалари;

кредит ва ссудалар.

115. Ҳисоботни тузишдан олдин бюджет ташкилотлари қуйидагиларни текширади:

ҳисобот чораги мобайнидаги барча мазкур бюджетдан ташқари маблағларининг шаклланиш манбалари ва сарфланишига доир бирламчи ҳужжатларнинг тўлиқлигини;

шахсий ғазна ҳисобварақлардан (ҳисоб рақамлардан) олинган кўчирмаларни ва бошқа тегишли ҳисоб регистрларини.

116. «Йил бошидаги маблағ қолдиғи» устуни бўйича бюджет ташкилотлари ҳисобот шаклида келтирилган барча бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобот йилининг 1 январь санасига бўлган мавжуд қолдиқ маблағларни акс эттирадилар.

117. «Ҳисобот даврида тушган даромадлар (тушумлар)» устунида ҳисобот шаклида келтирилган барча бюджетдан ташқари маблағларнинг турлари бўйича алоҳида ҳолда ҳисобот даврида бюджет ташкилотининг шахсий ғазна ҳисобварағига (ҳисоб рақамига) келиб тушган тушумлар акс эттирилади.

118. «Ўтган йил қолдиғи ҳисобидан тушган тушум» устунида ўтган молия

йилида келиб тушиши лозим бўлган маблағларнинг жорий молия йилида келиб тушган суммаси акс эттирилади.

119. «Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича олинган (берилган) маблағлар (+, -)» устунда бошқа бюджет ташкилотда тақсимланиши учун ўзаро ҳисоб-китоблар асосида тақсимланган маблағларни келиб тушиши ёки бошқа бюджет ташкилотига ўтказиб берилиши акс эттирилади. «Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича олинган (берилган) маблағлар (+, -)» устунда 630 000 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоблари» субсчётининг дебетдаги маблағ ижобий сон билан, аксинча ушбу субсчётнинг кредитдаги маблағ эса салбий сон билан акс эттирилади.

120. «Ҳисобот даври охиридаги пул маблағи қолдиғи» устунда «Йил бошида маблағ қолдиғи», «Ҳисобот даврида тушган даромадлар (тушумлар)», «Ўтган йил қолдиғи ҳисобидан тушган тушум» ва «Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича олинган (берилган) маблағлар (+, -)» устунларининг йиғиндисидан «Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами» устундаги суммалар айирилгандаги натижа акс эттирилади.

121. «Транзит, депозит ҳисобварақлар ва бошқа жойлаштирилган маблағлар қолдиғи» қаторида ташкилотлар томонидан транзит, депозит ҳисобварақлар ва бошқа жойлаштирилган маблағлар акс эттирилади.

122. «Харажатлар ёйилмаси»да мазкур бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳисобот даврида амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатларни иқтисодий таснифининг харажатлар моддаси, кичик моддаси ва элементлари бўйича ҳар бир бюджетдан ташқари маблағларнинг турлари бўйича алоҳида ҳолда акс эттиради.

10-§. Товар-моддий захиралар ва номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот

123. Товар-моддий захиралар ва номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот Стандартнинг 9-иловасига мувофиқ шаклда бюджет ташкилотининг ҳисобот йили мобайнидаги товар-моддий захиралар, асосий воситалар, қийматликлар ва ноишлаб чиқариш активларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун тузилади.

124. Мазкур ҳисобот шаклини тузишдан олдин бюджет ташкилотлари: ҳисобот йил бошида мавжуд товар-моддий захиралар, асосий воситалар, қийматликлар ва ноишлаб чиқариш активлари қолдиғининг тўғрилигини (асосланганлигини);

йил мобайнида бюджет ташкилотига кириш бўлган ва бюджет ташкилотидан чиқим бўлган барча номолиявий активларни давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби бўйича алоҳида ҳолда ҳисоб регистрларида Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 2169, 2010 йил 22 декабрь) билан тасдиқланган 326-сон шаклдаги асосий воситалар бўйича айланма қайдномада, 296-сон шаклдаги

материал қимматликларнинг миқдор-қиймат ҳисоби дафтари (карточкаси)-да, Бош журнал китобида ва бошқа тегишли регистрларда) тўғри акс эттирилганлигини;

кирим ва чиқим операцияларини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлигини ва тўлиқлигини текшириб чиқади.

125. Ҳисоботда асосий воситалар, қийматликлар ва ноишлаб чиқариш активлари тўғрисидаги маълумотлар Бош журнал китоби ва асосий воситалар, қийматликлар ва ноишлаб чиқариш активлари ҳисоби юритиладиган ҳисоб регистрлари маълумотлари асосида тўлдирилади.

Ҳисоботда асосий воситалар, қийматликлар ва ноишлаб чиқариш активларининг (давлат бюджети ёки бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан олинганлиги кўрсатилган ҳолда) йил бошида мавжуд қолдиғи, ҳисобот йили мобайнида кирим бўлган асосий воситалар, қийматликлар ва ноишлаб чиқариш активларининг қиймати ва чиқим бўлган (ҳисобдан чиқарилган)ларининг қиймати, шунингдек ҳисобот даври охирида бюджет ташкилотлари балансида қолган асосий воситалар ва номолиявий активларнинг қиймати кўрсатилади.

126. Асосий воситалар, қийматликлар ва ноишлаб чиқариш активларини ҳар йилги қайта баҳолаш натижасида бошланғич (қайта тиклаш) қийматининг ўзгариши (ошиши ёки камайиши) ҳисобот шаклининг алоҳида 608 — «Қайта баҳолаш натижасида» қаторида акс эттирилади.

127. Товар-моддий захиралар бўйича ҳисобот даври бошида ва охирида қолдиғи, шунингдек бюджет ташкилоти эҳтиёжлари учун товар-моддий захираларнинг давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан сарфланган суммаси алоҳида ҳолда кўрсатилади.

Ташкилотга ҳисобот даври мобайнида кирим бўлган товар-моддий захиралар, жумладан текин ва сотиб олинган, ортиқча материалларнинг кирим қилинган ҳамда йил мобайнида чиқим қилинган материал захиралари (текин берилган, сотилган, камомадлар ва бошқа сабаблар туфайли чиқим қилинган) қиймати кўрсатилади.

128. Ҳисобот шакли бюджет ташкилотлари томонидан ҳисобот чорағи (йили) учун топшириладиган Баланс (1-сон шакл) билан бирга тақдим қилинади.

11-§. Бюджет ташкилотларида чет эл валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот

129. Бюджет ташкилотларида чет эл валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот Стандартнинг 10-иловасига мувофиқ шаклда бюджет ташкилотларининг ҳисобот даври мобайнидаги чет эл валюта маблағлари ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш учун мўлжалланган.

130. Бюджет ташкилотлари ушбу ҳисоботни тузишдан олдин:

ҳисоб рақамлардан (шахсий ғазна ҳисобварақлардан) олинган кўчирмаларни ва бошқа тегишли ҳисоб регистрлари маълумотларининг тўғрилигини;

чет эл валюталари шаклида тушган маблағларнинг шаклланиши ва сарфланишига оид барча дастлабки ҳужжатларнинг тўлиқлигини;

аналитик ҳисоб маълумотларининг тегишли синтетик ҳисоб маълумотларга мувофиқлигини текшириб чиқади.

131. «1. Йил бошидаги пул маблағи қолдиғи» қаторида тегишли ҳисоб рақамлардан (шахсий ғазна ҳисобварақлардан) кўчирмаларга мувофиқ хорижий валюталар бўйича ҳисобот йилининг биринчи январь санасига мавжуд пул маблағлари қолдиғи акс эттирилади.

132. «2. Ҳисобот даврида тушган даромад (тушум)лар — жами» қаторида «а», «б», «в», «г», «д», «е», «ж» ва «з» қаторлар бўйича ҳисобот даврида тушган даромадлар (тушумлар)нинг йиғиндиси кўрсатилади.

«а) чет эл валютасида маҳсулотлар сотиш (ишлар, хизматлар кўрсатиш)дан тушумлар» қаторида фаолият тури бўйича чет эл валютасида маҳсулотлар сотиш (ишлар, хизматлар кўрсатиш)дан тушган тушумлар кўрсатилади;

«б) бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобидан чет эл валютасини сотиб олиш» қаторида бюджетдан ажратилган маблағлари ҳисобидан сотиб олинган чет эл валютаси суммаси акс эттирилади;

«в) бюджетдан ташқари пул маблағлари ҳисобидан чет эл валютасини сотиб олиш» қаторида бюджетдан ташқари пул маблағлари ҳисобидан сотиб олинган чет эл валютаси суммаси акс эттирилади;

«г) чет эл валютасида олинishi белгиланган кредит ёки грантлар» қаторида чет эл валютасида олинган кредит ёки грант маблағлари суммаси кўрсатилади;

«д) юридик ва жисмоний шахслар томонидан чет эл валютасида кўрсатилган ҳомийлик (беғараз) ёрдам» қаторида юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига чет эл валютасида кўрсатилган ҳомийлик (беғараз) ёрдам маблағлари акс эттирилади;

«е) бюджет ташкилотининг вақтинча ихтиёрида сақланадиган чет эл валютасидаги маблағлари» қаторида бюджет ташкилотлари ихтиёрида вақтинча сақланадиган чет эл валюта маблағларининг суммаси кўрсатилади;

«ж) валюта курсининг ижобий фарқи ҳисобига ҳосил бўлган маблағлар» қаторида Марказий банк томонидан ўрнатилган чет эл валютасининг сўмга нисбатан курсининг ижобий фарқ ҳисобига ҳосил бўлган маблағлар суммаси акс эттирилади.

«з) бошқа тушумлар» қаторида қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар суммаси кўрсатилади.

133. «3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами» қаторида 4-устун «Касса харажат»да акс эттирилган жами касса харажатлари суммаси кўрсатилади.

134. «4. Валюта курсининг салбий фарқ ҳисобига ҳосил бўлган зарарлар» қаторида ҳисобот даврининг охириги кунда Марказий банк томонидан ўрнатилган чет эл валютасининг сўмга нисбатан қийматининг салбий фарқи ҳисобига кўрилган зарар суммаси акс эттирилади.

135. «5. Ҳисобот даври охирида пул маблағи қолдиғи» қаторида «1. Йил бошида пул маблағи қолдиғи» қаторида акс эттирилган сумма ва «2. Ҳисобот даврида тушган даромад (тушум)лар — жами» қаторида акс эттирилган тушумлар йиғиндисидан «3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами» ва «4. Валюта курсининг салбий фарқ ҳисобига ҳосил бўлган зарарлар» қаторлари айирмаси кўрсатилади.

136. «Харажатлар ёйилмаси» устунида чет эл валютаси ҳисобидан амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар мазкур ҳисобот шаклида келтирилган харажатлар иқтисодий таснифининг харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича акс эттирилади.

12-§. Молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш ва тақдим қилиш тартиби

137. «UzASBO» дастурий мажмуасига (бундан буён матнда дастурий мажмуа деб юритилади) уланган бюджет ташкилотлари молиявий ҳисоботларни электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда тегишли фазначилик бўлинмалари ёки бюджет маблағларини тақсимловчига тақдим этади.

138. Дастурий мажмуа орқали электрон шаклда топширилган молиявий ҳисоботлар бир нусхада қоғозга чоп этилиб, ҳисобот берувчи ташкилотнинг раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланади. Имзоланган молиявий ҳисоботлар ҳисобот берувчи ташкилотда белгиланган тартибда сақланади.

139. Бюджет маблағларини тақсимловчилар ва марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати жамланма молиявий ҳисоботларни дастурий мажмуа орқали ваколатли ходимлари томонидан электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда тегишли фазначилик бўлинмаларига тақдим этади.

Жамланма молиявий ҳисоботлар бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан Стандартнинг 139-бандида белгиланган тартибда расмийлаштирилади ва сақланади.

140. Қуйи ташкилотлар томонидан юқори турувчи ташкилотларга электрон шаклда тақдим қилинган молиявий ҳисоботлар қуйи турувчи ташкилотларнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчилари томонидан имзоланади. Марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати жамланма молиявий ҳисоботлари ташкилот раҳбари ҳамда марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматининг бош ҳисобчиси томонидан имзоланади. Имзоланган молиявий ҳисоботлар ҳисобот берувчи ташкилотда белгиланган тартибда сақланади.

141. Молиявий ҳисоботларни электрон шаклда тақдим қилиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда, бюджет ташкилотлари молиявий ҳисоботларни тегишли фазначилик бўлинмаларига қоғоз шаклида имзоланган ҳолда бир нусхада тақдим этади.

Ҳисоботлар бюджет ташкилотларининг муҳрлари ҳамда Стандартнинг

139-бандида кўрсатилган ваколатли шахсларнинг имзолари қўйилмаса ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

142. Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар (жамланма) молиявий ҳисоботларни Стандартнинг 11-иловасига* мувофиқ белгиланган муддатларда тегишли фазначилик бўлинмаларига тақдим этадилар.

143. Бюджет маблағларини тақсимловчилар давлат бюджетидан молиялаштириладиган ўз тасарруфидаги ташкилотларнинг молиявий ҳисоботлари асосида чораклик ва йиллик жамланма молиявий ҳисоботларни тузиб, Молия вазирлиги Фазначилигига электрон тарзда тақдим этади.

144. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) бюджетларида турувчи ташкилотлар молиявий ҳисоботларини тегишли вазирлик ва идораларга, ҳокимиятлар (бўлинма) бошқармаларига улар томонидан ўрнатилган, бироқ Стандартда белгиланган муддатлардан кечикмасдан тақдим қилади.

145. Молиялаштирилиши (харажатларининг тўланиши) йил давомида бир бюджетдан бошқасига ўтказилган ёки бир вазирлик (идора) тасарруфидан бошқасига ўтказилган ташкилотларда ўтказиш санасида молиявий ҳисобот (йиллик ҳисобот шакллари ҳажмида) тузилади ҳамда у илгариги ва ҳозирги юқори турувчи идораларга тақдим этилади. Келгусида ҳисобот фақат янги юқори турувчи вазирликка (идорага) тақдим этилади.

146. Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар учун молиявий ҳисоботларни тақдим этиш санаси улар томонидан ҳақиқатда тақдим этилган сана ҳисобланади. Ҳисобот тақдим этиш учун белгиланган муддат ишланмайдиган кунга тўғри келганда, ундан кейин келадиган биринчи иш кунида тақдим этилади.

147. Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар томонидан молиявий ҳисоботлар белгиланган муддатда топширилмаганда, тегишли фазначилик бўлинмалари бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар раҳбарларини ёзма равишда ёки дастурий мажмуа орқали электрон тарзда огоҳлантирган ҳолда Давлат бюджетидан харажатларни молиялаштиришни (тўлаш) чеклашлари, зарур ҳолларда тўхтатиб қўйишлари мумкин.

Молиявий ҳисоботларни электрон тарзда тақдим этувчи бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар ҳисоботларни топшириш муддатидан камида 5 кун олдин дастурий мажмуа орқали уларни тақдим этиш муддатлари яқинлашгани ҳамда молиявий ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этилмаган кундан бошлаб тўловларни амалга оширишга автоматик чекловлар бўлиши тўғрисида огоҳлантирилади.

148. Алоҳида ҳолларда, тегишли фазначилик бўлинмаларига молиявий ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш имконияти чекланганлиги ёки маълум бир узрли сабаблар кўрсатилган ҳолда бюджет ташкилоти ва бюджет маблағларини олувчи ташкилот раҳбарининг ёзма равишдаги мурожаатига

* 11-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

асосан ҳисоботларни топшириш муддати кўпи билан 5 иш кунига кечиктирилиши мумкин.

149. Молиявий ҳисоботларда ўчириш ва устига ёзишлар бўлмаслиги керак. Ҳисоботларда хатолар тузатилганда тегишли қайдлар қилинади (электрон протоколлар юритилади), уларни ҳисоботларга имзо чеккан шахслар тасдиқлайдилар.

Молиявий ҳисоботларга киритилган барча тузатишлар ҳақида юқори турувчи ташкилот томонидан текшириш ва тасдиқлашда мазкур молиявий ҳисоботлар тақдим этилган барча жойларга (манзилгоҳларга) мажбурий тартибда хабар қилиниши лозим.

150. Бюджет ташкилотлари, бюджет маблағлари олувчилар ва бюджет маблағларини тақсимловчилар ўз тасарруфидаги ташкилотларнинг молиявий ҳисоботларини қабул қилади, кўриб чиқади ҳамда тасдиқлайди.

151. Молия вазирлиги ва тегишли ҳудудий молия органлари ўтган йилги молия якунларини чиқаришда бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг ўз тасарруфидаги ташкилотларининг йиллик молиявий ҳисоботларини кўриб чиқишда иштирок этишлари мумкин.

152. Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари молиявий ҳисоботларда номувофиқликлар ва ноаниқликлар мавжуд бўлганда, ўз эътироз ва таклифларини тегишли ташкилотларга улар қабул қилинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмасдан хабар қилади.

3-боб. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадларининг тушумлари тўғрисидаги ҳисоботни тузиш ва тақдим қилиш

153. Туманлар ва шаҳарлар давлат солиқ инспекциялари тегишли туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимларига ҳисобот даври учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ҳамда тушуми тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этади.

154. Туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари томонидан ҳисобот даври учун мавжуд маълумотлар асосида Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ҳамда тушуми тўғрисидаги ҳисобот электрон шаклда Стандартнинг 12-иловага* мувофиқ шаклда тузилади ҳамда ҳар чоракда чораклик ҳисоботларни топширишнинг охириги муддатидан кейинги ойнинг охириги иш кунигача (йил якуни бўйича йиллик ҳисоботларни топширишнинг охириги муддатидан кейинги ойнинг охириги иш кунига) туман (шаҳар) молия бўлимларига тақдим этади.

155. Молия вазирлиги давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тушуми тўғрисидаги ҳисоботларни тўғри тузилишини таъминлаш мақсадида, ҳисоботлардаги хатоликларни бартараф қилиш ва ҳисоботларга зарур

* 12-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ўзгартиришлар киритиш тўғрисида тегишли ҳудудий ғазначилик бўлинмалари, молия ва солиқ органларига ёзма шаклдаги кўрсатмалар бериши мумкин.

Молия вазирлиги ҳисоботлардаги хатоликларни бартараф қилиш ва уларга зарур ўзгартиришлар киритиш тўғрисида берилган кўрсатмалар юзасидан тегишлилиги бўйича Давлат солиқ қўмитасини хабардор этади.

156. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ҳамда тушуми тўғрисидаги ҳисобот қуйидаги тартибда Стандартнинг 12-иловасига мувофиқ шаклда тўлдирилади:

«Бюджет таснифига кўра даромад коди» устунда бюджет таснифи бўйича даромадларнинг турларининг кодлари акс эттирилади;

«Даромадлар номи» устунда бюджет таснифи бўйича даромадларнинг турларининг номлари кўрсатилади;

Ҳисобот йили бошида «Солиқ ва бошқа тўловлар қарзи» устунига йил бошида жисмоний, юридик шахсларнинг солиқ ва бошқа тўловлардан қарздорликлари тегишли даромад кодлари бўйича кўрсатилади.

Ҳисобот йили бошида «тўлаш муддати узайтирилган қарз» устунда «Солиқ ва бошқа тўловлар қарзи» устунидан ҳукумат қарорлари ёки бош ҳужжатлар асосида тўлаш муддати узайтирилган қарзлар акс этирилади.

Ҳисобот йили бошида «ортиқча тўланган солиқ ва бошқа тўловлар» устунда йил бошида жисмоний, юридик шахсларнинг солиқ ва бошқа тўловлардан ортиқча тўловларни тегишли даромад кодлари бўйича акс эттиради.

Ҳисобот йили бошида «Ўтган ҳисобот йилларига йил бошида киритилган ўзгаришлар (+/–)» устунда солиқ ва бошқа тўловлар бўйича текширишлар ёки бошқа ҳисоб-китобларда йил бошида қарздорликлар ошганда ижобий сон билан камайганда эса салбий сон билан тўлдирилади.

Ҳисобот даврида «ҳисобланган солиқ ва бошқа тўловлар» устунда солиқ ва бошқа тўловларнинг даромад турлари бўйича ҳисобот даврида ҳисобланган солиқ ва бошқа тўловларнинг суммаси кўрсатилади.

Ҳисобот даврида «жорий йилда қайта ҳисоб-китоб қилинган солиқ ва бошқа тўловлар (+/–)» устунда жорий йилдаги ҳисобот давридан олдинги ҳисобот даврларида солиқ ва бошқа тўловлар бўйича текширишлар ёки бошқа ҳисоб-китобларда қайта ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ошганда ижобий сон билан камайганда эса салбий сон билан акс этирилади.

Ҳисобот даврида «ҳақиқий тушум миқдори» устунда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан ҳисобот даврида йил бошидан тушган даромадлар акс эттирилади.

Ҳисобот даври охирида «солиқ ва бошқа тўловлар қарзи» устунда ҳисобот даври охирида солиқ ва бошқа тўловлардан мавжуд қарздорликлар кўрсатилади.

Ҳисобот даври охирида «тўлаш муддати узайтирилган» устунда ҳисо-

бот даври охирида солиқ ва бошқа тўловлардан мавжуд қарздорликларнинг тўлаш муддати узайтирилганлари тўлдирилади.

Хисобот даври охирида «ортиқча тўланган солиқ ва бошқа тўловлар» устунида йил бошида жисмоний, юридик шахсларнинг солиқ ва бошқа тўловлардан ортиқча тўловларни тегишли даромад кодлари бўйича акс эттиради.

157. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ҳамда тушуми тўғрисидаги маълумотлар ҳисоботда йил бошидан ўсиб боровчи тартибда тўлдирилади.

4-боб. Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар

1-§. Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим қилиш тартиби

159. Давлат бюджетининг бюджет ҳисоби (бошқа ҳисобрақамлардаги маблағлар бундан мустасно) тегишли бюджетларнинг бюджет жараёнини комплекс автоматлаштириш, бюджет тизими бюджетлари ва Бюджет маблағлари жамғармаси бюджетлари ижроси билан боғлиқ операцияларни акс эттириш учун мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ахборот тизимида юритилади.

160. Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисобот шакллари куйидагиларни ўз ичига олади:

Стандартнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумот;

Стандартнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Стандартнинг 6-иловасига мувофиқ шаклда Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Стандартнинг 7-иловасига мувофиқ шаклда Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Стандартнинг 8-иловасига мувофиқ шаклда Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Стандартнинг 9-иловасига мувофиқ шаклда Товар-моддий захиралар ва номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Стандартнинг 10-иловасига мувофиқ шаклда Бюджет ташкилотларида чет эл валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Стандартнинг 13-иловасига* мувофиқ шаклда Молиявий ҳолат тўғрисида баланс ҳисобот (шунингдек, ушбу ҳисоботнинг 1 ва 2-иловалари);

* 13-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Стандартнинг 14-иловасига* мувофиқ шаклда Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот;

Стандартнинг 15-иловасига* мувофиқ шаклда Давлат бюджети харажатларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот;

Бюджет ташкилотларининг тармоқ, штат ва контингентлар режаларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот.

161. Давлат бюджети ижросининг балансида ҳисобот давридаги Давлат бюджетининг Ягона ғазна ҳисобварағидаги маблағлар қолдиқлари тўғрисида маълумотларни, ягона ғазна ҳисоб варағи орқали ўтадиган операциялардан, шунингдек бюджет ташкилотларининг баланс ҳисоботидаги активлар, мажбуриятлар ва соф активлар/капитал кўрсаткичларидан иборат бўлади.

162. Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботда Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифига мувофиқ ҳисобот даврида ягона ғазна ҳисобварағига келиб тушган ва ҳисобланган давлат бюджети даромадлари акс эттирилади.

163. Давлат бюджети харажатларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботда Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифига мувофиқ бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилар, бюджетлараро муносабатларнинг ҳисобот даврида ягона ҳисоб варақдаги касса харажатлари ва ҳақиқий харажатлари акс эттирилади.

164. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумот, Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, Товар-моддий захиралар ва номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, Бюджет ташкилотларида чет эл валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, Бюджет ташкилотларининг тармоқ, штат ва контингентлар режаларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлар тегишли бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим қилинган ҳисоботларни жамлаш орқали тузилади.

165. Туман ва шаҳар молия бўлимлари туманлар ва шаҳарлар бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни:

бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағлар олувчиларнинг тақдим қилинган молиявий ҳисоботлари;

ягона ғазна ҳисобвараққа келиб тушган давлат бюджети даромадлари; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ҳамда тушуми тўғрисидаги ҳисоботлари;

туманлар ва шаҳарларнинг бюджетлараро муносабатлар ижроси юзасидан маълумотлари асосида тузади.

* 14-15-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

166. Туман ва шаҳар молия бўлинмалари ҳисобот даври учун туманлар ва шаҳарларнинг бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни:

юқори турувчи молия органларига — улар белгилаган муддатларда;

тегишли ҳокимликларга — туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот юқори турувчи молия органларига тақдим этилганидан сўнг уч иш куни ичида тақдим этади.

167. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Фазначилик бошқармалари тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни:

бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағлар олувчиларнинг тақдим қилинган молиявий ҳисоботлари;

туман ва шаҳар молия бўлимлари томонидан тақдим қилинган туманлар ва шаҳарлар бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар;

бюджетлараро муносабатлар ижроси тўғрисидаги маълумотлар асосида тузади.

168. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Фазначилик бошқармалари ҳисобот даври учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Молия вазирлигига тақдим этади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва тегишли ҳокимликларга — Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Молия вазирлигига тақдим этилганидан сўнг уч иш куни ичида тақдим этади.

169. Молия вазирлиги давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни:

бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағлар олувчиларнинг тақдим қилинган молиявий ҳисоботлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бош бошқармалари тақдим қилган Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлари;

бюджетлараро муносабатлар ижроси тўғрисидаги маълумотлар асосида тузади.

170. Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги чораклик ҳисоботни Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддатларда;

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелигача тақдим этади.

2-§. Давлат мақсадли жамғармаларининг молиявий ҳисоботлари

171. Давлат мақсадли жамғармалари ҳар ой якуни билан Стандарт-

нинг 16-иловасига* мувофиқ шаклдаги Давлат мақсадли жамғармаларнинг ижроси тўғрисида ойлик ҳисоботни тузади ҳамда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15 санасидан кечиктирмасдан Молия вазирлигига тақдим этадилар.

172. Давлат мақсадли жамғармаларнинг ижроси тўғрисидаги чораклик ва йиллик молиявий ҳисобот шакллари қуйидагиларни ўз ичига олади:

Стандартнинг 16-иловасига мувофиқ шаклда Давлат мақсадли жамғармаларининг ижроси тўғрисида ойлик ҳисобот.

173. Давлат мақсадли жамғармалари молиявий ҳисоботларга тушунтириш хати илова қилади. Тушунтириш хатида Давлат мақсадли жамғармалар бюджет ижросининг асосий кўрсаткичлари, ижросига таъсир этган асосий омиллар, прогноз кўрсаткичларининг бажарилмаганлик сабаблари ва Стандартда кўрсатилган лекин молиявий ҳисоботларда очиб берилган маълумотларни акс эттиради.

174. Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексининг 25-бобида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5-боб. Яқуний қоида

175. Стандарт талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

* 16-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

58 «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
18 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2971-1*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ,
буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 26 декабрдаги 182-сон «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2971, 2018 йил 15 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 7-сон, 128-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ 2020 йил 1 январдан кучга кириди.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 18 декабрь,
156-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 19 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 12 январдан 18 январгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 12 декабрдаги 151-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (7-сонли БХС) «Товар-моддий захиралар»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3120.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 15 декабрдаги 39/8-сон «Кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2546-2.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 29 декабрдаги 335-В-2, 01-02/12-74-сон «Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2694-2.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 29 декабрдаги 01-02/12-75-сон «Халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари устидан божхона назорати қоидаларининг 5.6-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 896-5.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 13 декабрдаги 153, 350-В, 56-сон «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг аъзолик бадалини Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига ўтказиб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 15 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3121.

6. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 10 декабрдаги 11/ққ, 28-ққ-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 18 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3122.

7. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 10 декабрдаги 12/ққ, 27-ққ, 147-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 18 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2974-1.

8. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 13 декабрдаги 3-мх-сон «Давлат мактабгача таълим муассасаларида қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 18 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3123.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлигининг 2018 йил 18 декабрдаги 78, 39/1-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотишни расмийлаштириш масалаларига оид ҳужжатларни тайёрлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 18 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2909-1.

10. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 18 декабрдаги 157-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) «Бюджет ҳисоботи»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 18 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3124.

11. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 18 декабрдаги 156-сон «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш

бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 18 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2971-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Фермер хўжаликларининг аъзолик бадалини Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига ўтказиш ва тасдиқладиган смета асосида харажат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2957, 2017 йил 19 декабрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 15 январдаги 24-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2974, 2018 йил 21 февраль).

Адлия вазирининг 2019 йил 18 январдаги 26-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

